496
1987/7-12



ГУЛИСТОН

7
1987

ЬАТЛАР ДЎСТЛИГИ —
АЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

7-12
4

70 УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ЙИЛЛИГИ

ГБ УзССР Ж

ИШ ШАРОИТИ — МУҲИМ ОМИЛ

Тўлқин СОБИТОВ,
Агросаноат комплекси республика касаба союз ходимлари комитетининг раиси

АГРОСАНОАТ комплекси ходимлари касаба союзи мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги энг масъулиятли жараён — қайта қуриш талаблари асосида ташкил этилди. Мана шунинг ўзиёқ бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Касаба союз комитети олдида инсоннинг қобилиятини, меҳнат коллективларининг бутун имкониятларини тўлароқ намоён этиш учун уларга меҳнат шароитини яратишдек муҳим вазифа турибди. Буюк В. И. Ленин: «Ҳақиқий коммунизм «формула»лари... ҳаммаси келиб меҳнат шароитига тақалади», деб уқтирган эди. Мамлакатимизнинг шонли 70 йиллик тарихи бу доҳиёна башоратнинг тўғрилигини яққол тасдиқлаб турибди.

Лекин, эътироф этишимиз керакки, кейинги 20—25 йиллик «турғунлик даври»да меҳнат кишилари учун қулай ва яхши иш шароити яратиш масаласига дуруст эътибор берилмади. Республикамизда «ҳукм сурган» носоғлом кайфият бу борада ҳам ўзининг асоратини кўрсатди. Меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари учун ажратилган салмоқли маблағлар касалхоналар, мактаблар, поликлиникалар, уй-жой қурилишлари учун эмас, балки муайян кишилар учун муҳташам чорбоғлар, ишратхоналар, махсус уй-жойлар қурилишига сарфланди.

КПСС XXVII съезди ва партиямиз Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми республикамизда ленинча яшаш нормаларидан чекиниш ҳолларига кескин зарба берди. Партиямиз съезди қарорларининг изчил, дадиллик билан амалга оширилиши самараси ўлароқ мамлакатимизда қайта қуриш жараёни бошланди. Энди ҳар бир нарса ўз номи билан аталадиган бўлди, ҳар бир ҳолатга ҳаққоний баҳо бериш ҳаётимиз мезонига айланиб бормоқда.

Албатта, ўз моҳияти билан революцияга тенг бўлган бу жиддий босқич силлиқ, текис бораётгани йўқ. Эскича яшаш ва ишлаш усулларига ўрганиб, кўникиб қолган кўпгина раҳбарий кадрлар эскича услуб билан иш юритмоқдалар. Мана шундай мураккаб шароитда касаба союз комитетлари партия ва совет ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда қайта қуриш вазифаларини дадиллик билан амалга оширишга даъват этилган. Бу борадаги вазифалар ва қай йўсинда иш юритиш тартиби хусусида ВЦСПС съездида ошкора ва очиқ-ойдин гаплашиб олинди. Съездда касаба союз комитетларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ҳақида гап кетганда совет кишиларининг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилишдан муҳимроқ вазифа йўқлигини доим эътиборда тутишимиз лозим. Бу борада республикамизда ҳам кейинги йилларда бирмунча ишлар қилинди. Масалан, республика агросаноат комплекси системасида меҳнаткашларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган барча ишларга 14 миллион 914 минг сўм сарфланди.

Ҳозирги вақтда агросаноат системасида 52 та санаторий ва профилакторий ишлаб турибди. Буларда бир вақтнинг ўзида 4 минг 11 нафар киши даволаниб, дам олиши мумкин. Наманган областидаги «Шаҳанд», Фарғона областидаги Мамадали Топиболдиев номли, Тошкент областидаги «Оққўрғон», Тошкент гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг 100 ўринли санаторий-профилакторийларида қишлоқ деҳқонларининг, совхоз ишчиларининг даволаниши ва яхши дам олишлари учун тегишли шароитлар муҳайё.

Шу йил давомида Ўзбекистон колхоз шифохоналари бирлашмасига қарашли санаторий-профилакторийларда қарийб 25 минг колхозчининг саломатлигини мустаҳкамлаш режалаштирилган. Бу иш мавсумий тартибда амалга оширилмоқда. Шу нарса эътиборга моликки, мазкур бирлашма коллективининг ҳаракати, айниқса, маҳаллий партия ва касаба союз ташкилотларининг амалий ёрдамлари туфайли янгидан Андижон областида «Бобур», Бекобод район территориясида «Фарҳод», Чортоқ районида табиий шифобахш сув заминида «Гулшан» санаторий-профилакторийлари ишга туширилди. Янги санаторийларни ташкил этиш, мавжудларида эса ўринларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Ижтимоий масалаларни ҳал этишда қишлоқ меҳнаткашларининг маданий дам олишларини таъминлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳозирги пайтда агросаноат комплекси меҳнатчилари учун 589 та клуб, 2 миллион 800 минг дона китоб фондига эга бўлган 571 та кутубхона, шунингдек, 2 минг 300 та турли хил тўгарак хизмат кўрсатмоқда.

Лекин бу борада, баъзи бир афсусли томонлар ҳам бор. Чунончи, ҳали пахта терими даврида ёрдамга кўплаб шаҳарликларни жалб этиш ташвишидан қутулолмаганимиз учун қишлоқлардаги клубларнинг бир қисмидан кузда ётоқхона сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, баҳорда пилла қурти боқишдек ташвишли пайтда ҳам баъзи хўжаликлар ўзларидаги клублардан худди шу мақсадда фойдаланишга уринмоқдалар. Токи пахтакор хўжаликларда

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 7 (449)
Июль
1987

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

№ 4

ҳашарчилар учун махсус ётоқхоналар, пилла қуртини боқиш учун қуртхоналар қурилмас экан, жойлардаги клублардан ўз мақсадида фойдаланишнинг иложи бўлмайди. Бу жиддий муаммони ҳал этиш ҳақида ҳаммамиз, биринчи навбатда, тегишли хўжаликларнинг раҳбарлари амалий фаолият кўрсатишлари лозим.

Тўғри, аҳолининг кўнгилли дам олиши яхши йўлга қўйилган, клуб ишлари нисбатан дуруст ташкил этилган хўжаликлар, бирлашмалар талайгина. Масалан, Тошкент областидаги Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмасида, Бухоро районидаги «Маданият» колхозида, Фарғона областидаги «Ғаниобод» совхозида, Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида клуб ишларини ташкил этишда анчагина тажрибалар тўпланган. Шу областларнинг касаба союз комитетлари бу тажрибаларни оммалаштиришлари керак.

Лекин, биз бугун маданий-оқартув муассасаларининг ишини уюштиришда туб бурилишга эриша олдик, деб айтаолмаймиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида касаба союз ташкилотларининг мазкур йўналишдаги иши ҳаққоний равишда жиддий танқид қилинди. Негаки, кўпгина клублар ва кутубхоналарнинг, моддий-техникавий базалари бугунги талабларга мутлақо жавоб бермайди. Жойлардаги 150 та клуб нари-бери мослаб таъмирланган эски биноларда иш кўради, кўпгина клублар қишда иситилмайди. Очиқ эътироф этишимиз керакки, клублардаги иш кўпинча кинофильм кўрсатишдан, кутубхоналарда эса китоб беришдан нарига ўтмаётир. Ваҳоланки, клублар қишлоқ шароитида маданий тадбирларни ўтказишнинг маркази бўлиши лозим. Кутубхоналарда ҳам ҳамма иш давр талаби даражасига кўтарилиши зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли қарорига мувофиқ, 1987 йилдан бошлаб республика меҳнат коллективларида оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи, техникавий-бадиий ижодкорлик, жисмоний тайёргарлик бўйича кўп томонлама кўрик ўтказилади. Ҳозир касаба союз комитетлари, хўжалик ташкилотлари олдида мазкур кўрик олдидан коллективлар ўртасида оммавий-маданий ва жисмоний-соғломлаштириш ишларини яхшилаш вазифаси турибди.

КПСС XXVII съезди қарорларида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболида 2000 йилга бориб ҳар бир оилани уй-жой билан тўла таъминлаш, ижтимоий-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш вазифаси белгилаб берилди. Ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ жойларида 18,5 миллион квадрат-метр, яъни олдинги беш йилликдагига нисбатан, уч марта кўп уй-жой қуриш белгиланган. Лекин, бу — осон вазифа эмас. Шунинг учун биз қурилишнинг бориши ва сифати, уй-жойнинг ҳисобга олиниши ва тақсимланиши устидан назоратни кучайтиришимиз зарур. Айни вақтда шу йўналишда иш олиб бораётган жамоатчилик комиссияларининг иши бизни қаноатлантирмайди. Бу борада муттасил назоратнинг йўқлиги туфайли ҳар қандай суиистеъмолчилик ва ғайриқонуний ҳоллар юз бермоқда. Масалан, 1-Тошкент ун заводининг директори В. А. Аваков ва корхона касаба союз комитетининг раиси Т. И. Пьянзина томонидан аҳолини муваққат кулбалардан кўчириш баҳонасида 30 дан ортиқ квартира ғайриқонуний равишда тақсимланган. Бундай ҳолларга мутлақо ўрин бўлмаслиги лозим, назоратни ҳар қачонгидан кўра кучайтиришимиз керак.

Ҳозирги вақтда иш ҳақи тўлашнинг амалдаги шакли кишиларнинг меҳнат ва ижодий фаоллигини ошириш талабларига жавоб бермайди. Шу жиҳатдан КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида иш ҳақи тўлашни ташкил этиш, янги тариф ставкаларини ва ходимларнинг лавозим маошларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди. Ҳа, кейинги йигирма йил давомида биринчи марта иш ҳақи тўлаш системасини қайта қуришда иш ҳақининг барча элементлари (тариф ставкалари, маош миқдорлари, мукофотлаш, устама ва қўшимча ҳақ тўлаш) қамраб олинди. Чорвачиликда меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларининг жорий этилиши ҳам республикамиз учун айниқса муҳимдир.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси қаерда илмий-техника ютуқларидан оқилона фойдаланилаётган бўлса, қайси жойда сўз билан иш бирлиги мустаҳкам бўлса, кишилар ҳақида яхши ғамхўрлик қилинаётган бўлса, ўша ерда яхши меҳнат натижаларига эришилаётганлигини кўрсатади.

Республикамизда сигир соғувчиларнинг ишини икки сменада ташкил этиш борасида муайян тажриба тўпланган. Ҳозир 400 тадан кўпроқ хўжаликда иш режими шу тартибда жорий этилган. Оржоникидзе районидаги «Қибрай», Ғалаба районидаги Калинин номли совхозларда ва бошқа бир қатор хўжаликларда сигир соғувчилар икки сменада ишлаб, планларини бажармоқдалар. Афсуски, ишни ташкил этишнинг бу фойдали шаклига баъзи бир хўжаликларнинг қайсар раҳбарлари турли важлар билан тўсқинлик қилмоқдалар. Улар бунда сигир соғувчиларнинг иш ҳақи камайиб кетади, деган нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Амалиёт эса бундай важларнинг асоссиз эканини кўрсатади.

«Қайта қуриш — ижтимоий соҳани устун даражада ривожлантириш, совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига, таълим ва медицина хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш демакдир, — дейилади М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумида қилган докладида, — бу — ҳар бир инсоннинг ва умуман жамиятнинг маънавий бойлиги, маданияти тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш демакдир; бу — жамият ҳаётининг кенг миқёсли туб муаммоларини ҳал этишни одамларни қизиқтираётган кундалик масалаларни ҳал этиш билан қўшиб олиб бора билиш демакдир».

Демак, биз касаба союз ходимлари бугунги ҳаётий масалаларни ҳал этишда қайта қуришнинг ана шу туб моҳиятларига ҳамоҳанг ҳолда иш тутишимиз керак.



Врач Ҳусния Султонова қабулида Навоий номидаги колхоз аъзоси Хайрулла Муқимов.

В. Мосин фотолари



Колхозлараро «Оққўрғон» санаторий-профилакторийсида.

КОСМОНАВТИКАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

1987 йил 15 май куни совет космонавтикаси тараққиёти тарихида унутилмас сана бўлиб қолади. Шу куни Москва вақти билан соат 21 дан 30 минут ўтганда «Энергия» деб аталган янги қудратли универсал учирувчи ракета Бойқўнғир космодромидан биринчи марта парвоз қилди. У Совет Иттифоқида кўп марта фойдаланиладиган орбитал кемаларни ҳам, шунингдек, илм-фан ва халқ хўжалиги мақсадларига хизмат қиладиган жуда катта космик аппаратларни ҳам Ер атрофи орбитасига чиқариб қўйишга мўлжалланган.

Ракетанинг биринчи босқич двигателлари ишлаб бўлганидан кейин у ажралиб чиқди ва Совет Иттифоқи территориясининг ҳисоблаб қўйилган районига қўнди.

Учирувчи ракетанинг иккинчи босқичи учиш топшириғига қатъий мувофиқ равишда ишлашни давом эттирди ва йўлдошнинг габарит-вазнли макетини ҳисоблаб қўйилган нуқтага олиб чиқди. Иккинчи босқич шу ракетадан ажралганидан сўнг Тинч океани акваториясининг белгилаб қўйилган районига сувга қўнди.

Габарит-вазнли макет ракетадан ажралиб чиққандан кейин ўз двигатели ёрдамида Ер атрофидаги доирасимон орбитага чиқиши лозим эди. Бироқ унинг ичидаги системаларнинг штатсиз ишлаши туфайли макет белгиланган орбитага чиқмади ва Тинч океани акваториясида сувга қўнди.

Учирувчи ракетанинг старти парвози жараёнида ишлаб чиқилган инженерлик-конструкторлик ва техник ечимларнинг тўғрилиги, унинг конструкцияси, иккала босқич двигателлари ва бошқарув системаларининг юксак пухталиги тасдиқланди. Старт комплексининг автоматик бошқариш асбоб-ускуналари ва аппаратлари нормал ишлади. Биринчи учириш мақсадлари ва вазифалари тўла бажарилди.

Янги туркумга мансуб универсал оғир учирувчи ракетани ва ноёб старт комплексини яратиш ҳамда синашда кўпгина илмий-тадқиқот, конструкторлик, ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари, шунингдек, ҳарбий мутахассислар қатнашдилар.

«Энергия» учирувчи ракетанинг учиш конструкторлик синовларининг муваффақиятли бошланганлиги Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги арафасида Ватанимиз фани ва техникасининг катта ютуғидир. Бу космонавтикамизни ривожлантиришда босқич бўлиб, космик фазони ўзлаштиришда кенг имконият яратади.

«Бу ер, космодромдаги замонавий ҳисоб техникаси ва ғоят сезгир ускуналар билан таъминланган ҳамма нарса, — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев Ленинск шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувда сўзлаган нутқида, — ғоят мураккаб старт иншоотлари, синов стендлари, лабораториялардан тортиб кучли учирувчи ракеталар, космик аппаратлар, уларнинг ҳаёт таъминоти системаларигача ҳамма нарса Ватанимизнинг маҳсуллари, барчаси ниҳоятда сифатли ва замонавий техника даражасидадир. Оддий, лекин жуда муҳим бир масала хаёлимга келади: бугунги кунда ғоят катта, кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир эканмиз, нима учун кўпинча, ҳатто энг оддий ашёларни чет эллардан харид этишга ҳаракат қиламиз.

Бу ерда кўрилган нарсаларнинг ҳаммаси шу жиҳатдан олганда, чет элларга бош эгиб боришга ҳеч бир эҳтиёж йўқлигига яна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдиради».

* * *

Космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1987 йил 19 майда Москва вақти билан соат 8 дан 02 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс-30» автоматик юк кемаси учирилди. Мазкур кема «Мир» орбитал комплекси билан муваффақиятли туташтирилди. Унда «Мир» комплексининг янада яхши ишлашини таъминлаш мақсадида сарфланадиган материаллар ва турли хил юклар етказиб берилди.

Космонавтларимиз Юрий Романенко ва Александр Лавейкин учишни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

БУЮК ПАРВОЗ

В. ЧКАЛОВ, Г. БАЙДУКОВ, А. БЕЛЯКОВНИНГ ҚУТБ ОРҚАЛИ БУЮК ПАРВОЗИГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ

Улар уч киши эди. Номлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланиб қолган бу уч қаҳрамон — социалистик Ватанимизнинг бу уч шунқори: Валерий Чкалов, Георгий Байдуков, Александр Беляков ҳатто қуш қаноти тегмаган, ҳали инсон нигоҳи қамраб олишга қодир бўлмаган юксакликларда, номаълум ҳаво йўллари бўйлаб парвоз этардилар. Уларга нисбатан замин мезони қўлланиладиган бўлса, бу уч қаҳрамоннинг бепоён бўшлиқлардаги ҳолатини сарҳад билмас саҳронинг ажал комида қолган, манзил сари интила-интила ҳолдан тойган, бир қултум сувга ташна, бироқ буюк ирода кучи билан бир-бирига далда бериб олга интилаётган, тунлари ой ва юлдузларга, кундузи қуёшга қараб йўл белгилаётган сайёҳларга қиёс этгулик.

...Улар уч киши эди. Ер куррасининг бир-бирига қарама-қарши томонидаги икки буюк қитъанинг икки буюк мамлакати — бир-биридан ўн минг километрдан олис масофадаги Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари оралиғида улар ҳаво кўпригини биринчи бўлиб қураётган бунёдкорлар эдилар. Бу йўлда ҳар икки томондан аввалари ҳам уринишлар бўлган, ҳар икки томондан ҳам қурбонлар берилган. Бироқ, инсон эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга аҳд қилдими, бас, у ўз ниятида охиригача собит турищи тайин. Улар — экипаж командири Чкалов, иккинчи учувчи Байдуков, штурман Беляков зиммасига ана шундай оғир, масъулиятли, шарафли вазифалардан бири юкланди. Улар номаълум кенгликларда учиб борар эканлар, уларнинг парвозини жаҳон аҳли — бутун инсоният юрак ютиб кузатиб турганлигини яхши билардилар.

Улар Ватанимиз пойтахти Москвадан Портленд (Вашингтон штати) яқинидаги Ванкувер ҳарбий аэродромига қўнишгача бўлган 10 минг километрдан зиёд масофани 63 соат 16 минут давомида қўнимсиз босиб ўтдилар. Бунинг учун 7 минг 933 литр бензин сарфланди. Бироқ дастлабки парвоз йўли кутилмаган хавф-хатарларга сероб эди. Ерда, учиш олдидан тахмин қилинган турли-туман фаразлар ҳам ҳақиқий аҳвол олдида ип эшолмай қолди. Қуюқ булутлар қатламига дуч келган самолётга муз парчалари ёпишиб тобора қалинлашиб борарди, экипажнинг бусиз ҳам салмоқли юкини оғирлаштирарди. Шунда командирнинг йиллар давомида орттирган тажрибаси ва маҳорати туфайлигина рўй бериши аниқ бўлган фалокат даф этиларди. Об-ҳаво ҳолатини аниқловчи асбоб-ускуналар ишдан чиқиб қоларди, шунда экипаж зим-зиё тун ёхуд қуюқ туманлик ичида таваккалига иш тутарди.



Чкалов экипажининг учиш харитаси. 1936 ва 1937 йиллар.

Энг ёмони — йигирма соатдан зиёд вақт давомида ер билан алоқа батамом узилиб қолади. Магнит қутбидан ўтаётган самолётнинг компас стрелкалари тўғри йўлни кўрсатишдан воз кечгандай асабий титрайди. Шунда штурман Беляковнинг маҳорати

асқотади. У тунлари ой ва юлдузлар ҳолатини, кундуаи қуёш ўрнини белгилаб, самолётнинг қайси кенгликда учиб бораётганлигини аниқлайди. Иш хариталарига маълум тузатишлар киритадилар. Қуюқ булутлар ичра ҳеч нарсани кўрмай учиб бораётган экипаж чўққилари осмонга туртиб чиққан тоғларга урилиб кетмаслик учун самолётни баландга кўтарадилар. Булутлар денгизи узра учувчиларни бундан баттар хатар кутарди. Қуёш нурлари бунда қанчалар мўл бўлмасин, ташқари ўттиз даражага яқин, самолёт ичкариси тўққиз даража совуқ эди. Чкалов билан Байдуков бири қўйиб бири штурвалга ўтиради. Баданлар увишади, қўл панжалари тортишади. Устига-устак, саккиз соатга мўлжал қилиб олинган кислород тугаб қолган. Штурвалда ўтирган командирнинг бурнидан қон келади. Байдуков зўр-базўр унинг ўрнини олади. Бироқ қақшатқич совуқ бўлишига қарамай, унинг баданини тер босади, куртка тугмаларини ечаётган дўсти ҳолатини кўриб, Чкалов хавотирликда сўрайди: «Сенга нима бўлди, Егор?» «Терлаб кетаяпман». «Эҳтиёт бўл, сибирлик ўғлон, тағин шамоллаб ўтирма», далда беради командир. Штурман Беляковнинг аҳволи учувчиларникидан енгил эмас — доимий ҳушёрликда, экипажнинг йўлини тўғри белгилаш учун ҳамиша сергак ва уйғоқ. Улар ташна бўлиб сув ўрнига муз сўрадилар. Ҳаммалари оч-наҳор — озиқ-овқатлар, олмалар тараша бўлиб қотган. Озиқ-овқатни, бирваракайига кабина ичини ҳам иситиш мумкин, бироқ ёқилғини авайлаб сарфлаш керак, ким билади, олдинда уларни нималар кутаётир?

Экипажнинг ана шу пайтдаги ҳолатини Георгий Байдуков қуйидагича тасвирлайди: «Биз ўзимизни икки томонлама қутига жойлаштирилгандай ҳис қиламиз. Унинг бири — муз зарраларига тўла қуюқ булутлик, иккинчиси — Тинч океанининг зимзиё туни. Улар бир-бири билан уйғунлашиб, бизни бутун борлиқдан батамом ажратиб ташлагандай. Одамзод дунёси гўё йўқдай, маданий олам ҳалокатга дуч келгандай, биз эса, аллақандай мўъжизага умид боғлаймиз, барча машаққатларга қарамасдан, уларга басма-бас туриб, мақсадга эришмоқ қасдида олға интиламиз...»

Улар — социалистик Ватанимизнинг уч ўғлони, Октябрь инқилобининг фарзандлари, Ленин шуурини қалбга жо этган буюк Советлар мамлакатининг гражданлари эдилар. Жаҳонда рўй бераётган деярли ҳамма янгиликлар инсоният тарихида «дастлаб» деган ибора мағзига сингдирилган тушунча замирида амалга ошмоқда эди. Дастлабки беш йилликлар... Днепрогэс қурилиши... Шимолий қутбни забт этиш билан боғлиқ папанинчилар жасорати... Чукотка музликларида ҳалокат оғушида қолган челюскинчиларни қутқаришда беқиёс мардлик-матонат кўрсатган учувчиларимиз намунаси... Стахановчилик ҳаракатининг бошланиши... Катта Фарғона канали қурилишида намоён бўлган мисли-сиз халқ қудрати...

Бепоён мамлакатимизни ягона, яхлит улкан вужуд тарзида тасаввур этилгудек бўлса, унинг юрагига қон томирлари бўлиб туташган, унинг миллиардлаб ҳужайраларига куч-қувват бағишлагувчи қудрат ана шу учлар, ўнлар, юзларнинг, минглар ва миллионларнинг иштироки, гражданлик бурчини ҳалол ўташи, фидойилиги ва жасоратидир. Бироқ ана шу буюк ҳаракатда иштирок этаётган ҳар бир кишига куч-қувват бағишлагувчи, оғир дамларда суяб, хушнуд дамларида унга руҳ берадиган қудратнинг ўзи нима?

Чкалов экипажи парвозидаги бир воқеа бунга қандайдир даражада жавоб беради: 62 соат давомида улар бетиним парвозда. Рўй берган ҳолатдан Чкалов ташвишда. Шунда у Байдуков бошидаги шлемофаннинг ўнг қулоғини кўтариб, дейди:

— Бир суткадан зиёд вақт давомида Ер юзида ҳеч ким билан алоқа ўрнатолмаганимиздан Ватанимиз қандай ташвишда эканлигини тасаввур эта оласанми?!

— Ерга эсон-омон қўнсак, ажойиб совға бўларди-да... — ҳазиллашади Байдуков.

— Ёмон, Егор, танҳоликда учиш жуда ёмон. Биргина нарса таскин беради, мана шу ишлашда давом этаётган мотор, рўпарамиздаги асбоб-ускуналарнинг ҳаракатлари, ҳавода силтанаётган самолётимиз қанотлари, мотор ва пропеллернинг гуриллаши — мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг Ватанимиз, буларнинг ҳаммаси гражданларимизнинг меҳнати, бизга нисбатан уларнинг меҳри ва ғамхўрлигидир.

...Ватан экипаж тақдири ҳақида чинакамига хавотирда эди. Узоқ Шарқда Хабаровск уйғоқ ва сергак. Москва турли мамлакатларга, биринчи галда Америкаанинг бир неча штатларига пайдар-пай телеграммалар жўнатган. Элчилар, журналистларнинг бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб осмонга термулган.

Ниҳоят, «АНТ-25» самолёти хавфли зонадан чиққач, радио алоқаси изга тушади. Минглаб, миллионлаб кишилар енгил нафас оладилар. Экипаж заррача бўлсин об-ҳаво маълумотига эга бўлмасдан, тавакалига иш тутиб, фақат ўз тажрибаси ва маҳоратигагина таяниб, Америка осмонида пайдо бўлади. Штурвалда — Байдуков. Самолёт Портленд аэропорти устида доира ясаб, қўнишга чоғланади. Ер билан самолёт оралиғидаги масофа эллик метр қолганида Чкалов бирдан бошқа — шу атрофда мавжудлиги аниқ бўлган ҳарбий аэродромга қўниш учун буйруқ беради. «Пастга қара, — дейди Чкалов, — қўл силтаб бизни олқишлаётган минглаб одамлар қайдан пайдо бўла қолди? Бирор кори-ҳол рўй бермасин...»

«АНТ-25» самолёти Ванкувердаги ҳарбий аэродромга эсон-омон қўнади. Экипаж самолётни маълум ерга қўндириб, ҳали ўзига келмасдан Портленд аэропортидаги одамлар аллақачон бу ерга келишга улгуриб бўлган эдилар. Улар — журналистлар, фоторепортёрлар, кинохроника ходимлари, расмий ва оддий кишилар...

Дастлабки олқишлар, табриклар, интервьюлар, суҳбатлар, суратга тушишлар...

Москва — Шимолий қутб — Америка Қўшма Штатлари дастлабки ҳаво трассасининг бунёдкорларини шарафлаш неча ўн кунлаб давом этади. СССРнинг АҚШдаги элчиси Александр Трояновский Ватанимиз — партия ва ҳукуматимиз номидан уларни самимий муборакбод этади ва доим экипаж аъзолари билан бирга бўлади. АҚШ президенти Рузвельт уларни қабул қилиб, ҳукумати номидан Совет Иттифоқини буюк ғалаба билан табриклайди. Айниқса завод ва фабрикаларнинг ишчилари билан, коммунистлар билан учрашувлар таассуротлар-



В. П. Чкалов, Г. Ф. Байдуков ва А. В. Беляков. Париж, 1936 йил.

Жонибек СУВОНҚУЛОВ

ИСМИМ—ЎЗБЕКИСТОН

Замин меҳваридан қўймагай сира
Битта буюк қудрат мени дафъатан.
Қадим бобомлардан лойиқ хотира —
Ўзбекистон деган бир мунис Ватан.

Кўксимда тепаркан тугилган муштдай
Юрагимки, унга шу ватаним жо.
У борки, ёнмасман самандар қушдай,
Денгиз тубига ҳам чўкмасман ҳатто!

Исмим деб билганман Ўзбекистонни,
Вужудим у билан қуйма-қотишма.
Яхлитмиз, бизларни — тан билан жонни
Ажратолмас ўлим билан отишма.

«Сен — Самарқанд?» — деди бир зот
хорижда,
Бу қадим исмимдан кўксим бўлди тоғ.
«Тошкент!» — деди бири самимий ҳисда,
«О, Мирзачўл!» — деди кубалик ўртоқ.

Жон деб қабул қилдим бу исмларни,
Минг-минг йиллик ғурур қалбимда ёниб.
Шунда ҳасад ўртаб қўйди кимларни,
Боболарим қўйган исмимни таниб.

Шундан мен ўзимни гоҳ икки мингга
Кирган нуронийдай ҳис қилиб қолдим.
Гоҳ Ғарбни, гоҳ Ҳиндни боғловчи Чинга
Ипак йўли бўлиб чангларда толдим.

Табаррук бошида кўтариб мени,
Аллалаб ўстирди шу она тупроқ,
Унинг севгисидир умримга маъни,
Ундан қарзим — она қарзимдан кўпроқ.

Ўзбекистон номли танҳо қомусдан
Ҳаёт бобларини умрим ўрганур.
Катта халқим учун бу ном номус, шаън,
У билан юрагим тепар эркин, ҳур.

Ўзбекистон билан тирикман, удек
Яшарман шаҳару ватан бўлиб ман.
Унинг шеърий мадҳи қачон топар чек, —
Билинг, мен қайдадир бевақт ўлибман!



ОТА ТИЛАГИ

Кўзларингга ҳали илашмай зиё,
Сен ҳали танишмай йўргагинг ила,
Воқиф бўлмай сендан серғалва дунё,
Мени тинчитмасди бир эзгу тилак:
— Туғил бахтинг билан Ўзбекистондай!

Йўлга, тилга кирдинг. Кўзингда оташ,
Шодлигу завқингга дунё келди тор.
Кўрдим, қалбинг нечоғ меҳрга туташ,
Йигитлик шаънингга зеб бўлипти ор,
Яша бош кўтариб Ўзбекистондай.

Ҳаётнинг қўлида — юз турфа ўлчов,
Мустасно эмасдир ундан ҳеч бир зот.
Йўлингни тўсганда минг фитна, минг ғов,
Улардан чекиниш бўлсин десанг ёт,
Матонат топа бил Ўзбекистондай!

Чархпалак дунёнинг қоидаси шу —
Ота тилак айтар фарзандга ҳар пайт.
Ўзбек идрокидан унган уч туйғу —
Уч тилакни, болам, болангга ҳам айт,
Фарзанд бўлсанг агар Ўзбекистонга...



ВАТАН

Фаластин шоири
Муин БСИСУ хотирасига

Қитъани қитъага боғлар кўприкда —
Тошкентда Муиндан шеър тинглагандим.
Шоир Ватанининг нозик киприкда
Титраб турганини англаган эдим.

Шеърки, сатрида бир халқ алами,
Сўзаки, ёвузликка ўқталган найза.
Омоч қилмоққа шай шоир қаламин,
Зеро, заминида ўсса ҳур майса.

«Қуёш соққасидай олисдаги ер»
Соғинчдай чўкканди унинг кўзига.
Юмуқ оғизларни очмоқ бўлар шеър,
Дардманд ватан сиғар оташ сўзига.

Мендан,
сендан,
ўзга
дўстдан
жовдираб
Ватанин сўрарди интизор дийда.
Гўё Карбалода изғиган сароб —
Фаластин — саргардон мамлакат қайда?

Бу ер — осмонсиз юрт дарбадар, наҳот?
У, наҳот, фарзандлар йўл халтасида?
Ким бу тилка-пора байроққа нажот?
Наҳот, фарзанд айру она-отасидан!

Феопсдан бир мучал кексалар хоки
Ғазабдан тўлғаниб қўймоқда бежо.
Номус қиличларни чархламас токи,
Хато — сотқинлардан кутмоқлик нажот.

Малъунлар афт-рўйи ҳамиша шувит,
Иснод чўққисига айланди Сион,
Харобот пинжидан боқувчи сукут
Гўдаклар кўзини қилолмас макон.

Қотиллар ишига гувоҳдир қуёш,
Қумлардай бесаноқ томчилаган қон.
О, нақадар қийин эгилмаса бош,
Оғир, кимда бирдир Ватан ва Имон!

Шоир қабрларни чорлайди сафга,
Ҳалок бўлганларга тутар қофия.
Кўмилиб ётмас, дер, сассиқ алафга
Чегара устуни — география...

Ёнаётган Байрут кўчаларида
Ҳайқиради: « — Чайқал, эй, шеърлар уммони!»
Бу ўтдан туролмас ҳеч ким нарида,
Бу ўт ямламоқчи ахир дунёни.

Токи қалбга Ватан ишқи ёр экан,
Токи Ватан эрур яшашга шиор,
Руҳига қуёшу юлдузни экkан
Шеърият қўллари келар устивор.

Шоир кўзларида умид учқуни,
Ишонч руҳи ёниб турарди, зотан.
Ҳеч ким топтай олмас бу пок туйғуни,
Қайта туғилажак бадарға Ватан.

Тушмасин деб Ватан номига бир доғ,
Ишонмасдан уни ҳеч кимга ҳатто,
Муин олиб кетди борича, шундоғ,
Айлаб мангу очиқ кўзларига жо!



га ниҳоятда бой эди. Оддий халқ, меҳнат аҳли ана шу парвоз муносабати билан икки буюк мамлакат ўртасида яхши муносабатлар мустаҳкам қарор топишига ишонч ва умид изҳор этардилар.

Чкалов ўз самимияти билан тез орада Америка жамоатчилигининг сўнмас эҳтиром-ҳурматини қозонди. Совет кишисига хос очиқ кўнгиллилик, дилда борини ҳеч яширмасдан очиқ айтиш, Советлар диёрига мансубликдан ғурур ва ифтихор каби фазилатлар кўпчиликни ром этди. Американинг йирик радиокомпанияларидан бири «Нэшнл бродкастинг корпорейшн» мухбири билан Чкалов ўртасидаги суҳбат тўғридан-тўғри эфирга берилди ва уни бир йўла 12 миллион киши эшитди. Экипаж командирининг ўша пайтдаги айтган сўзлари ҳамон ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

— Колумбия ва Волга дарёлари турли қитъалардан оқади, — деган эди В. Чкалов. — Уларнинг ҳар бири ўзига хос дарёлар. Ҳар икки дарёнинг қирғоқларида тоғлар ва ўрмонлар мавжуд. Бироқ улар бир-бирига халал бермасдан, ягона сайёрамиз бағридан оқадилар ва жаҳон океанининг ажралмас қисми ҳисобланадилар. Шундай экан, бизнинг халқларимиз ҳам — Совет Иттифоқи ва АҚШ халқлари ягона заминда истиқомат қилиб, инсоният ҳаёти нафрини ҳамкорликдаги меҳнат билан безамоқлари керак.

...Бундан эллик йил муқаддам — 1937 йилнинг июнида Ватан топшириғини бажариш учун Москвадан Шимолий қутб орқали Америкага қўнимсиз парвоз этган совет экипажи командирининг миллионлаб кишиларимиз қалбидаги ниятларни умумлаштириб айтган сўзлари ҳамон ўз кучида. Бундан кейин жаҳонда қанчадан-қанча воқеалар содир бўлди: инсоният иккинчи жаҳон урушининг фалокатларини бошидан кечирди. Урушдан ғолиб чиққан мамлакатимиз ўзини яна бунёдкорлик ишларига сафарбар деб билди. Яна «дастлабки» деган тушунча мағзига сингдирилган оламшумул бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқара бошлади. Биринчи бўлиб космосга Ернинг сунъий йўлдоши учирилиши... Космосга дастлаб совет кишисининг парвози... Ойнинг орқа сиртини суратга олиш... Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун Совет Иттифоқи томонидан олдинга сурилган дастлабки таклифлар, Ер куррасини ядро ҳалокатидан асраб қолиш учун дастлаб уни чеклаш, кейин эса батамом йўқотиш учун қилинаётган ҳаракатларга жавобан, наҳотки, АҚШ дастлаб космосни оммавий қирғин қуроллари аслаҳахонасига айлантириш пайида бўлса?.. Ақл бовар қилмайди ва тараққийпарвар инсоният, аввало Совет Иттифоқи бунга йўл қўймайди. Бизнинг дастлабки бунёдкорлик ишларимиз, дастлабки парвозларимиз ва ҳозирги пайтда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар аслида социалистик жамиятимиз моҳиятига сингдирилган, унга лат етказишга жазм этган куч ҳеч қачон омадга умид қилмай қўя қолсин. Дастлабки парвозлардан келиб чиқадиган якуний хулоса ана шундай!

Баҳодир АМИНОВ

ТОҒЛАР ОҲУСИНИНГ ҚЎШИҒИ

Йўлдош СУЛАЙМОН

Уни бир кўргандаёқ суймаган, ардоқламаган, унинг бағрига яна соғинч ва иштиёқ билан интилмаган киши бўлмаса керак. Табиатнинг энг сўлим келинчаги тоза ҳавоси, салқин кўчалари, шарқираб оқаётган сойи, шабадаси, димоққа уфуриб турадиган тоғ гулларининг хуш бўйи, бир-бирига туташиб кетган боғларнинг шивир-шивири, ҳали у тепадан, ҳали бу тепадан сойга қўшилишга шошилаётган ирмоқлар чулдираши кимнинг дилини яшнатмайди?! Қушлар нағмаси билан кўнгил чигалини ёзадиган, қайси бир фасл бўлмасин, кўнгилни ҳамиша нафис туйғуларга тўлдирадиган бу ҳайратомуз гўша — ойжамолнинг ўзгинаси — Водил-ку!

Водил! Меҳр билан боққанга унинг қуёшу ойи ҳам, осмону юлдузлари ҳам бошқача. Водилнинг ўз қуёши, унинг алоҳида ўз қуёши бор, дейишади. Дарҳақиқат, синчиклаб қарасангиз, қуёш худди Водилнинг ўзидан чиқиб, яна унинг ўзига ботаётганга ўхшайди. Осмон ҳам жуда-жуда яқин бўлиб кўринади. Қўл узатсанг етадиган, гўё даврага тушиб келаётган ойнинг табассуми, юлдузларнинг шарқона жилваси хаёлни бутунлай ўзиники қилиб олади. «Минг бир кеча» эртакларининг кўҳлик манзараси шу ердан олингандай.

Водилликлар ишқу муҳаббатидан яралган боғлар, хиёбонлар, сарвиқад ғўзаларга қиёслагудек кўркам бинолар, сариштa кўчалар, кўнгил очар жойлардаги гулзорларни кўз олдингизга келтиринг! Ахир буларсиз, Водил ғариблашиб қолмасмиди? Узоқ эмас, ҳатто 8—10 йил илгари район партия комитети ва халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг салобатли бинолари ўрни ўйдим-чуқур жарлик, гулзор ўрни эса, пастбаланд уйлар, кўча ниҳоятда тор ва чуқур бўлганини, йўлнинг ўнг тарафидаги ҳашаматли «Водил» кинотеатри биноси савдо тармоқлари жойлашган кўримсиз иморатлар ўрнига тушганини ўйланг. Икки қаватли савдо маркази биноси, ўтган йили иш бошлаган дорихона, унинг рўпарасида қадимий ва замонавий меъморчиликнинг энг жозибали намуналарини уйғунлаштирган шарқ услубидаги ресторан-чойхона, унинг пастида, сой қирғоғида осмонга қўл узатиб турган Улуғ Ватан уруши фидойилари ёдгорликлари, мангу олов — Водил марду майдонлари хиёбони, унинг юқорисида медицина ходимлари қўли билан яратилган хушманзара сайргоҳ, бари-бари водилликлар қалби бугун қандай орзу-ҳаваслар, курашлар, қандай севги билан уриб турганидан ҳикоя қилаётгандай.

— Донишмандлардан бирининг: «Ватанпарварлик — номусли ва назокатли туйғудир... Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил. Ватанга муҳаббат хусусида оғиз кўпиртирма. Яхшиси — унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида меҳнат қил», деган сўзларини ажойиб кишиларимизнинг ҳар бири қалбидан тинглаётгандай бўламан. Улар — ўз қишлоғи, райони, эли учун сидқидил меҳнат қилишни оддийгина бурч деб биладиган ана шу олижаноб кишилар ҳеч кимни ҳеч қачон ерга қаратмайди, — деди район партия комитетининг биринчи секретари Қаҳрамон Икромов районнинг машҳур деҳқонлари, қурувчилари, гулчилари, боғбонлари, ўқитувчилари ҳақида ифтихор билан гапириб. — Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький асримиз бошида: «Шундай кунлар келадики, кишилар бир-бирларини ардоқлайдилар. Ҳар бир инсон бошқа инсонлар учун юлдуз бўлиб кўринади», деган эди. Ана шу башорат амалга ошганини меҳнаткаш ва ижодкор халқ орасида бўлган киши алоҳида ҳис этади.

Водилнинг довруғи етти иқлимга кетган минг йиллик бобочинори атрофида кенг кўламли қурилиш ишлари олиб бораётган қурувчилар, халқ ҳашари қатнашчилари орасида юрганимизда ҳақиқатан ҳам ўзимизни юлдузлар орасига тушиб қолгандай сезамиз. Ҳамзаободга кетаётганда, у ердан қайтаётганда ҳамиша бир тушиб ўтиладиган, ҳеч бўлмаса, бир пиёла чой ичиш учун атайин тушиладиган оромгоҳлар манзили бўлган ўша бобочинор майдонини кесиб ўтадиган шошқин сой қирғоғига Аҳмаджон Қодиров бошлиқ 95-ремонт-қурилиш бошқармаси қурувчилари тош-девор ўрнатишди, ҳар тўрт-беш қадам ерда шаршаралар ҳосил қилинди.

Куноботар тарафда меъморчилик санъатининг энг гўзал кашфиётлари намойиш этилган, нафосатни, кўнгилдаги энг нозик ҳиссиётни, боболаримиз қалбини худди бугунги навқирон наслимиз туйғулари билан уйғунлаштирган нақшли чойхона қад тиклаган. Сўхлик меъмор Мирзакарим ота Искандаров, унинг ўғиллари Бобомаҳмуд, Муҳаммаджон, невараси Валижон ва шогирдлари Субҳон Иброҳимов, Бобораҳим Қозоқовлар чойхонанинг Водил табиатига ҳамоҳанг бўлиши йўлида изланиб, ёғочларга алоҳида гўзаллик бахш этганлар.

Районнинг Оқариқобод, Чимён, Аввал, Лоғон, Каптархона, Ҳамзаобод, Миндонобод участкаларида ҳам қурилиш, боғ яратиш ишлари худди шундай кўламда олиб борилаётгани кишини ҳаяжонга солади. Гўё бутун Фарғона райони қурилиш майдонига айлангандай. Тўрт-беш йил илгари ҳувиллаб ётган Чимён адирлари бугун қайноқ ҳаёт билан тўлиб-тошмоқда. Гагаринобод боғлари ёнидан ўтиб, тепага кўтарилишингиз билан йўлнинг чап тарафига бурилсангиз, бройлер паррандачилик фабрикасининг оппоқ бинолари кўзингизни қамаштиради.

— 12 миллион сўмлик харажат сарфланган бу объект давлатга йилига 1100—1200 тоннадан зиёд парҳез гўшт, 800 минг донадан ошириб тухум етиштириб бераяпти, — деди фабрика директори Ҳамиджон Йўлдошев. У эътиборимизни қирларнинг шарқий сарҳадларига қаратади. — Яқин келажакда Чимённинг бу ҳувиллаган қирлари замонавий шаҳарчага айланади, фабрикамиз етиштирадиган парҳез гўшт 3 минг тоннага етади.

Бунёдкорларнинг ўз объектларини тезроқ битказиш учун шу ерда ишлаб, шу ерда тунаб, шиддат ва меҳр намунасини кўрсатаётганликларини ҳис этдик. Кечагина лаборантлик курсини, билим юртларини битирган, жўжалар парваришида янги-янги тажрибалар тўплаган, оқ халатда гул-гул очилган Қимматхон Мирзаолимова, Сайёра Каттабоева, Ҳажалхон Юсупова сингари қизлар худди қир бағрига эндигина қўнган оқ каптарларни эслатадилар. Улар гўё: «Биз нафас олиб турган ҳаво, бизни кафтида тутган Ер, бизни оқ ювиб-оқ тараган, ардоқлаб-ардоқлаб ўстирган она-диёримиз, сени севамиз, Шу севги бизни ана шу даштга етаклаб келди. Ҳали сенга ҳеч нима ҳадя этолганимиз йўқ. Эзгу ниятларимизни ушатишга энди киришдик», — дейишаётгандай.

«...Янги Марғилон — Симдан чиққач, шаҳарнинг ғарби-шимолидаги Чекшўра қишлоғи ёнидан бурилиб бироз илгариланса, яйдоқ дашт бошланади. Ғарб ва Шарққа қирқ-эллик чақиримлар чамаси узала тушиб ётган бу даштда ажриқ ҳам, янтоқ ҳам йўқ, какрадан ўзга гиёҳ унмайди, атроф худди сув қуйгандай жим-жит. Уфқ ғамгин, ҳадикли. Баҳорда бу чўлларга жон киргизадиган унча-мунча гиёҳ ҳам саратон қуёшининг тафтидан жизғанаги чиқиб кетади. Қиш фаслида бу ерлар айниқса, хунук. Қум аралаш қор бўронлари даштни макон қилиб, қора совуқ изғиринлари чор атрофида ер ялаб изғигани-изғиган. Бўрон ҳар қандай бақувват йўловчини ҳам гандиракламатиб қўяди. Совуқ баданидан ўтиб, тану жонини чақади, бўштоброғи учраса шамдек қотиради...»

Еш китобхонлар устоз Комил Яшиннинг «Ҳамза» романи саҳифаларидаги ана шу тасвирни сатрма-сатр ўқиб, муаллимларини, ота-оналарини саволга тутишади. Наҳотки, гўзал Фарғонанинг шундоқ ёни ажриқ ҳам, янтоқ ҳам ўсмайдиган қип-яланғоч дашт бўлса?!

Китобда-ку олис йиллар ҳақида сўз кетади.

— Яқин-яқинларгача ҳам Чекшўра қишлоғидан чиқишингиз билан ўша дашт кўринарди, — дейди Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли боғдорчилик совхоз-заводнинг бош агрономи Чаҳо Ниёз ўғли Мучи-



Тоғ манзараси.

Н. Раҳмонов фотоси

адзе. — Институтни битириб, 1959 йили бу ерда лаборант, кейин бригадир бўлиб иш бошлаганимда совхознинг бор-йўғи 60 гектар узумзори, 120 гектар боғи бор эди. Йилига 120 тонна мева, 150 тонна узум топширилади. Ҳозир 4 минг тонна узум, 2 минг 300 тонна мева етказиб бераётганимизнинг ўзи боғларимиз қанчалар кенгайганини кўрсатиб турибди. Сиз айтган ўша йўл бўйидаги ҳувиллаган яйдоқликдан энди асар ҳам йўқ.

— Ҳамзаободга ўтиб кетаётган, ё у ёқдан қайтаётган йўловчилар машиналарини тўхтатиб, боғларимизни маҳлиёлик билан томоша қилишаётганини кўрганимизда бошимиз кўкка етгудай бўлади, — дейди совхоз боғларининг бош назоратчиси, ўрта ёш, тўладан келган, юзлари баҳор ҳавосидан қизарган Акбарали ака. — Тошлар ичида шундай боғлар яратган боғбонларимиз билан юракюракдан фахрланамиз.

Боғлар йўл бўйи давом этади. Фарғона ўрмон хўжалиги мевазорлари миндонободликлар ўтқазган ниҳолларга уланиб кетади. Ҳамза Ҳакимзода номли колхознинг қаддини аллақачон тиклаб, тонна-тонна мева бераётган боғлари эса Водил мевазорларига туташган.

— Фарғона шаҳридан тоғлар бағрига кириб борилгунча бутун атроф ҳувиллаган ва теп-текис дашт бўлганини биз тенги мўйсафидларгина эмас, ўрта ёшлилар ва улардан кичиклари ҳам билишади, — деди Водил қишлоқ Советининг раиси Ғанижон Умаралиев яна йўл тарихидан гап очганимизда. — Энди бўлса, 50 километрдан ортиқ узунликдаги ана шу йўлнинг икки ёни кетакетгунча боғ. Уларни кўриб, ҳамиша ҳаяжонга тушаман. Улар фақат муҳаббатдан яралганини ўйлайман. Боғлар, ахир бу — инсоннинг ўз юртига, ота-онасига, ёру дўстига, фарзандларига ва уларнинг келажагига бўлган меҳру муҳаббатининг меваси!

Хушҳаво Водил илгари ҳам боғлари билан машҳур эди. 30—40-йилларнинг ажойиб соҳибкорлари Сарикбой ота, Мўйдинбой ота, Камбар ота, Билол ота, Ашурбой ака ва бошқалар яратган боғлар айниқса, Улуғ Ватан уруши даврида қанча-қанча одамларимизни очликдан сақлаб қолган. Ана шу марҳум боболаримизнинг, ҳозир орамизда яшаб турган оталаримиз ва акаларимизнинг қутлуғ номи мубораклариии доим эслаб турамиз, дил-дилдан эъзозлаймиз.

Айтишларича, Усмон Юсупов бир йиғинда водилликларга: «Боғ яратишда гап кўп. Қани, Фарғонадан Водилга келгунча йўлнинг икки тарафи боғ бўлса. Имкониятларинг етарли-ку, нега қараб турибсизлар?!.» деган экан.

Эслаш яхши, аммо ҳамма гап уни амалга оширишда! Кейинги 15—16 йил район тарихига «боғлар яратиш учун оммавий кураш даври» бўлиб киради. Йўлдан у ёққа кетаётган ҳам, бу ёққа келаётган ҳам икки қирғоққа қараб завқланиб, қанча масофа босганини ҳам сезмайди. Уриклар гоҳ қип-қизил, гоҳ ним қизил, гоҳ оппоқ-оппоқ бўлиб, хиёл шабодада тап-тап тўкилиб турибди. Уларда ўз яратувчиларининг чеҳраси-истараси ловуллаб-ловуллаб кўзга ташланади. Уларнинг чиройи — соҳибкорлар меҳригиёси, севгиси, эътиқоди! Боғлардаги ёз қўшиқлари, бу — бугунги бахтиёрлик, бу эртанинг муҳаббати!

Водил — соғинмаганни соғинтирадиган, эримаганни эритадиган оҳанрабо қўшиқ. Эрталаб соғилган сутнинг бетидай ширин сўзлар, ўтли меҳр-оқибатдан ловуллаган кўзлар, адир лолаларининг ноз-карашмаси, ялпиз ҳиди, бутазорлар ораси, даралардан сачраган томчилар, кўчаларни тўлдирган гулларнинг хуш бўйи, шошқин сой шаршараси, боғлар таровати бугунги бахт тароналари қасидасини ўқиётгандай. Хиёбонлар ва йўл бўйларидаги сара гуллар-чи? Йўқ-йўқ, булар шунчаки гуллар эмас, дил торини нозиккина чертадиган қиёссиз ва оромбахш ширин титроқ бу!

Фарғона

МУМИЁ НИМАЛАР ТЎҒРИСИДА СЎЗЛАЙДИ

Бундан 500 йил муқаддам дунёдан ўтган олти ойлик чақалоқнинг жасади ўша пайтда қандай бўлса, шундайлигича сақланганлигига ишониш қийин. Бу жасад гренландияликларнинг нерп (тюленлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон) терисидан тикилган миллий кийимига эҳтиётлаб ўралган бўлиб, беш аср давомида тошлар билан тўла ғорда мумиёланган ҳолда сақланган. 1978 йилда овчилар уни тасодифан топиб олдилар. Қадимги мисрликлар удумни билан дафн этилган чақалоқ мурдаси ва яна етти киши танасининг топилиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Гап фақат буларнинг топилишидагина эмас, балки топилма бундан 500 йил муқаддам туб аҳолининг қандай кийинганлиги ва ташқи кўринишлари ҳақида аниқ тасаввур қилишга, мумиёнинг ҳар томонлама ўрганилиши эса эскимосларнинг ҳаёти ҳақида ҳам кўп маълумотларни билишга ёрдам берди.

Текширишларда бир қанча даниялик мутахассислар иштирок этдилар. Уларнинг орасида терапевтлар ва дантистлар, археолог ва тарихчилар, ҳаттоки, ветеринарлар ҳам бор эди. Мутахассислар фан-техника ютуқларидан амалда фойдаланиб иш юритишлари натижасида, кўплаб қизиқарли фактлар ва янгиликларни аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Энг аввало кўмилган одамларнинг неча ёшдалиги аниқланди. Маълум бўлишича, жасадлар 1475 йилда қўйилган экан. Агар бундан 500 йил олдинги воқеалар ҳақида гап бораётганини ҳисобга олсак, бу жуда қизиқарлидир. Текширувчилар учун қабрга кўмилган олти эскимос аёлнинг оилавий ҳаёти ҳам сир бўлиб қолмади.

Бунинг учун уларнинг юзларига турмушга чиқиш белгиси (татуировка) қўйилган ёки қўйилмаганлигини аниқлаш лозим бўлади. Аммо терига айланган пергаментни оддий усуллар билан «ўқиб бўлмади». Фақатгина инфрақизил нурлар ёрдамида суратга олинганида аёлларнинг ҳаммасида бу белги борлиги аниқланди.

Атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш олиб бораётган олимлар ҳам бу топилмалардан қизиқарли фактларни аниқлаб олдилар. Маълум бўлишича, мумиё таркибидаги симоб моддасининг кўпайиб кетиши қадимги эскимосларнинг кўплаб заҳарланишига олиб келганлиги аниқланди. Текширишларда бир аёлнинг танасидаги мумиёни аниқлаш вазифаси ҳам анча ўйлантириб қўйди, унинг эгни-бошидаги кўмир кукунлари, ҳозирги шаҳар кишисининг кийимларидаги чанг билан баробар эди. Лекин олимлар бундай кам-кам учрайдиган ҳодисани ҳам шарҳлаб бера олдилар. Уларнинг фикрларига кўра, аёлларга ўчоқнинг олдида кўп туришга тўғри келган. Куни билан гулханнинг олдида ўтирган аёл кўмирнинг чангини ютишга мажбур бўлган.

Даниялик мутахассисларнинг назаридан мумиёланган тишлар ҳам четда қолмади. 1475 йилда яшаган эскимослар тиш оғриғи нималигини билишмаган. Бироқ бу ерга кўмилган барча аёлларнинг мумиёланган тишларида чуқур ғовак излар борлиги аниқланди.




1936 йилларда олиб борилган текширишларда ҳам аёлларнинг тишларида чуқурчалар топилган эди. Бундай ёриқлар аёлларнинг ҳайвонлар ичагидан ип тайёрлаш пайтларида тишни ишлатишлари натижасида ҳосил бўлган.

А. ГРИГОРЬЕВ

ОСМОН УЗРА ФИЛ

Таиланд пойтахтида яшовчилар бир неча бор шикоят қилгандилар. Францияда — Эйфель минораси, Римда — Колизей, Мисрда — эҳром, Бангкокда эса нима бор? Улар бирорта ўзларига хос нарса топиш учун бошларини қотириб туришганда, бир миллионер холис ёрдамга келди. Бунинг учун Бангкокнинг «такрорланмас символи»ни яратишга катта ҳажмда пул ажратилди. Шу кунларда жуда ҳам катта филга ўхшаш ҳаво шари Таиланд пойтахти узра доимо осиғлиқ турибди.



Тошкент сув қидирув экспедицияси халқ хўжалиги учун фойдали бўлган шифобахш оби ҳаёт чашмаларини қидириб топиш ва уларни фойдаланишга топшириш борасида яхшигина муваффақиятларга эга. Айниқса бу ишда Тўлқин Рашидов етакчилик қилаётган пармалаш бригадаси коллективининг фаолияти диққатга сазовор. Суратларда: илғор пармаловчи Марат Рашидов.

А. Караваев фотоси

ЭТИК БИЛАН СУВ КЕЧГАНЛАР

ТОШҚИН САБАБЛАРИ. Бу далаларда ҳам қизғалдоқларнинг қирмизи ёноқлари офтоб тафтидан ял-ял ёнар, чучмумалар бўлиқ майсазорга кўрк бағишлаб чайқалар эди. Эрталаб жажжи қизалоқлар Эски Ёрдам канали бўйида қийғос очилган анвойи чечакларни дасталаб тўймасдилар, тепаларида чарх уриб учаётган қалдирғочлар чуғурига маҳлиё бўлиб боқардилар.

Бу канал ёқалаб ҳар куни деярли юзлаб колхозчилар ўтиб-қайтар, унинг ўзанида ҳалқобланиб-ҳалқобланиб оқаётган сув Керовчи қишлоғига қачондир бирор офатни етаклаб келиши ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Колхоз раиси Раҳмонжон Соипов ҳам эрталаб шу канал бўйидан чигит қадалаётган майдонга шошилганича ўтиб кетди. У йўл-йўлакай экиш сифатини кўздан кечириб борар экан, бир нигоҳи этигининг учига ёпишиб қолган намхуш, пўрсилдоқ тупроқда, бир нигоҳи Қурама тоғ тизмаларининг ортидан бостириб келаётган қоп-қора булутлар оқимида эди.

— Зап етилипти-да, чўп тушса кўкарадиган тупроқ бўлипти, — дилидан ўтказарди у. Лекин шу пайт кўнглининг бир чети бостириб келаётган қора булут кўланкасидан ғашланаётганини тан олгиси келмасди. Бу йил — биринчи синов. Узоқ йиллар донг таратган колхозга етакчилик қилишнинг ўзи бўладими. Бу йил етиштириладиган ҳосилнинг чўғи ҳам оз эмас, нақ 3 минг 180 тонна, мана шу хирмонни мўлжаллаб 1270 гектар ерга чигит қадалиши керак.

У сеялкачи Қурбонали Омоновнинг ёнига борди.

— Нима қиламиз буёғини, — деди тобора тундлашаётган осмонга ишора қилиб, — қўлимизни яна боғлаб қўяди-да.

— Қайдам, бугун ҳам улгуролмаймиз чоғи. Ҳай аттанг, ҳай аттанг.

Улар пайкалдан чиқишлари билан момоқалдироқ гулдираб, жала қуйиб юборди. Бу маҳал раиснинг фикри-зикри экилган ва экилмай қолган чигитлар тақдирида эди. Бу пайтда у колхоз правлениеси идорасида район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ноёб Ғуломов тоқатсизланиб ўтирганидан бехабар эди. Қабулхонага кириши билан ижроқум муовини унга пешвоз чиқди.

— Раҳмонбой, ука, дарёдан хабар олдингми?!— Унинг биринчи саволи шу бўлди.

— Эрталаб бирров ўтиб келганман. Эйвалек карьери ҳавзасида сув бироз кўтарилибди.

— Ана шунисига доғман-да, дарё сатҳи яна бироз кўтарилса биласанми, нима бўлади.

Раиснинг юраги орқага тортиб кетди.

— Шуниси етмай турувди, — у ивиб кетган брезент этигига бир қаради-да, йўлакка қайтиб чиқди. Қайта кийинишга вақт йўқ эди.

Улар дарё бўйига етиб келганларида, Оҳангароннинг бўтана суви дам ёйилиб, дам пишқириб қирғоқдан-қирғоққа шалоплаб урилар, гўё яradор бургутдай тўлғанар эди. Ҳамроҳлар карьер ҳавзаси томонга ўгирилиб, сўзсиз туриб қолдилар. Тошқин муқаррар эди. Эйвалек карьеридан саноат қурилиши эҳтиёжи учун пала-партиш шағал қазиб олинаверіб, дарёнинг шундоққина қуйи соҳилидан бир неча гектарлик ҳавза ҳосил бўлган, ана шу ҳавза билан дарё оралиғи ниҳоятда юпқалашиб қолган эди. Ўзбекистон ССР Саноат қурилиши министрлиги ихтиёридаги ушбу карьер мутасаддиларининг эҳтиётсизлиги туфайли ҳавза Олмалиқ химия заводи транспорт темир йўли томон кенгаяверіб, сув йўли «очилиб» қолган, мабодо дарё ўзани ўзгаргудек бўлса, сув ҳавзада тўпланиб, катта куч билан темир йўл ёқалаб қуйига, Эски Ёрдам канали сувига қўшилиб кетиши мумкин. Тошқин сув каналга қуйилгудек бўлса, 1983 йил январь ойида юз берган офатни такрорлаши турган гап. Ўша йили ҳам Олмалиқ кон бойитиш комбинатининг оқоваси эҳтиётсизлик оқибатида канал сувига қўшилиб, тошқин содир бўлган, натижада сув балоси керовчиликларга катта ташвиш, моддий зарар келтирган эди.

Шошилинч тадбир кўрилиши керак! Канал ўз ўзанига сув ҳажмини сиғдиролмаслиги аниқ. Бунинг устига, узоқ йиллардан буён тозаланмаган. Бўлиб ўтган тошқинлардан кейин ҳам тегишли тадбирлар кўрилмаган. Зарар кўрган аҳолига катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилганига қарамай, уларга кимларнингдир лоқайдлиги туфайли хавфсизроқ участкалардан уй-жой ажратилмаган. Мана энди ташвиш устига ташвиш.

Қишлоқ аҳолисининг катта қисмини зудлик билан кўчиришдан ўзга чора йўқ! Шундай бўлди ҳам. Район партия комитети, райижроком, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти, Керовчи қишлоқ Совети, колхозчиларнинг уюшқоқлик билан кўрган чоралари натижасида сув босиш хавфи бўлган участкалардаги барча аҳоли — биринчи навбатда болалар, қариялар қисқа муддатда бехавотир жойларга олиб чиқилди.

— ...16 апрель. Маҳаллий вақт билан соат 16..., — деб эслайди колхоз электромонтёри Абдуқодир Нишонов, — жала кун бўйи ёғиб турди. Дарё томондан келаётган гувиллаган овоз зум ўтмай колхоз қўрғонида акс-садо берди. Сув ўз йўлида турган дов-дарахтларни, ҳовли деворларини, уйларни ютоқиб ялаб, емириб ўтарди...

Бутун қишлоқ аҳолиси оёққа қалқди. Кимдир ёмғирдан ивиган болаларни бағрига босиб хонадонига олиб кирар, кимдир қари-қартангларни етаклаб йўл бошлар, бошқалар уларга жой ҳозирлар эди. Хуллас, инсон қўлидан келадиган ғайрат, меҳр-оқибат ҳалокатдан устун келди.


Аҳоли ҳалокатдан халос этилган бўлсада, колхоз маъмуриятининг кўнгли нотинч, ҳамманинг миясида бир фикр — сув йўлини тўсиш, ортиқча зарар кўришнинг олдини олиш тадбирлари чарх урар эди. Район партия комитети раҳбарлигида «Гулистон» колхози идорасида «Тошқиндан сақланиш штаби» ташкил этилди. Қўшни Олмалиқ, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Наримонов шаҳар автокорхоналаридан кетма-кет автобуслар, сув йўлини тўсиш учун шағал ортилган қудратли техникалар ёрдамга етиб келди. Бу пайтда Оҳангарон дарёси ўзанидан тошган, сув колхоз қўрғонига кириб улгурган эди. Керовчи қишлоғини кесиб ўтган Эски Ёрдам канали тошқин сув остида қолиб кетди. Унинг ён-атрофидаги иморатлар — болалар санаторийси, боғчаси, мактаб, колхоз минерал ўғитлар ва уруғлик омборлари, 200 га яқин хонадон тошқиндан зарар кўрди.

— Қишлоқ икки кун мобайнида сув ичида қолди, — деб эслайди апрелнинг ўша кунларини колхоз раиси Раҳмонжон Соипов. — Тошқин рўй берган зонадан кўчирилган аҳоли жон бошига қараб, шошилинч суратда республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Сув иншоотлари қурилиши Давлат комитети томонидан етказиб берилган вагон уйларга, меҳмонхоналарга яқин атрофдаги хонадонларга жойлаштирилди. Уюшқоқлик билан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак таъминоти амалга оширилди. Область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ёрдами билан колхоз аҳолиси моддий ва маънавий муҳтожлик сезмади. Оғир шароитда бизга кўмакка шошилган барча ташкилотлар, фидойи қалб эгаларидан миннатдормиз.

АДО БЎЛМАС МЕҲР. Эрталаб штабга жадал кириб келган корейс йигити ҳаммамиз билан қўл олишиб кўришгач, соф ўзбек тилида:

— Ихтиёрингизга келдим. Олмалиқ механизмлашган йўл қурилиши базасиданман. Ичимлик суви келтирдим,— деди.

— Жуда азамат йигит экансан, Роберт, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Эргаш Абдуллаев, — адашмасам, кеча ҳам келган эдинг-а!



«Гулистон» колхози аъзолари ҳамжиҳатлик билан сув балосига қарши оёққа турдилар.

В. Дубровский, А. Караваев фотоси

Инсон ва табиат

— Йўқ, кеча ҳамкасбим Леонид Кимнинг навбати эди. Мен ўтган куни келганман. Биз бир-биримизга ўхшаймиз-да, — унинг юзига табассум ёйилди. — Эртага Юсуф Ниёзий келади.

«Ҳамроҳ қилиб олмайсанми?» деган таклифимга Роберт Югай эътироз билдирмади. У қишлоқ кўчаларини яхши билар экан. Бу ерга келганимдан буён штабга келиб-кетувчи мутахассисларнинг тошқиндан кўрилган зарар ҳақидаги маълумотларидан бошқа тасаввурга эга эмас эдим.

— Мана бу мактаб, девордаги сувнинг изини қаранг,— деб тушунтира кетди ҳамроҳим, — айрим жойларда сувнинг баландлиги бир метр келади. Ана униси болалар боғчаси.

Ҳувиллаган мактаб ҳовлисининг эшикдеразалари очиқ. Болалар боғчаси ҳовлисида ёғоч ўйинчоқлар шағал ва қум аралаш хас-хашаклар орасида ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Ундан нариоқда янада аянчли аҳвол — кимнингдир хонадони пахса деворлари ивиб, чўкиб қолган. Хонадонлар ёнида — йўл ёқаларида қатор вагон уйлар. Улар жуда ҳам кўп. Роберт машинасини «бебиллатиб», ўз ташрифидан дарак берди.

— Ҳозир келишади, — деди у машина шлангини ҳозирлаб. Сувга илдамроқ келган йигит ўзини Баҳодир Ҳайдаров деб танитди. Колхозда қурувчи бўлиб ишлар экан.

— Бизникига киринглар, — чойга таклиф қилди у самимий. Мавруди бўлмасада, уйи тор бўлса ҳам, кўнгли кенг бу йигитнинг сўзини ерда қолдиргим келмади. Чунки бу ердаги шароит билан ҳам танишишим керак-да.

«Янги уй» бир хоналик экан. Каталакдек ошхона, ичкарида — бурчакда телевизор, шолча устига тўшалган кўрпачада гўдаги ўйинчоқ ўйнаб ўтирибди. Хонадон соҳибасидан кўнгил сўрадим.

— Нима ҳам қилардик, қийналган бир бизми... Яхшилар омон бўлсин... Вақтида ёрдам берилмаганида, ким билади... Кўриб турибсиз, ҳолимиздан хабар олиб туришибди.

Баҳодир ҳам тошқиндан зарар кўрди. Уйидан олиб чиққани вагон уйнинг бурчагига ҳам жой бўлмади. Лекин у бой эди, ҳа, кўнгли бой эди. Ишонч, садоқати, меҳр-оқибати, турмуш ўртоғи ва фарзанди ўзи билан бирга эди.

Улар билан хайрлашиб чиқарканмиз, бўйинда алвон галстуги ҳилпираган болакай олдимиздан югуриб ўтаётиб, сувга навбатга турган келинойисига мақтаниб ўтди:

— Келинойи, биз пионер лагерига борар эканмиз!

— Қаёққа?!

— Узоққа.

У қишлоқ кўчасида илгарилаб кетаётган ҳамроҳи ортидан югуриб кетди.

«Узоққа». Унинг бола қалби ўша «узоқ»-даги меҳрни сезибдики, бу ўлкада ҳеч ким оғир кунда муҳтожликда қолмайди. Елғиз қолмаган ҳам. Хаёлимда ўтган йили содир бўлган Чернобиль воқеаси жонланди... Қор кўчкисидан талофат кўрган грузин қардошларга совет кишилари кўрсатган меҳрни ҳис этдим. Бу жуда ҳам катта, адо бўлмас меҳр эди.

МУНОСАБАТЛАР ТАЛҚИНИ. Тошқин зудлик билан жиловланган бўлса-да, Оҳангарон дарёсида сув сатҳининг тинимсиз кўтарилиши, тўхтовсиз ёғаётган ёмғир ҳеч кимга тинчлик бермас, колхоз идорасида ҳукумат комиссияси вакиллари, мутахассис лойиҳачилар кеча-кундуз иш устида ором билишмас эди. Эндиги масъулият муҳим ва мураккаб — уларнинг олдида уй-жой масаласи кўндаланг бўлиб турарди. 200 хонадон... Шундан 70 дан кўпроғи бутунлай истиқомат қилишга яроқсиз аҳволда. Қолган уйлар, маъмурий, маиший бинолар ҳам жиддий ремонт талаб. 850 гектар пахта майдони зарар кўрди. 258 гектар майдон мутлақо фойдаланиб бўлмас ҳолга келиб қолди.



Юртдошлар тошқиндан зарар кўрган Солдатск луб заводи тракторчиси Эгамжон Нурматов оиласига ҳам ўз вақтида ёрдам қўлини чўздилар.

С. Величкин, В. Лешченко фотоси (ЎзТАГ)

Район штабида ана шу масалалар зудлик билан ҳал қилинарди. Колхознинг Қир участкасидан 52 гектар майдон бўлажак посёлка учун ажратилди. Бу ерда бевосита республика агросаноат қурилишининг ёрдами билан ҳар бир оила учун 13 сотих томорқаси бўлган, барча замонавий қурилиш талабига жавоб берадиган 200 хонадон, битта мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси, савдо маркази, 400 ўринли клуб, маиший хизмат уйи, бахт уйи, қишлоқ Совети биноси қурилиши планлаштирилди. Бу ишга тажрибали лойиҳачилар, инженер-техник мутахассислар жалб этилди.

Белгиланган тадбирларнинг амалга ошиши шубҳасиз. Матонатли совет кишиларининг қон-қардошлиги, дўстлик ришталарининг мустаҳкамлиги, амалда синалганлиги бунга кафолат беради. Бу ерда ҳадемай ана шу қудратли ДЎСТЛИК рамзи бўлган посёлка қад кўтаради. Лекин Эйвалек шағал карьеридан то Керовчи қишлоғигача тошқин ўзани бўйлаб кезар экансиз, бир хил мазмундаги саволлар кўксингизни чўғдай куйдиради: «Мана шу воқеа содир бўлмаслиги мумкинмиди?», «Адмирал Нахимов» туристик кемаси саёҳатчилари омон қолиши мумкинмиди?», «Машҳур «пахтакор»чи футболчиларимиз ҳамон ўз маҳоратларини намойиш этиб, мухлисларни қувонтириб юрсалар бўлмасмиди?». «Бутун Ўрта Осиё тақдири билан боғлиқ Орол денгизи нега шу даражада ҳалокат ёқасига келиб қолди?»

...Вужудимизга сингиб кетган ва бизни доим «аттанг» дейдирадиган атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга лоқайдлигимиз бўлиб ўтган барча ҳалокатларга сабабчи эмасмикан?.. Мана шу лоқайдлик хўжасизликни, эгасизликни келтириб чиқармадими? «Елғиз менга кераки?» деган алмисоқдан қолган тушунча масъулиятсизликка олиб келмадими? Ҳа, ҳафсаласизлик ҳақиқатнинг ўткир кўзларини хиралаштириб қўйиши рост.

Табиат ва инсон — икки буюк қудрат. Улар орасидаги муносабатлар асрлар оша давом этиб келаётган бўлса-да, ҳамон бири иккинчисининг миридан сиригача огоҳ бўлишга интилса, иккинчиси ҳар дақиқада ўзига хос муруввати, истиғноси ва ўжарлиги билан лол қолдиради.

Инсон табиатан эзгуликка интилади. Яратувчилик туйғуси унинг йўлини мунаввар, дилини чароғон қилади. Унинг фазилати ҳам шунда. Аммо инсон ботиний бир хислатга ҳам эгадирки, уни ҳамиша ҳам илғаш қийин. Бу — киши тинчини бузадиган, бошига ташвиш келтириши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишдир. Айтайлик, бирор нарсадан шубҳаласак, суҳбатдошимиз шу пайт:

— Ҳей, нафасингни ел ўчирсин! — деб танбеҳ беради.

Шу сабабдан бўлса керак, аксарият ҳолларда шубҳаларга бўлган муносабат ботинда сақланади. Шунинг учун ҳам характеримизда мушкулотларни олдиндан кўра билиш, уларга қарши туриш, воқеа содир бўлмасдан олдинроқ эҳтиёт чораларини кўриш фазилати деярли шаклланмаган. Мушкул вазият олдида ожиз қолганимизда, табиат билан муносабатимиз жараёнида содир бўлган зиддиятни «табиий офат»га, «фалокат»га йўямиз, ўзимизни оқлаймиз ва шу билан тасалли топамиз.

Ахир, Оҳангарон дарёсининг шундай биқинидаги Эйвалек тош ҳавзаси бир кунда «қазилмаган»-ку! Тошлоқ жойда сув сизиб чиқиши ҳаммага аён эди-ку! Бир эмас, бир неча гектар майдон ўйиб олинаётганидан, дарё билан тош ҳавзаси оралиғи юпқалашиб қолаётганидан мутасадди ташкилотлар хабардор эдилар-ку! Бу ерда ишлаётганлар кўрмайдиган, ҳис қилмайдиган роботлар эмас эди шекилли?!.

Бир неча марта сув тошқини ўзанини ўпириб кетган Эски Ердам каналини ҳар йили кузда тозалаб қўйиш мумкинмиди? 1983 йилги тошқиндан сўнг аҳолини кўчириш мумкинмиди?

Йил бошидан буён мамлакат бўйлаб табиат инжиқлиги ҳақида берилаётган маълумотлардан, кўклам инжиқлигидан, Грузия ССРда, қўшни Тожикистон ССРда кўрилган талофатлардан хулоса чиқариб олиш мумкинмиди?! Албатта, мумкин эди. Бунинг учун фурсат ҳам етарли эди. Агар табиат билан лоқайд муносабатда бўлмаганимизда, агар: «Биз учун ўйлайдиганлар бор», «Бундай кўрсатмалар берилмаган», деган тушунчалардан халос бўлолганимизда, албатта талофатларнинг олди олинган бўларди.

Ўктам МИРЗАЕВ

Пискент

ШУҲРАТ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси



ИМОНИ БУТУНЛИК

Саратон ўтига берурман бардош,
Қумсочар елига етади чидам.
Янада пастроққа тушса ҳам қуёш,
Чидашга қодирдир бу қобил одам.

Мусаффо қалбида имони бутун,
Орзуси тўқ экан тиқин чаноқдай.
У писанд қилмайди жаҳаннам ўтин,
Эртани кўради нурли ёноқдай!

Имони сусайиб, орзуси сўнса,
Тилаги қўлида бўлмаса чироқ,
Не ажаб йўлида саргардон қолса,
Не ажаб яқин ҳам кўринса йироқ!

Имони бутуннинг йўли ҳам ёруғ,
Имони бутуннинг нияти улуғ!



ЭЗГУ НУРЛАР

Қабристон борганда кўнглимиз юмшаб,
«Одамнинг аҳволи шу!» деймиз гоҳо.
Гоҳида қабрига тупроқ ҳам ташлаб,
Марҳумга берамиз яхши бир баҳо.

Ёмонлик кўзларга қабиҳ кўриниб,
Тиймоқчи бўламиз ёмонликдан қўл.
Баъзи бир кишини танқид ҳам қилиб,
Эзгулик боғига кўрсатамиз йўл!

Гўёки дунёда ёмонлик энди —
Ҳеч кимдан, ҳеч қачон бўлмайди содир.
Гўёки дилларга фаришта қўнди,
Гўёки дунёни босди гул, атир!

Ҳеч кимса ҳеч кимнинг кўнглин оғритмас,
Ҳеч кимнинг кетидан қилмайди ғийбат.
Ҳеч кимса ҳеч кимга бўҳтон тош отмас,
Ҳеч кимса устидан ёзмас номсиз хат!

Йўқ, бари шу замон бўлади унут,
Қабристон эшигин хатлаб ўтган он!
Эй, одам, дилингни бир текисда тут,
Нелар ўйлагандинг сен ҳали замон?!

Наҳотки, кўнглингни юмшатмоқ учун,
Эзгулик дилингда бўлсин деб ҳоким,
Мозорда яшамоқ керак уззукун,
Е ўлик кўммоқлик зарурдир балким?



Йўқ, бунга ҳеч қачон зарурият йўқ,
Сен ўзинг қалбингга қулоқ солсанг, бас.
Дунёда ҳамиша эзгу нур тўлиқ,
Эзгулик шарафи асло кам эмас!

Сен ўзинг ўзингни ўнглаб ол, одам,
Тор, эгри кўчада довдираб юрма.
Мозормас, кундалик умрингда ҳар дам
Покиза ҳисларинг шайтонга берма!

Ахир, сен эзгулик учун туғилиб,
Эзгулик шаънига сен масъул бир жон.
Бошингдан шон-шараф нури ёғилиб,
Порласа, не ажаб, эй меҳри жаҳон!

Ҳа, эзгу нурларни кўнглингга тўлдир
Ва уни умрбод кўксингда қолдир!

ТАБИАТНИНГ ХАТОСИ

Ҳар томчи ёмғирдан унса бир гиёҳ,
Бу олам кўкалам бўлиб кетади.
Қуп-қуруқ саҳродан толмасди нигоҳ
Бегиёҳ тоғ-тошнинг бўлмасди дарди!

Эҳтимол, етарди денгиз билан кўл —
Кўпини бағрига йиғиб олмаса.
Тақирлик қошига топа олса йўл,
Саратон тонгидан йўлда қолмаса.

Табиат! Ҳамма айб сенинг ўзингда,
Тақсимот қилишда йўқдир инсофинг.
Инсоф-ла иш тутсанг дунё юзида
Ҳаммага ўтарди ҳукмрон гапинг!!

Бир гиёҳ унмасдан ётмасди бир ён,
Бир ёнда бўлмасди қуримас ботқоқ.
Бир ёнда ҳансираб ёнмасди инсон,
Бир ёнда демасди: «Дарё, нари оқ!»

Ҳамма айб ўзингда, она табиат,
Тақсимот чоғида қўйгансан хато.
«Шу хатом тузалиб кетса деб шояд»,
Одамга қилдингми қалб, идрок ато?



АВТОМАТ

Ўқ тегди, қўлингдан тушди автомат,
Оҳиста, авайлаб ётқиздим сени.
Бир онда ғужанак бўлди-ю қомат,
Жон берди чангаллаб дўстим кўксини!

Автомат ёнида боқарди ғариб,
Стволи ҳали ҳам отишдан қайноқ.
Мен уни ғазабдан қўлимга олиб
Майдонга отилдим шер каби шу чоқ!

Сенинг ҳам ўчингни олдим, ўртоқжон,
Ғалаба бонгини чалдик янгратиб.
Шу зафар шаънига сен бергандинг жон,
Қабрингга гул экдик сўнгра яйратиб!

Ҳа, ўша автомат ҳамон қўлимда,
Ҳамон сен қалбимда тириксан мағрур.
Ким сени эсламас энди элимда,
Элимда барқарор қалбинг сочган нур!

Автомат қўлимда,
Меҳринг дилимда.
Хотиранг сўнмайди асло элимда.
... Жанг битди. Музейда ўша автомат
Музейдан бу ёққа чиқмаса шояд!

Сен ўзинг мўъжиза

Сен кулсанг, бу осмон ёришиб кетиб,
Қуёшни кўзимга қилар рўбарў.
Йиғласанг, фарёддан қулоғим битиб,
Асал ҳам оғзимда бўлади оғу.

Сен юрсанг, ёнингда борсам ёнма-ён,
Қисқариб боради масофа, манзил.
Тўхтасанг, бағримни ўртайди армон,
Дард бўлиб ботади ҳангома, ҳазил!

Сен боғда сайр этсанг, мевалар пишиб,
Гул-чечак остидан нафас уради.
Сен тоққа интилсанг, тоғлар паст тушиб,
Чўққилар елкасин тутиб туради.

Сўз айтсанг, булоқнинг очилиб кўзи,
Нур бўлиб кўнглимга ёруғ беради.
(О, эркам, севганнинг ҳар битта сўзи
Қулоқдан жон бўлиб қалбга киради).

Сен ўзинг мўъжиза,
Мўъжиза ўзи,
Қалбимда мужассам мурувват, шафқат.
Ишонки, азизим, оёғинг изи
Жаннатга элтади, жаннатга фақат!

ҲАЁТ КЎРКИ

Қуриган ариқнинг нимаси ариқ,
Гар қайнаб турмаса нимаси булоқ?
Нимаси гул унинг қуриган, сариқ,
Қадрини топарми ёнмаса чироқ?

Иплари бўлмаса нимаси дутор,
Куйидан ажралган булбул ҳам бир қуш.
Ҳеч кимса тутмайди қулоғин бедор,
Дарди йўқ қўшиқ ҳам қилмайди сархуш!



Арикда сув бўлсин, булоқ қайнасин,
Ҳеч қачон ўчмасин ёнганда чироқ.
Ол гуллар қошида булбул сайрасин,
Дуторнинг ипига тушмасин улоқ!

Базм ҳам авжида бўлсин доимо,
Ҳа, шунда ҳаётнинг кўрки бошқача.
Қўшиқдай янграйди табассум, имо,
Чиройли бўлади гулдан тошгача!!

МЕЪЁР

Дейдилар, табиблар буюрган оғу
Меъёрдан ошмаса дори бўлади!
Меъёрдан ошмаса, у мангу уйқу
Олисдан термулиб, ҳайрон кулади.

Шу ҳайрон кулгининг ҳаққи-ҳурмати,
Зулмингни меъёрдан оширма, эй ёр.
Севгининг кетмасин сендан омади,
Кетдими, оҳ уриб, нолишинг бекор!

Зулмат ҳам меъёрдан ошмасин, эй ёр,
Кулгинг ҳам меъёрдан ошмасин, эй ёр.
Меҳринг ҳам меъёрдан ошмасин, эй ёр.
Қаҳринг ҳам меъёрдан ошмасин, эй ёр.

Дейдилар, донолар буюрган оғу,
Меъёрдан ошмаса бўлади дори!



ЖАФОКАШ

Бунчалар жафокаш бўлмасанг, юрак,
Не тушса бошимга — оғирлик сенга.
Мен сенга ишониб яшасам керак,
Умримнинг борлиғин ортиб устингга.

Ўзинг-ку, муштумдек келасан, лекин
Қудрату бардошинг қилади ҳайрон:
Кўксингда кўтариб бу олам юкин,
Яна сен ҳаётдан мамнуну хандон!

Бу умрим шодлиги сендан ўтади,
Бу умрим қайғуси сенга чўкади.
Ким сенга ногаҳон бир ўқ отади,
Аввало у келиб сенга тегади.

Шодлигу қайғумга мубтало ўзинг,
Мен учун вожибдир ҳар битта сўзинг!
Мен сенга суяниб яшайман, юрак,
Сен эса, соф, ҳалол бўлмоғинг керак!!

АНДИЖОНИМ

Зоҳиджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими



Қўшиғимсан, яшнаган Андижоним,
Ҳар гўшаси дастурхонли мезбоним.
Сафолидир сенда кечган ҳар оним,
Жаҳон ичра сен ҳам номдор жаҳоним,
Андижоним.

Донғи достон таърифли пахтакорсан,
Тантиликда тавсифли лафзи борсан.
Соҳибхирмон, соҳибкарвон диёрсан,
Санъатда баркамол, илҳомга коним,
Андижоним.

Сенга меҳрим денгизингдай лимиллар,
Тарам-тарам далангда кўз жимирлар,
Кўз қувнатар ишчан, сочи сунбуллар,
Мард йигитлар юрти — боғи-бўстоним,
Андижоним.

Камолингни кўрган доим қойил дер,
Бир бор келган хуморликка мойилдир,
Боғи шамол аро шавқли сайилдир
Зоҳиджон дер: «Кўрмасам, ёнди жоним,
Андижоним».



ЎЙНАЙМАН

ЛАПАР

У ён ташлаб ўйнайман,
Бу ён ташлаб ўйнайман.
Давронимдан ўргулай,
Бахт завқини куйлайман.

Чинорим: «Ўссам», дейди,
«Шамолни тўссам», дейди.
Юрт авжига авж қўшиб,
Бу кўнгил: «Жўшсам», дейди.

Ҳормас менинг юрагим,
Толмас менинг билагим,
Илғорлар қаторидан
Қолмас менинг тилагим.

У ён ташлаб ўйнайман,
Бу ён ташлаб ўйнайман.
Кундан-кунга яшнаган
Юрт камолин куйлайман.

Олифта ялтирайди,
Мақтанчоқ валдирайди.
Иш деса ялқов қўли
Офтобда қалтирайди.

Жилға оқиб сой бўлар,
Ҳафта ўтиб ой бўлар.
Ёшсан, иш кўрсатиб қол,
Эл-юртда обрў бўлар.

У ён ташлаб ўйнайман,
Бу ён ташлаб ўйнайман.
Меҳнатни шарафлаган
Давронимни куйлайман.

БИЛСАМ...

Газетада кўрдим суратин,
Ҳамон унда таниш табассум.
Қайта-қайта ўқидим отин,
Тасвиридан кўз узмай бир зум.

Шахтёр бўлмоқ истарди чунон,
Нимжонсан деб қилардик таъна.
Аттестатин олгани ҳамон,
Шахта томон кетди мардона.

Қайтар дедик, қайтмади зинҳор,
Буткул қолди Оҳангаронда.
Бўлди барча шубҳалар бекор,
Шуҳрат топди у бу кун конда.

Расмда ҳам жиккак қомати,
Боқар таниш табассум билан.
Билсам: унинг ҳусни, қудрати,
Чин ирода, юракда экан.



ЕР ВИСОЛИ КЎЙИДА



Ишқ дардига ташлаб даво қилмадинг,
Бағринг тошми, шафқат раво қилмадинг.
Васлингни деб кўнгил қуши афтода,
Бағрим ёқиб, бир бор парво қилмадинг.

Наздимда сен оламда энг ягона,
Хаёлингдан ўзга хаёл бегона.
Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам излайман,
Йўл пойлайман топиб минг хил баҳона.

Танҳо ўтай ёр висолинг ўйида,
Ташна юрган каби дарё бўйида.
Ўртасанг ҳам саломат бўл жаҳонда,
Енса ёнсин Зоҳиджон ишқ кўйида.

ҲУР ФИКР ВА ДАҲРИЙЛИК

Хурофотга қарши ўт очамиз

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йил октябрда бўлган III Пленумидан бери ўтган ойлар мобайнида атеистик тарбияни кучайтириш борасида маълум ишлар қилинди.

Бир қатор илмий мақолалар, китоблар босилиб чиқди, кўргазмали тарғибот ишлари кенгайиб бормоқда. Хотира куни каби янги анъана ва замонавий маросимларни эл орасида ёйиш кучаймоқда, атеистик тарбияга бағишланган радио эшиттиришлар ва телекўрсатувлар борган сари жанговарлик касб этмоқда. Таниқли совет шоир ва ёзувчилари, файласуфларининг бу соҳага оид асарлари китобхон ва томошабинга етказилмоқда. Айниқса, республика Илмий атеизм уйи ва унинг область филиаллари, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий атеизм институтининг Тошкент филиали бу йўналишда муайян ишлар олиб бормоқда. Аммо бу йўналишдаги тадбирларни ҳануз талаб даражасида деб бўлмайди, улар «йиғилиб қолган муаммоларнинг миқёслари ва ўткирлигига мос келаётгани йўқ, лозим даражада самарадорлик ва ҳужумкорлик билан амалга оширилаётгани йўқ».

Маъмурий тадбирлар ҳам, доҳиймиз В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «мавҳум-идеологик тарғибот» ҳам бу соҳада қониқарли натижа бериши мушкул. Бизнинг давримиз илмий тафаккур давридир. Дин ва ҳурфикрлилик орасидаги тарихий кураш жараёнини шиддатли синфий зиддиятлар инъикоси сифатида очиб кўрсатиш, ана шу тарихий тажриба заминида бугунги социалистик воқелигимиз учун ёт бўлган рўёларни асосли фош этиш, халқни курашчан материализм руҳида тарбиялашга жиддий эътибор, социализмнинг маънавий моҳиятини бугунги босқичдаги талаблар асосида чуқур ёритиб бериш ҳануз баъзи кишиларимиз онгида сақланиб келаётган хурофий «занг»лар ва «чирк»ларни буткул тозалаб ташлашга кўмаклашади.

«Биз динга қарши курашмогимиз лозим, — деган эди В. И. Ленин. — Бу **бутун** материализмнинг ва, демак, марксизмнинг алифбесидир. Аммо марксизм — алифбеда тўхталиб қолган материализм эмас. Марксизм янада илгари боради. У: дин билан кураша **билиш** керак, бунинг учун оммадаги диний эътиқоднинг ва диннинг манбаларини материалистик асосда тушунтириш керак, дейди». (В. И. Ленин, ТАТ, т. 17, 478-бет).

Диннинг, жумладан, ислом динининг гносеологик ва социал илдизларига эътибор, инсоният тарихида дин ва ҳур фикр кўрашини жамиятдаги илғор ва реакцион социал кучлар орасидаги узлуксиз кураш билан боғлаб изчил тадқиқ этиш ҳозирги кунда самарали атеистик тарбия олиб боришда, айниқса, муҳимдир.

Қадим-қадимлардан аҳли башар ҳаёт учун шиддатли кураш олиб борар экан, фақат қорни тўйғани, моддий ҳаваслари озми-кўпми қонгани билан кифояланмади, балки ўз тириклиги моҳияти, атроф-воқелик асоси ҳақида тинимсиз ўйга толди, мулоҳаза юритди, шу тариқа ўзининг бунёдкорлиги натижаларини ақл кучи билан умумлаштиришга уринди. Аммо илк инсоннинг қудратли табиат кучлари қаршисида кўпинча ожиз қолиши, унинг яратувчилик қувватига асос бўлган иш қуролларининг ҳали жуда нотўкислиги ўз-ўзини чуқур англаб етишга етарли имкон бермас, натижада фалокатлар олдида қўрқоқлик, табиат кучларига илоҳий тус бериб сажда қилиш, турли назри-ниёзлар билан «ёвуз кучлар» марҳаматини қозонишга мойиллик уйғотар эди.

Саҳродаги саробни кўриб янглишган киши, агар дадиллик билан яна бир оз олға юрса, рўёшаксиз ғойиб бўлади ва унинг ёлғонлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Аммо жамиятда қайсидир гуруҳлар инсониятнинг олға юриш йўлини тўсмоқликдан манфаатдор бўла бошлайдилар. Улар ёлғон тасаввурларни расмийлаштирадилар, маълум тартибга келтирадилар ва оммани ўшаларга ишонишга турли йўллар билан мажбур этадилар. Чунки кўпчилик рўёни нажот деб ўйлаши, саробни «обиҳаёт» деб ишониши ушбу гуруҳларга жуда зарур. Шунда ёлғончиларнинг ошиғи олчи бўлади, бу дунё терс кўзгуда аксланади, текинхўрлар — олижаноб, ғоратгарлар — саховатманд, тер тўкканлар — гуноҳкор бўладилар, чин ҳақиқат излаганлар эса — дажжолнинг муридлари бўлиб кўринади. Буларнинг барчаси синфий манфаатдорлик кўзгусининг найранглари, инсоният жамоаси такомилининг турли босқичларида турлича жилоланган, ҳар бир синфий жамиятдаги ўлиб, чириб бораётган ҳукмрон табақалар манфаатларини акс эттирган чирик мафкуранинг даъволаридир. Аммо худди ўша жамият ичида ўсиб келаётган, муайян даврда умуминсоний такомил босқичининг ижодий тамойилини ўзида мужассам этган кучлар ҳам ҳамиша мавжуд бўлган. Улар олдинги босқичда эришилган энг яхши ютуқларни диалектик ўзлаштирган ҳолда уларга янги қанот бағишлаб, барча чиркин, ўлик ғояларни йўлдан супуриб ташлашга уринганлар, бу йўлда маълум ютуқларни қўлга киритганлар.

Минглаб йиллар давом этган бу жараён инсониятнинг аччиқ, аммо сабоқларга бой ижтимоий ва маънавий тажрибасидир. Уни синчиклаб ўрганиш, рўё қайси, ҳақиқат қайси эканлигини холис тадқиқ этишга уриниш бугунги синфсиз, озод жамиятимизда ҳар бир инсон маънавий камолоти учун чегириб бўлмас бир пилапоядир. Шунинг учун биз ўтмишни, ундаги ҳур фикр тараққиётини ўрганишга айрича аҳамият берамиз. Бунга янги мисол 1986 йили Москвада «Мысль» нашриётида босилиб чиққан «Қадимги дунё, ўрта асрлар ва Уйғониш даврида ҳур фикр ва даҳрийлик» («Свободомыслие и атеизм в древности, средние века и в эпоху Возрождения») китобидир. Ушбу сермазмун қўлланма бир гуруҳ олимлар коллективи томонидан ёзилган. Унда «Ҳур фикр ва даҳрийлик тарихининг умумий масалалари»дан баҳс этувчи алоҳида бобдан ташқари қадимги Миср, Икки дарё оралиғи (Месопотамия), Ҳиндистон, Хитойда вужудга келган динга зид қарашлар, Юнон-Рим антик дунёсидаги материалист файласуфларнинг даҳриёна ғоялари, ўрта аср мусулмон дунёсида, ғарбий Европа ва Рус диёрида тарқалган эркин фикр унсурлари ва ниҳоят, Европа Уйғониш даврининг бу соҳадаги улкан ютуқлари бирма-бир назардан ўтказилган.

Кириш қисмида динга танқидий муносабатнинг турли тарихий даврларда мавжуд бўлган турлича кўриниш ва шакллари, жумладан ўзгача фикрлаш (инакомыслие), шаккоклик (богоборчество), диний ақидаларга лоқайдлик (индифферентизм), шубҳа остига олиш (скептицизм), черков ҳукмронлигига қарши кураш (антиклерикализм), ёппа инкор (нигилизм) ва ниҳоят, динга энг изчил танқидий муносабат намунаси бўлмиш даҳрийлик (атеизм) ҳар тарафлама кўриб чиқилган, ҳар бирининг моҳияти ва улар орасидаги ўзаро боғланиш очиб берилган.

Аммо бизни ўзига алоҳида жалб этган саҳифалар фалсафа фанлари кандидати А. В. Сагадаев томонидан ёзилган учинчи бобнинг биринчи фасли бўлиб, унда IX—XII асрлар Ўрта ва Яқин Шарқдаги ислом дини ҳукмрон бўлган минтақада ривож олган ҳур фикрнинг турли тарихий — муайян кўринишлари ўзаро нисбатда ва такомилда изчил ёритилади.

IX—X асрлар араб халифалигида вужудга келган ижтимоий-маданий шароит, бу даврга келиб дунёвий билимларнинг кенг ривожланишига сабаб бўлган тарихий омиллар, Абулаъло ал-Маарий ва Умар Хайём шеъриятидаги ислом ақидалари устидан очиқ истеҳзо намуналари, Ан-Наубахтий, аш-Шаҳристоний, Абу Райҳон Беруний асарларидаги қиёсий диншуносликка оид ҳақидаги қизиқарли маълумотлар бу фаслнинг бошланишидан ўрин олган. А. В. Сагадаев совет ва чет эл олимларининг давр ижтимоий-фалсафий тафаккурини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик тажрибаларига таяниб, ўша замон ҳур фикр эгаларининг ўзига хос ифода усуллари «сири»ни яхши очиб берган. Тақия ва таъвил методлари шуларнинг асосийларидан эди. Уларнинг биринчиси ўз асл эътиқодини яширин тутиш ва тилда ҳукмрон диний ақидаларни тан олиб, кўнгилда уни инкор этишни билдирса, иккинчиси — муқаддас матнларни ўз йўналиши ва мақсадларига мослаб мажозий-аллегорик талқин қилишни билдирарди.

«Таъвил, яъни кенг тарқалган диний тушунчалар, образлар ва тасаввурларни мажозий талқин этиш ва бундан уларнинг асл мазмунига мос келмайдиган, кўпинча эса мутлақо зид фикрларни ифодалаш учун фойдаланиш — ўрта асрлар мусулмон мамлакатларидаги ҳур фикрнинг энг муҳим хусусияти шундайдир», деб ёзади муаллиф. Оллоҳга шак келтиришгина эмас, унинг табаррук сўзи ҳисобланмиш «муқаддас» матнларнинг бирор ҳарфига ўзгартиш киритиш «гуноҳи азим» ҳисобланган ва аёвсиз жазоланган оғир замонда бу услуб ислом дини турли мазҳабларининг шакллана бошланиш даврларидаёқ турли бидъатчи

(еретик) гуруҳларга жуда мос келган эди.

Эркин фикр эгалари эса «таъвил» методидан ўз қарашларини «муқаддас» китоб сўзлари билан шаклан мувофиқлаштириш ва шу билан ўз ҳаётларини ва таълимотларини мутаассиблар ҳамласидан имкон қадар ҳимоя қилишга уринганлар. Бундан ташқари, барчага тушунарли диний тимсоллардан шартли белгилар сифатида фойдаланиш уларнинг ўз ғояларини оммага тушунарли тил билан ифода этиш, осон йўл билан тарғиб қилиш мақсадларини ҳам кўзда тутар эди. Аммо натижада шундай ҳолат юзага келдики, ушбу мутафаккирлар меросининг кейинги даврлардаги талқинида икки хиллик ва бир-бирига зид қарашлар туғила бошлади. Ҳар бир конкрет ижтимоий-маънавий шарт-шароитда бир таълимотнинг ўзи гоҳ исёнкорлик руҳида, гоҳ ҳукмрон идеологияга мос ва ҳатто диннинг асл моҳиятини англатувчи қарашлар сифатида талқин этилди. Ашарийлар таълимоти, Ғаззолий, Ибн ал-Арабий мерослари худди шундай тақдирга эга бўлди. Ғарбий Европада ҳам бу таълимотлар худди шундай икки зид нуқтаи назардан қабул қилинди. Ҳали ўрта асрлардаёқ гоҳ Ғаззолий асарлари материалистик фалсафий қарашларга асос бўлар, гоҳ Ибн Синонинг баъзи мулоҳазалари Фома Аквинский каби мутаассиб дин ҳомийлари томонидан илоҳий «ҳақиқат»ларни исбот қилиш учун фойдаланилар эди. Кейинги даврларда Янги ва Энг Янги замон тадқиқотларида ҳам юқорида айтилган шаклий ўзига хосликни билмаслик ёки тан олмаслик барча араб-мусулмон дунёси мутафаккирларини ёппасига чуқур диний эътиқод эгалари деб кўрсатишга ёки улар ижодидан «ноизчиллик» ва «зиддият»лар қидириб топишга сабаб бўлиб келди. Ваҳоланки, давр мутафаккирларининг ўзлариёқ бу борада аниқ кўрсатмалар бериб ўтгандилар. «...Биз ушбу бир неча варақка ишониб топширган сирлар юзидан енгил пардани буткул кўтариб ташламадик, чунки лойиқ кишилар осонлик билан уни ёриб ўтадилар, кимки нолойиқ бўлса, унинг учун бу парда ўтиб бўлмас ва зич тўсиққа айланади», деб ёзган эди XII асрда яшаб ўтган испан-араб файласуфи Ибн Туфайл.

А. В. Сагадаев ушбу методологик принцип асосида турли тасаввуф оқимлари, калом фалсафаси ва муътазила рационализми, исмоилия ва карматлар, қадимги юнон-рим фалсафаси анъаналарини янги босқичга кўтарган шарқ перипатетик мактаби буюк намояндалари ижодига алоҳида-алоҳида тўхталиб, улар таркибида олга сурилган дин танқиди ва ҳур фикр унсурларини кенг шарҳлаб берган.

Исломнинг илк дунёга кела бошлаган кунлариданоқ унинг «илоҳий»лигига инсонларда шак туғилган эди. Китобда шундай ривоят келтирилади: энг биринчи мусулмонлардан бири — Муҳаммаднинг шахсий котиби унинг «ваҳий» сифатида худо номидан айтган сўзларини ёзиб борар экан, адашиб кетиб, пайғамбар тилга олмаган сўзларни ёзиб қўяди, аммо Муҳаммадга бу сўзлар маъқул тушади ва уларни ўчирмай матнда сақлаб қолишни буюради. Бундан ниҳоятда ҳайратга тушган котиб, аста-аста ўз хўжасининг самимийлигига шубҳа пайдо қила бошлайди ва охири уни ташлаб кетиб қолади. Бу, балки, бир афсона, аммо VIII асрда яшаб ижод этган Ибн ал-Муқаффонинг «Калила ва Димна» асарида ўз қаҳрамони тилидан турли динлар ҳақида шаккоклик билан мулоҳазалар юритиши асло бежиз эмасдир. «Муқаддас китоблар»даги ақидаларга кўр-кўрона ишонишни қоралаш, ҳар бир мусулмон бирор нарсага эътиқод қўйишдан олдин барча мавжуд диний тасаввурларни астойдил шубҳа остига олиши лозимлигини таъкидлаш ҳатто илк мутакаллимларнинг ҳам кўпчилигига хос бўлган эди.

Ўша даврларда Бағдодга келган бир испан арабининг гувоҳлик беришича, бу шаҳардаги мутакаллимлар мажлисида нафақат мусулмонлар, балки христиан, яҳудий ва бошқа динларнинг вакиллари, материалистлар, даҳрийлар ҳам эркин иштирок этишиб, ҳамма ўз эътиқодини фақат ақл асосидаги далиллар билангина ҳимоя этишга ҳақли бўлган. Муътазилийлар доирасида, айниқса, ҳур фикр ривожи учун қулай шароит вужудга келган эди. IX—X аср донишмандларининг илғор қарашлари, айниқса очиқ даҳрийлик руҳида ёзилган ал-Варракнинг «Уч дин инкори» (ислом, христианлик ва яҳудий динлари кўзда тутилади), Ибн ал-Равандийнинг «Зумуррад» номли китобларидаги пайғамбарликнинг ҳақиқийлигини рад этишга қаратилган ўткир мулоҳазалар, — гарчи бу китоблар бизнинг давримизгача тўлиқ етиб келмаган бўлса-да, — ўз издошлари Шарқ фалсафасининг асосчилари ал-Киндий, Аҳмад ас-Сарахсий, Абу Бакр ар-Розий асарларида ўз ривожини топди. Ас-Сарахсий ва ар-Розий Қуръон ақидалари ва Муҳаммаднинг пайғамбарлик даъволарини очиқдан-очиқ танқид қилиб, алоҳида асарлар ёздилар. Ас-Сарахсий ҳаттоки, инсонлар устидан ислом ҳукмронлиги қачон хотима топишини юлдузларга қараб аниқ ҳисоблаб берган ва бу билан эътиқодли мусулмонларни саросимага солган эди. Равандий бошлаб берган «уч ёлғончи» (Мусо, Исо, Муҳаммад) ҳийлаларини фош этиш анъанаси ар-Розий асарларида такомил топиб, бу донишманд уч «Иброҳим дини» қаторига зардуштийлик ва монийликни ҳам қўшиб танқид остига олган эди. У Қуръондаги худо ва инсон ҳақида билдирилган турли фикрларнинг мутлақо бир-бирига зид эканлигини очиб ташлаб, рўйи-рост айтган эдики, «Муқаддас» китоблар (яъни, Қуръон, Инжил, Таврот ва бошқалар) бир-бирига боғланмаган ва тутуриқсиз қадим афсоналар тўпламидан иборат ва улар фақат ақлдан озган эркаклар, аёллар ва болаларнинггина ишончини қозониши мумкин.

X асрда «Ихвон-ус-сафо» («Софлик биродарлари») деган умумий ном остида машҳур бўлган бир гуруҳ донишмандларнинг 52 рисоладан иборат қомусида эса ўша даврнинг энг илғор дунёвий билимлари жамланган бўлиб, қадимги Ҳиндистон ва Эрон, Греция ва Рим файласуфлари қўлга киритган ютуқлар умумлаштирилган эди. Ушбу номлари яширин қолган алломалар ўз китобларида дунёнинг маълум бир пайтда йўқликдан бор қилиб яратилганини инкор қилдилар, табиатни ривожланишда кўрдилар, аввал наботот, сўнг ҳайвонот ва охирида инсон пайдо бўлганлигини таъкидладилар. Ўрта асрлар маданий Уйғонишининг асл чўққиси бўлмиш Шарқ перипатетик мактабининг Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ибн Божа, Абу Бакр ибн Туфайл, Абул Валид Муҳаммад ибн Рушд каби атоқли намояндалари ижоди ўз мантиқий қудрати, илмий асосланганлиги, объектив борлиқнинг теран таҳлили билан ажралиб туради. Ушбу ўрта аср илмининг даҳолари диннинг ёлғон тасаввурлар, хаёл ва ташбеҳлар асосига қурилганлиги, борлиқнинг асл ҳақиқатини билишга мутлақо алоқаси йўқлигини чуқур англаб етган эдилар. Табиат қонунларини бузиб бўлмаслигини, турли «мўъжизалар» ва чет «таъсир кучлари»га табиатда ўрин йўқлигини улар пухта исбот қилиб бера олдилар. Алоҳида шахс руҳининг ўлмаслиги ҳақидаги афсоналарни кескин рад этиб, фақат умумбашарий билимларнинг такомиллашиб боруви, алоҳида шахслар қўлга киритган ютуқларнинг умумий жамланмаси сифатидагина инсон ақлининг абадийлигини англаб етдилар. Уларнинг бой фалсафий мероси, аниқ ва табиий фанлар соҳасида эришган жаҳоншумул тажрибалари Испания ва Сицилия орқали Европага ўтиб, янги заминда янада ривож олди, Европа Уйғонишига туртки бериб, Италия, Испания, Франция университетларида то XVII—XVIII асрларгача ўрганилди.



В. И. Ленин номидаги пионерлар ва ўқувчилар саройида Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Сиэтлдан келган ёш меҳмонлар.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

Аммо XI—XII асрлар ҳали Шарқда феодализмнинг ривожланиш, ўсиш босқичи эди. Шу сабабли Форобий ва Ибн Сино ижодида ҳам ўз замонаси ижтимоий тартибларининг салбий таъсири сезилиб қоларди. Улар ҳақиқатни фақат хос кишиларгина, чинакам мантиқий тафаккур эгаларигина англаб етишга қодир деб, дин, агарчи хаёлий афсоналар асосига қурилса ҳам, ижтимоий ҳаётни тартибга солиб туриш учун зарурдир, деб билардилар. Форобийнинг фикрича, жамият ҳақиқий фалсафий ғояларнинг образли ифодаси сифатидаги «эзгуликка етакловчи» динга риоя қилмоғи лозим эди. У ўзининг «Идеал шаҳар аҳолисининг маслаги», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» каби асарларида ўзи тасаввур этган «эзгу» дин асослари ҳақида мулоҳаза юритиб, «Фаришталар деб аташ лозим бўлган нарсаларни қандай таърифлаш керак», «Худо деб эътиқод қилиш лозим бўлган нарса ҳақида» деб сарлавҳалар қўядики, шунинг ўзиданоқ «илоҳий» тушунчаларни олим фақат ахлоқий ва ижтимоий аҳамиятга эга деб эътироф этгани, уларнинг борлиқ моҳиятини англаб етиш учун мутлақо фойдаси йўқлигини тушуниб тургани билиниб қолади. Дарҳақиқат, феодализм даври ҳукмрон доиралари учун дин ғоятда кучли идеологик қурол эди. Уни маърифатчилик ғоялари билан енгиб бўлмас эди. Жамият қурилишининг моддий-иқтисодий асосларини англаб етиш эса XI—XII аср донишмандларига насиб бўлмади.

Шу ўринда яна бир масалани қайд қилиб ўтмоқ лозим. Маълумки, диний идеологиянинг энг маккор хусусиятларидан бири унинг расмий намояндалари бўлмиш «пайғамбарлар» ва «авлиё»ларнинг ўз сўзини кўзга кўринмас «илоҳий қудрат» номидан баён қилишларидир. Масалан, Конфуций доим: «Мен яратаётганим йўқ, балки хабар қилаяпман», деб таъкидлар ва шу билан ўз сўзларини «осмоннинг иродаси» сифатида тақдим қилар эди. Қадим Юнон ва Римда ҳам ушбу анъанага турли «авлиё» ва «башоратгўй»лар томонидан қаттиқ амал қилинарди.

Ислом дини пешволари Қуръоннинг ҳар бир сўзи ва ҳатто ҳарфини олий ҳақиқат, энг сўнгги башорат деб даъво қилганлари учун ундаги бирор шакл ўзгаришига ҳам тоқат қилмас эдилар, объектив воқелик асослари ҳақидаги: «Қандай қилиб?» ва «Нима учун?» деган саволларни эса шайтон васвасаси деб қабул қилар эдилар. Муҳаммадга нисбат берилувчи «энг ёмон нарсалар — янгиликлардир, чунки янгиликлар янги расм-русмлар туғдиради, янги расм-русмлар гумроҳликка, гумроҳлик эса дўзахга олиб боради», деган ақида инсон ақлини буткул асоратга солишга, ундаги энг кичик мустақил тафаккур учқунини ҳам аёвсиз сўндиришга қаратилган эди, хайриятки, ушбу учқунни ўчириш мутаассибларга ҳеч қачон насиб этмади, балки учқун тобора оланга олиб гуруллаб борди.

Биз кўздан кечирган китоб жуда қимматли бўлишига қарамай, ҳали ўз сарлавҳасига кўра қамраб олиши керак бўлган даврни етарлича акс эттирган эмас. IX—XV асрлар Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида араб, форс, туркий тилларда яратилган бой классик адабиёт намуналаридаги, жумладан, Низомий, Жалолиддин Румий, Муслиҳиддин Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Навоий, Жомий каби буюк устодлар ижодидаги ҳур фикр ва ҳатто динга қарши исёнкорлик элементлари, Ибн Халдуннинг социал қарашлари, XIII—XV асрларда ижод этган Маҳмуд Чағминий, Мир Саид Жўржоний, Қозизода Румий, Улуғбек, Али Қушчи, Даввоний ва бошқа мутафаккирлар ижодидаги дунёни материалистик тушуниш тамойиллари ҳанузгача кенг китобхонлар оммасига яхши таниш деб бўлмайди.

Айниқса, ўзбек адабиётини жаҳоншумул даражага олиб чиққан, ўз ижодида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида VIII—XV асрлар мобайнида эришилган барча маданият ютуқларини яхлит марказга жамлаб акс эттира олган ва давр ўртага ташлаган энг долзарб фалсафий ва социал муаммоларга бадиий адабиётнинг образли тили билан мукаммал ва қониқарли жавоб айтган даҳо шоир, буюк мутафаккир Алишер Навоий ижоди бу соҳада янада жиддий эътиборга сазовор эканлигини унутмаслик лозим. Кейинги асрларда демократик адабиётнинг туғилиши, Турди, Машраб, Бедил каби сиймолар меросидаги ҳур фикр ривожи Шарқда феодалистик жамиятнинг инқирозга юз тутиш даврида ҳам илғор дунёқараш эгалари курашни тўхтатмаганликлари, балки дунё ҳақиқатини англаб етишда янги босқичга кўтарилишга урина бошлаганларини исботловчи далиллардандир.

Хуллас, ҳали бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Инсониятнинг неча минглаб йиллар давомида синфий жамиятлар асоратида эзилиб келганлигининг маънавий ҳосиласи бўлмиш диний онг, хурофий тасаввурларга қарши кураш чуқур илмий асосда олиб борилиши, бунинг учун ўтмиш даврларнинг бу йўналишдаги барча ижобий тажрибалари танқидий ўзлаштирилган ҳолда, мафкуравий курашнинг турли босқичлари ўз даври ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари билан мустаҳкам боғлиқликда олиниб, марксистик тафаккурнинг тарихийлик ва партиявийлик принципларига қатъий риоя қилингани ҳолда ёритиб берилиши катта маърифий аҳамиятга эгадир.

Яқинда ўзбек тилида биринчи марта босилиб чиққан «Ислом» маълумотномаси бу соҳада биринчи қалдирғоч бўлди. Унда ислом, христианлик, яҳудийлик ва бир қатор бошқа динлар ҳақида, улардаги «муқаддас» китоблар, пайғамбарлар тўғрисида атеистик нуқтаи назардан зарурий маълумотлар берилган. Аммо китобнинг мавзуи йўналишидан келиб чиқиб, ҳур фикрлилик ва Шарқда ижод этган атоқли ҳур фикр эгалари ҳақида келтирилган ахборотлар анча қисқа бўлиб қолган. Ваҳоланки, ушбу мавзудаги изчил баён тарзида алоҳида тадқиқот ёки батафсил қўлланмага эҳтиёж ҳозирги кунда жуда сезилиб қолаяпти. Албатта, ўн тўрт аср давомида инсонлар онгини заҳарлаб келган ислом дини таъсирини бир зарба билан мусаффо этиш қийин. Бунинг учун сабр-тоқат билан, барча ўтмиш кураш тартибларидан унумли фойдаланган ҳолда кўп йиллар давомида мунтазам ва салмоқли, ҳар тарафлама ва системали кураш олиб бормоқ лозим.

Бу соҳадаги ҳал қилувчи ғалаба эса, КПСС Марказий Комитети Январь пленуми қарорларида таъкидланганидек, жамиятимиздаги «турғунлик ҳолатларини қатъиян бартараф этиш», ижтимоий адолатни тобора такомиллаштириш орқали «меҳнаткаш омманинг жонли ижодкорлиги, унинг жамият турмуши барча масалаларини ҳал этишдаги реал иштироки чинакамига кенг миқёс касб этиши, инсон омили ўзини тўла куч билан намоён қилиши»га зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш билан қўлга киритилади. Бу курашда изчиллик ва фаолликни асло бўшаштирмаслик лозим.

Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати,
Тошкент Олий партия мактабининг
катта ўқитувчиси



Сут соғувчилар оилавий бригадаси: Тожихон ая Шабоева ўз қизлари Ақидахон, Муяссархон, Наргизахон, Умидахон ва Зарифахон даврасида.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ)

ТАҚРИЗ



ЗАРУР ТАДҚИҚОТ

Кейинги йилларда совет этнографияси ва фольклоршунослигида халқ анъанавий маданияти, урф-одатлари ҳамда маросимларини ўрганишга қизиқиш кучайди. Шу маънода Баҳодир Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори»[1] рисоласи ўзбек фольклоршунослигидаги дастлабки уринишлардан биридир.

Мазкур тадқиқотда олим маросимлар фольклори жанрларининг таркиби, поэтик табиати, расм-русумлари ҳамда рамзларини умумтуркий халқлар маданияти билан боғлиқ ҳолда ўрганади. Айниқса, урф-одатлар, турли-туман ибодатлар, эътиқодий тасаввурлар, маросимдаги сўз ва ҳаракатнинг роли каби масалалар китобда қизиқарли фактлар асосида тадқиқ этилади. Аммо бу рисола ўзбек маросим фольклорининг барча аспектларини эмас, балки мавсумий ҳамда сўзнинг сеҳр-жоду қудратига асосланган қисмини, уларнинг таркибини аниқлашни, ҳар бир жанрнинг ёркин типларини ва келиб чиқиш илдизларини текширишни ният қилиб олади.

Ўзбек маросим фольклори жанрлари тадқиқ этилар экан, уларнинг тарихий илдизларини аниқлашга, тараққиёт босқичлари ва ҳар бир босқичнинг муайян диний шакллар билан алоқадорлигига эътибор қилинади. Бу йўл динни, унинг халқ маросимлари ҳамда урф-одатларига кўрсатган манфий таъсирини очишга имкон беради. Маросим фольклори таркибидаги тараққийпарвар анъаналарни кўрсатиш, диний қатламларнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини рўй-рост очиб ташлаш марксистик методология асосида тадқиқ этилган.

Тадқиқот материаллари учун XIX асрнинг охири ва асримизнинг 80-йилларига қадар бўлган тараққиёт даврлари асос қилиб олинади. Шунингдек, ислом динининг зарарли қолдиқларига қарши кураш ҳозиргача қониқарсиз олиб борилаётганлиги, диний маросимларнинг камаймаётганлиги ҳақида фикрлар юритилиб, кўпгина мавсумий маросимлар ўткинчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Тадқиқотнинг вазифаси ҳам ўтмишдаги диний маросимларни тарғиб қилиш эмас, балки уларни ишонарли илмий далиллар асосида бартараф этишга қаратилгандир.

Китобнинг дастлабки «Маросим фольклори» қисмида маросимнинг нисбий барқарорлиги, яшовчанлиги, консерватив табиати ҳақида маълумот берилади, унинг руҳий, эстетик, уюштирувчанлик томонлари очилади. Муаллиф халқ ўртасида кўп ишлатиладиган маросим ва урф-одат деган тушунчаларга ҳам ойдинлик киритиб, бу икки атама бир-бирига боғлиқ ва айни пайтда кескин фарқланувчи тушунчалар эканлигини кўрсатади. Муаллифнинг уқтиришича, «маросим халқ урф-одатларининг маълум қисмини ташкил этади, қолганлари эса, маросимсиз рионя қилинадиган расм-русум, ирим-сирим ва анъаналар ҳисобланади». Шунингдек, маросим билан байрам ҳам бир нарса эмаслиги ишонарли фактларда кўрсатилади. Байрамлар маросимлардан ўсиб чиққан, деган мавжуд фикрни Б. Саримсоқов мисоллар орқали далиллайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай байрам дастлаб маросим сифатида юзага келади, кейинчалик умумхалқ миқёсига кўтарилиб, маросимга хос жиддийлик характерини йўқотади.

Маросимларнинг умумий кўринишлари ҳақида қисқа маълумотдан кейин тадқиқотчи бевосита маросим фольклорини текширишга кўчади. Маросим билан алоқадор фольклор жанрларининг таркибини аниқлаш, илмий тасниф этиш ва бадиий таҳлил қилишни олим ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Мана шу жараёнда ҳар бир жанрнинг генетик асослари ҳақида имкони борича баъзи мулоҳазалар билдириб боради. Маросим фольклори жанрлар таркиби бўйича икки туркумга ажратилади. Шулардан бири мавсумий маросимлар фольклоридир. Бу туркумга қадимги аждодларимизнинг турли йил фаслларига алоқадор эътиқодий қарашлари, аграр меҳнат турлари саналмиш деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ маросимлари киритилади. Бироқ бу мавсумий маросимларнинг ҳамма жанрлари бизгача етиб келмаганлигидан тадқиқотчи «Сует хотин», «Чой момо» маросимларигагина кенгроқ тўхталади. Аммо баҳор, ёз, куз ва қиш фасларига доир мавсумий маросимларнинг қолдиқ ҳолида етиб келган материаллари хусусида ҳам баъзи эътиборли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланади.

Рисолада мавсум маросимлари ҳақида яратилган фольклор материаллари XIX асрнинг биринчи чоракларигача актив ҳаракатда бўлганлиги назарда тутилади. Бироқ Октябрь инқилобидан кейин бу манзара ўзгаради. 30-йилларга келиб, мавсумий маросимларнинг ўтказилиши кескин камайган. Бунинг объектив сабабларини ўрганган муаллиф мавсум маросимлари намойишини ҳақли равишда совет кишиларининг турмушидаги ўзгаришлар, фан, илм-техника тараққиёти билан боғлаб кўрсатади. Чиндан ҳам Октябрнинг шарофати деҳқон ва чорвадор онгини ўзгартирди, уларнинг турмушини фан-техника ютуқлари билан бойитди. У энди ёмғир ёки қор кутиб, ёзда эса шамол ҳомийси «Чой момо»га мурожаат қилмайди. Чунки табиат қонуниятларини яхши англаган инсон энди қандайдир руҳларга сажда қилишдан кўра, унга қарши фан-техника қуроллари воситасида курашишга ўтди. Энди мавсумий маросимлар ва уларда ижро этиладиган қўшиқлар, ўқиладиган дуо, афсунларга эҳтиёж қолмади. Бу маросимлар ўлишга, унутилишга маҳкум. Шундай қилиб, ҳозир «Сует хотин», «Чой момо» каби мавсумий маросим қўшиқларининг баъзи текстлари фақат кекса кишиларнинг хотираларидагина сақланиб қолган.

Маросим фольклорининг иккинчи катта туркуми оилавий-маиший маросимлардир. Бу туркумга мансуб жанрлар китобда ҳаётий функцияларга кўра тўрт қисмга: инсоннинг туғилиши ва чақалоқлик даври; сўзнинг сеҳри-жоду қудратига асосланувчи; тўй маросимлари ва мотам маросимлари фольклорига бўлиб ўрганилган. Аммо бунда ҳам оилавий-маиший маросим фольклорининг барча жиҳатларини текшириш вазифа қилиб олинмайди. Уларнинг ҳар бири устида махсус тадқиқотлар ёзишга арзигулик кенг материаллар бор. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, тадқиқотчи мазкур ўринда оилавий-маиший маросимлардан фақат сўз афсунгарлигига асосланувчи маросимлар фольклорига мансуб «бадик» ва «кинна» жанрларигагина махсус тўхталади. Бу икки жанрнинг вужудга келиши, жонли яшашини таъминлаган омиллар устида узоқ вақт тадқиқот олиб борган олим инсонларнинг сўзнинг сеҳр-жоду қудратига ишониши ва ишонтиришини асосий шарт қилиб қўяди: «Мана шу икки омил туфайли «бадик», «кинна» жанрлари яқинга қадар яшаб келган ва кекса авлодга мансуб кишилар ўртасида ҳали ҳам ора-сира учраб туради».

Тадқиқотчи вужудга кириб олган ҳар хил ёмон руҳлар натижасида инсон танасига тошадиган яра-чақалар ва ҳар хил тошмаларни «бадик» айтиш йўли билан қувиш, суқланиш натижасида инсонга ёпишган ёмон назарларни кинна йўли билан чиқариб ташлаш каби маросимлар асосан ўтмишга хос эканлигини изчил тадқиқ қилади. Шу билан бирга отадан болага мерос тариқасида қолиб келаётган бадик айтиш ва кинначилик маросимлари бизнинг замонимизда ҳам гоҳо учраб қолишини аниқ мисолларда кўрсатади. Аммо ҳозирги шароитда табобат фанининг ривожи, кишилар ўртасида илмий материалистик ва атеистик дунёқарашнинг кенг қулоч ёйиши мазкур жанрларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини йўққа чиқарди. Шундан хулоса қилиб, олим ушбу жанрлар унутилиш босқичини бошидан кечираётганлигини уқтиради ва маросим фольклорининг бу икки тури жонли яшаш ва тарихий тақдири жиҳатидан жамият тараққиётининг қолоқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тартибларига хос эканлигини тўғри пайқайди. Чиндан ҳам тўртта ижтимоий-иқтисодий формация мавсумий маросимларнинг функционал даражасининг ибтидоси ва тараққиётига йўл очган. Социалистик тузум эса, бу маросимларнинг аксарияти асосида ётувчи пуч ижтимоий илдизларни фош қилиб берди. Янги жамият инсоннинг жонли ҳамда жонсиз табиат билан онгли муносабатда бўлиши орқали ана шу маросимларнинг илғор анъаналарини ривожлантирган ҳолда қолган барча зарарли жиҳатларини инкор этди. Бироқ тадқиқотда уқтирилганидек, социалистик жамият ҳам маросимсиз яшай олмайди, у илғор анъаналарга таянган ҳолда ўзининг янги маросим ва урф-одатларини яратаверади.

Рисолада қайд қилинган маросим фольклори жанрларига назар ташланса, уларнинг инсоният келажаги учун аҳамияти йўқ эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шунга қарамай, уларни тўплаш, марксча-ленинча методология асосида тадқиқ этиш узоқ аждодларимизнинг дунёқарашини, табиат ва инсонга бўлган муносабатини ўрганиш жиҳатидан қадрлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Баҳодир Саримсоқовнинг ушбу китобида ўзбек маросим фольклори бўйича ғоят қимматли қайдлар, илмий кузатишлар, умумлашмалар, қизиқарли мулоҳазалар кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Унда ўзбек маросимларининг кўпгина томонлари фольклор қонуниятлари асосида атрофлича таҳлил этилган. Бу асар билан чуқур танишиш фақат ўзбек маросим фольклори учунгина эмас, умумсовет маросим фольклорининг специфик хусусиятларини кенгроқ ўрганишга ёрдам беради. Унинг ўзбек маросим фольклоридаги жанрларининг таснифи, мавсумий маросим фольклори, сўзнинг афсунгарлик қудратига асосланган бобларида маълум даражада ўзбек маросим фольклори жанрларининг поэтикаси ҳам ўрганилган. Мана шу жиҳатларини кўзда тутиб, бу рисолани, олимнинг ўзбек совет фольклоршунослигига қўшган катта ҳиссаси, деб баҳолаш мумкин.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари кандидати

[1] Б. Саримсоқов. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, ЎзССР «Фан» нашриёти, 1986 йил.

„ГУЛИСТОН ГАЛЕРЕЯСИ

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ — ИЖОД МЕЗОНИ

РАССОМ Зокир Иноғомовнинг ижоди ҳақида сўз очилганда, беихтиёр, кенг ўтлоқ яйловлар, экинзор далалар, ажиб манзарали тоғ ёнбағирлари, деҳқончилик ва чорвачиликда мўъжизалар яратаётган турли-туман характердаги кишилар кўз олдимизга келади. Рассомнинг шахсий кўргазмаларини кузатган томошабин ижодкорнинг она-заминга бўлган меҳр-муҳаббатини, кишиларга нисбатан самимиятини ҳис этиб туради. Ўзбек ҳовлисининг орасталиги ва файзи-шукуҳи, новвой, ошпаз, сартарош сингари оддий касб эгаларининг беминнат меҳнатлари бу рассом асарларида ғоят табиий ва эсда қоладиган тарзда ўз ифодасини топган. Зеро, ўзбек совет тасвирий санъатидаги маиший жанр тараққиётида Зокир Иноғомовнинг ўзига хос алоҳида ўрни бор.

Рассом ўзининг «Нонуштага марҳамат!», «Ошпаз», «Сартарош дала шийпонида», «Новвой», «Далада нонушта», «Керосинчи», «Кабобпаз», «Зуҳра Комилова портрети» каби асарлари билан эллигинчи-олтмишинчи йиллардаёқ тасирий санъат мухлисларининг эътиборини қозонди. Ижодкорнинг ана шу тоифадаги асарларига хос умумий фазилат шундаки, турли-туман характерга эга бўлган кишилар образи, уларнинг бегараз ва дўлворлиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги бир қарашдаёқ томошабинлар дилида қандайдир илиқлик уйғотади. Мусаввирнинг жуда оддий, кўзга унча ташланмайдиган касб эгалари ҳаётидан мавзу топиб, асар яратиши гоҳо ўз ҳамкасбларини ҳам хурсанд қилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Зокир Иноғомов Тошкент шаҳри яқинида, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда — Авайхон қишлоғида туғилиб ўсди. Ижодий мавзуларининг колхоз ҳаётига, деҳқонлар ва чорвадорлар меҳнати тасвирига, қишлоқ кишиларининг кундалик турмушини акс эттиришга бўлган майли ҳам рассом иқтидорида ёшликдан шаклланган бўлса, ажаб эмас. Зокир аканинг отаси қишлоқнинг машҳур иморатсоз усталаридан бири эди. Онаси эса, чевар каштачи эди. Ана шундай муҳитда гўзалликка меҳр, санъатга иштиёқ бўлажак рассом қалбида жуда ёшликдан ниш урди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда ҳар гал расм дарсларини сабрсизлик билан кутардим, — дейди рассом ўзининг болалиги, ўсмирлиги ҳақида сўз очиб. — Менинг расм чизишга қизиқишим ўқитувчиларимнинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Биринчи ўзбек рассомларидан бўлган Акром Тошкентбоев мактабимиздаги расм тўгарагига раҳбарлик қиларди. У мен билан қўшимча машғулотлар ҳам олиб борарди. Кейинроқ унинг маслаҳати билан Тошкентдаги Бадиий билим юртига кирдим. Билим юртида менга машҳур рассом Баҳром Ҳамдамий устозлик қилди. Баҳром ака рассомликдан ташқари ажойиб педагог-мураббий ҳам эди. У ўзининг ишчанлиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўларди. Мен, гапнинг очиғи, колхоз ҳаётидан мавзу топиб ишлашни ўша кишидан ўрганганман. Баҳром аканинг маслаҳати билан тинимсиз машқ қилишга киришдим ва аста-секин ижодимда ўзгариш сеза бошладим...

Шу тариқа тинимсиз ишлаш, ўқиш-ўрганиш туфайли Зокир

МИЛЛИОНЛАРДАН БИРИ



Фарғона педагогика билим юртининг йўлланмаси билан «Далварзин» совхозига келган бу йигит зудлик билан мактаб ишларига киришиб кетди. Нияти — ўқувчиларни қилни қирқ ёрадиган билимдонлар қилиб етиштириш. Юпун ўтган болалиги сабабми, ёш замондошларининг қисқа муддатларда ҳаётнинг барча паст-баландларини илғаб олишини, турмуш машаққатларини зукколик билан енгиб ўтишини, она Ватанга содиқ ворислар бўлиб камол топишини хоҳларди. У шундай орзу-истаклар билан ишга киришган эди. Бу туйғу уни ҳарбий хизматга чақирилганида, сўнг олис Брест қалъасида эгнига аскарлик жомасини кийганида ҳам дилига таскин берарди. Ҳарбий хизматдан қайтаману фаолиятимни яна қадрдон мактабимда давом эттираман, деган қатъий қарор билан хизматга отланган эди. Ўзбекистондан чақирилган тенгдошлар ҳамжиҳат бўлиб, ҳарбий санъатни иштиёқ билан ўрганишга киришди. Улар ҳаяжон билан ва айни пайтда ғурурланиб ҳарбий қасамёд қабул қилдилар.

Ватанимизнинг ғарбий сарҳадлари 1939 йилнинг кузида бири-биридан файзли кунларга гувоҳ эди.

Маҳаммаджон кундалик машғулотлардан қаноат ҳосил қилиб, олис Бешариқдаги қадрдонларига мактублар йўллар, тунлари орзу-умидлар оғушида хаёл сурар, тушларида бот-бот келажак сари сафар қилар эди. Тонгда бўлинма командирларининг хушчақчақ буйруқлари остида яна машғулотларга сафланарди. У педагог бўлгани учунми, ҳар ҳолда, хизматдошлари орасида дарҳол ташаббусни қўлга олар, машғулот топшириқларини ўзлаштира олмаётганларга кўмак беришга ошиқар эди.

Зийрак командирлар нигоҳидан бу хислат яширин қолмади. Маҳаммаджон кичик командирлар тайёрлайдиган полк мактабига қабул қилинди. Кўп ўтмай, қадимий Брест қалъасига жойлашган Қизил Байроқли Орлов ўқчи дивизияси 125-ўқчи полкининг бўлинмаларидан бирида ўзбек йигитининг даъваткор овози жаранглай бошлади.

У полк мактабида ҳарбий интизом, устав, қасамёд, бурч сўзлари моҳиятида Ватан, ота-она, элу юрт тақдири ётганлигини қалбдан ҳис этди. Бу пайтда Европада фашизм олиб бораётган қонли уруш тобора кучаяр, Ватанимиз чегараларида ўн карра ҳушёрлик ҳукм сурар эди.



1941 йил, 21 июнь, шанба. Бу ёз оқшомини Маҳаммаджон Абдувалиев ҳамон кечаги кундек эслайди. Қисм аскарлари кундалик машғулотлардан сўнг ором оғушида эди. Уларнинг айримлари ҳалигина кўҳна Брест кўчаларини айланиб қайтишган. Эртага дўстларига айтиб беришни дилларига тугиб қўйган таассуротларининг таҳи бузилмаган. Улар Буг дарёси соҳилларида портлаган снарядларнинг даҳшатли чинқиригидан ҳушлари учиб, сафга қалққанларида 22 июнь, тонгги соат 4 эди. Олчоқ душманнинг қўққисдан қилган ҳужуми ҳаммани баббаробар шошириб қўйди.


125-ўқчи полкнинг 2-батальони Брест қалъасини мудофаа қилишга киришди. Батальон командири, капитан Владимир Шабловский сержант Маҳаммаджон Абдувалиевни ҳузурига чақириб, зудлик билан қалъа яқинида — Жабинка станциясида жойлашган ҳарбий омбордаги зарур аслаҳа, ўқ-дориларни имкони борича яқин атрофда мудофаада турган қисмларга етказиб, омборни портлатишга буйруқ берди.

Кучлар тенг эмас эди. Душман мардона совет халқини маккорлик билан таслим қилиш йўлини танлаганлиги аён бўлди. Батальон командирининг кутилмаган бу топшириғи ўша вазиятда муҳим тадбир эди. Маҳаммаджон Абдувалиев оддий жангчи Маҳмудали Жўраев, мотоциклчи Иван Бондаренко, Юрий Смирнов билан бу операцияни ниҳоясига етказди. Омбордан кетма-кет жўнатилган 16 машина ўқ-дори Кобрин шаҳарчасини мудофаа қилаётган жангчи-

Чуст Бадиий махсулотлар фабрикасининг касаначи чеварлари Робияхон Назмиддинова, Обидахон Тошхўжаева, Рисликбиби Абдужабборова, Кумринисо Рахимова.

— ОВУНЧОҒИМ, ОППОҒИМ, АЛЛАЮ АЛЛА...

А. Жданов фотолари



АСАЛАРИЧИЛАР
(триптихнинг марказий қисми).



ШАҲАР ЧЕККАСИДА.



ИНОҒОМОВ ўз ижодхонасида.
В. Мосин фотоси

ЎзССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ ЗОКИР ИНОҒОМОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

УЧРАШУВ.



АСАЛЧИ БУВА (триптихнинг ўнг қисми).



ЧЎПОН ОНАСИ.






Орол денгизи узра тонг... Бу тонг абадий бўлмоғи керак. Қуриб бораётган Оролни сақлаб қолиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоғимиз зарур.



ҲАЙДАРКЎЛ БЎЙЛАРИДА.



ВИЖДОНДАЙ УЙҒОҚ...



ХАЕЛ ОҒУШИДА (Туркистон ёввойи мушуги).

ТАБИАТ—ИНСОН ҲИМОЯСИДА

Соҳилдан туриб боқсанг, бу кўлларнинг поёни йўқдай...

В. Моисеев фотолари



Иноғомов одамларни, кўринишларни синчиклаб кузатиш, кузатганларини қоғозга тушириш сирларини ўргана борди. У ўша пайтлардаёқ маиший мавзуларда мўйқалам тебратишга, кундалик ҳаёт кўринишларини тасвирлашга кўпроқ қизиқарди.

Билим юртида таълим олган йиллари ёш рассом устозлари Оганес Татевосяндан композиция тузишни, ранг танлаш сирларини, Николай Қорахондан эса, образларнинг ички дунёсини ифодалай билиш сирларини ўрганди. Билим юртини тугатганидан сўнг у ижодий ишга қаттиқ берилиш билан бирга назарий билимини яна ҳам ошириш ниятида эди. Аммо 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилди. Хизмат муддатини адо этиб қайтиши арафасида Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Ёш рассом уруш охирлагунга қадар Узоқ Шарқда хизмат қилди. 1945 йили «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланди.

Уша йили кеч кузда она диёрига қайтиб келган Зокир Иноғомов қайтадан ўқиш-ўрганишга, мустақил ишлашга, ўзига таниш кишилар образини яратишга киришди. Кўплаб портретлар, манзара этюдлари чизиш, яъни муттасил машқлар натижасида 1948 йили «Колхоз раиси» асари яратилди. Бунда ижодкор урушдан ғалаба билан қайтган йигитнинг камбағаллашиб қолган хўжаликни қайта тиклашдек эзгу ишга бел боғлаганини ифодалаб бера олди.

Рассом тинимсиз меҳнат билан, ижодий изланиш билан банд бўлди. Бу орада у Ленинграддаги машҳур Эрмитаж залларини, Москвадаги Третьяков галереясию А. С. Пушкин музейини эринмай томоша қилиб қайтди. Бу сафарлар Зокир Иноғомовга олам-олам қувончу ҳаяжон, хилма-хил мавзулар туҳфа этгандек бўлди. Ҳа, улуғ рус рассомлари асарларини, жаҳон классик санъаткорлари дурдоналарини томоша қилиш унинг учун бениз кетмади. 1954 йили қуёшли республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига уюштирилган кўргазмада у ўзининг «Ошпаз», «Пичан ўрими» асарлари билан иштирок этди. Бу асарларнинг томошабинлар томонидан яхши кутиб олиниши рассомни яна ҳам илҳом билан, ғайрат билан ишлашга ундади. Ана шундай рағбату ғайратлар маҳсули сифатида эллигинчи, олтмишинчи йилларда рассомнинг «Оналик», «Она», «Чўпон аёли», «Кампир ва невара», «Сартарош дала шийпонида», «Кабобпаз», «Новвой», «Ўзбек ҳовлиси», «Ҳовлида» сингари ўнлаб асарлари кўплаб томошабинлар ва санъатшунослар эътиборини ўзига тортди.

Рассом ижодида дунёдаги барча халқлар орзу-нияти бўлган тинчлик мавзуси ҳам муҳим ўрин тутади. Ижодкорнинг аксарият асарларига хос бўлган осойишталик ва фаровонлик руҳини алоҳида таъкидлаган ҳолда тинчлик мазуида ҳам асарлар яратганини эслатиб ўтиш жоиздир. Бу мавзуда Зокир Иноғомов «Тинчлик бўлсин уйингда мудом», «Ғалаба кунига» номли полотнолар яратган. Шунингдек, рассом ижодида манзара жанри, натюрмортлар ҳам анча-мунча ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомовнинг ёши етмишни қоралаб қолди. Ижодкор шу кунларда Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллик юбилейига атаб бир қатор полотнолар яратиш устида меҳнат қилмоқда. Унинг ана шундай янги асарларидан бири «Чўпон онаси» асаридир. Рассомнинг асалариичилар ҳаётига бағишланган туркум (уч қисмдан иборат) асарлари ҳам ижодкорнинг долзарб даврмиз билан баравар қадам ташлаётганини билдиради.

Маиший жанрнинг энг яхши фазилатларидан бири шундаки, санъат тили билан ҳикоя қилинган, мўйқаламда муҳрланган халқ урф-одатлари, маълум даврга хос бўлган анъаналар узоқ сақланиб қолади. Ҳатто улар вақт ўтиши билан экзотикага айланиши мумкин. Аммо санъат асарлари уларнинг халқ ёдида сақланиб қолишига ёрдам беради. Зокир Иноғомовнинг «Керосинчи» асарини бу фикримизга далил қилиб келтиришимиз мумкин. Бундан йигирма-ўттиз йиллар муқаддам республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида керосиндан ёнилғи сифатида фойдаланиш, ҳатто, зарур бўлганда, керосин чироқлар билан уйларни ёритиш анъана эди. Ҳозир эса, бу ёнилғидан бу тарзда фойдаланиш барҳам топиб кетди. Аммо ўша кунлар рассомнинг «Керосинчи» асарида ўзига хос экзотика сифатида сақланиб қолди.

Бир донишмандан: «Юксак чўққиларнинг қудрати нимада?» деб сўрабдилар. Донишманд бу саволга жавобан: «Юксак чўққиларнинг қудрати уларни тутиб турган ёндош чўққиларда», деб жавоб берибди. Рассом Зокир Иноғомовнинг асарларини кўздан кечириб, мулоҳаза юргизар эканман, унинг ижодини юксак чўққиларга куч-қудрат бериб турган ёндош чўққига қиёслагим келди. Ана шу ёндош чўққилар ҳам ҳамиша бор бўлсин. Зеро, ёндош чўққилар бўлмаса, юксак чўққилар ҳам бўлмайди.

Оқилжон ҲУСАНОВ

ларга ўз вақтида етказиб берилди. Таъминотчилар қалъадаги сафдошларига қайтиб қўшила олмадилар.

— Кобрин, Пинск, Рославль шаҳарларидан жанг билан чекинаётган қўшинларимиз Смоленск остонасида душман ҳамласини бир қадар қайтариб ташлади, — деб эслайди Маҳаммаджон Абдувалиев ўша таҳликали жанг суронлари ҳақида ҳикоя қилиб. — Москва остоналарида қўшинларимиз қайта сафланди. Қисқа муддатли ҳордиқдан сўнг, 7 ноябрда Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган ҳарбий парадда иштирок этдик. Параддан сўнг биз 8-гвардиячи Панфилов дивизияси сафида душманга қарши жангга отландик. Душман бало-қазодай Москва сари ҳамла қилишда давом этар эди. Аммо улар Москва матонатли совет халқининг юраги, орзу-умидларининг мустаҳкам қалъаси эканлигини билишмасди. Жангчиларимиз: «Ватан учун», «Москва учун», деб жангга кирардилар.

Ана шундай жангларнинг бирида Маҳаммаджон Абдувалиев оғир яраланди. У Куйбишев областининг Чапаевск шаҳарчасидаги госпиталда даволаниб қайтганда, алангали фронт чизиғи Москва остонасидан анча чекинган эди.

1942 йилнинг март ойида Сталинград фронтида ҳаракат қилаётган 65-армия, 4-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 11-ўқчи полкидаги разведкачилар взводига командир этиб тайинланган Маҳаммаджон, — жанг кўрган эмасми, — урушда разведкачиларнинг вазифаси нималардан иборат эканлигини яхши билар эди. Разведвзвод қўлга киритган маълумотлар ҳамиша муҳим ва жангда ҳал қилувчи роль ўйнар, взвод командирининг тадбиркорлиги бошқаларда ишонч уйғотар эди. 1943 йилда алангали жанггоҳлардан бирида зийрак разведкачига юксак ишонч билдирилди: у коммунистлар партияси сафига қабул қилинди.

Маҳаммаджон Абдувалиевнинг кейинги жанговар йўллари Днепр, Ровно, Львов, Киев, Прага, Берлин билан туташди. Улуғ Ғалаба йўлида фидокорлик кўрсатган миллионлардан бири М. Абдувалиевнинг фронтда кечган ҳаётидан кўплаб лавҳаларни баён этиш, унинг жанговар дўстлари ҳақида ҳикоя қилиш мумкин.

Брест қалъаси мудофааси музейида кўплаб халоскорлар қаторида унинг ҳам жанговар фаолияти ҳақида тарихий ҳужжатлар сақланади. Айни пайтда М. Абдувалиев мазкур музейнинг фахрий ходими сифатида қалъа ҳимоячилари ва халоскорлари ҳақидаги ҳужжатларни қидириб топиш ишлари билан ҳам шуғулланади.

Мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари студентлари орасида, республикамиз меҳнаткашлари даврасида тез-тез бўлиб, келажак авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшмоқда.

Миқти гавдали, зуваласи пишиқ, сочларига аллақачон йиллар гарди иниб улгурган Маҳаммаджон ака билан суҳбатлашиб ўтириб зимдан кузатаман: умрининг 69-баҳорида ҳамон болалардай содда, ҳаракатчан, самимий ва барча студентларга хос қизиқувчан...

Навбатдаги учрашувимиз редакция биносида бўлди. У киши хонага одатдагидай хушчақчақлик билан кириб келди ва ҳозиргина қишки семестр имтиҳонларини муваффақиятли топшириб келаётганлигидан хурсандлигини айтиб, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг баҳолаш дафтарчасини кўрсатди. Маърифатга ташна бу нуроний отахон дорилфунуннинг журналистика факультети сиртқи бўлимида таҳсил олаяпти.

— Келажакдаги ишларингизни қандай режалаштиргансиз? — сўрайман ундан.

— Ўғил-қизларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиламан, — деди у.

Шу дам унинг машъум уруш сабабли ушалмай қолган орзу-умидлари сари интилаётганлигини, ана шу интилиш унга куч-қувват, завқ-шавқ бағишлаётганини ҳис этдим. Суҳбатдан сўнг уни ташқарига кузатиб чиқдим. Ана, бир неча одимдан сўнг у одамлар дарёсига қўшилиб, миллионлардан бирига айланиб кетди.

Ў. ХАЙРУЛЛАЕВ

ХАР ТУГРИДА БИР ШИНГИЛ

Беш миллиард...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисоб-китобига кўра, шу йилнинг 11 июлида Ер куррасининг аҳолиси беш миллиард кишига етади. БМТнинг аҳоли проблемаси бўйича Фонд директори Рафаэл Салас ушбу кунни бутун дунё бўйича «Беш миллиардинчи киши куни» сифатида нишонлашни таклиф қилди. Дарҳақиқат, сўнгги 13 йил мобайнида сайёрамиз аҳолиси бир миллиард кишига ортди ва асрнинг охирига қадар яна бир миллиард кишига кўпаяди.

47 минг йилги қурол

Австралия матбуотининг шарҳларига кўра, Сидней шаҳри атрофида археологлар ана шундай қимматли топилмаларни қўлга киритдилар. Мазкур топилмалар дарё бўйидаги тош қавзадан чағиртош кавлаб олинаётганда топилди. Илмий таҳлилларга кўра, бу қуролларнинг ясалганига тахминан 47 минг йил бўлган.

Ҳамроқул РИЗО

Олтинсоч

КИЧИК ДОСТОН

1

Жуда қадим замонда
Пайдо бўлмиш Иссиққўл.
Кўркига юлдузларни
Шайдо қилмиш Иссиққўл.
Уни қуршаб олибди
Барқут мисоли кўклам.
Юзлаб тиниқ чашмалар
Кўлга оқмишдир илдам.
Шу кўлдан бошқа ёққа
Оқмоқ учун йўл йўқдир.
Шу кўлга оққанидан
Чашмалар кўнгли тўқдир...
Ана шу кўл бўйига
Ҳоким эди шоҳ Султон.
Етти иқлимга номи
Бўлган эди зўр достон.
Санамоқ мумкин эди
Кўкдаги юлдузларни.
Лекин санаб бўлмасди
Унда қўй-қўзиларни.
Қўтонни қўриқларди
Тиши тиғдай сиртлонлар.
Хизматида юрарди



Юзлаб толмас чўпонлар.
Собир отли чўпондан
Султон кўнгли тўқ эди.
Назарида оламда
Бундай чўпон йўқ эди.
Баъзан чақириб уни
Дилдан айтарди: «Балли!»
Шу сўз Собир қалбига
Берарди зўр тасалли.
Тўлдирарди халтасин
Тонгда қурут, патирга,
Сўнг булутдай сурувни
Ҳайдар эди адирга.
Кунлардан бир кун Султон
Йиғди барча чўпонни.
Олқиш айтиб Собирга
Кийгизди бир чакмонни.
«Бундан ибрат олинглар», —
Деди ардоқлаб уни.

Собир ёқиб қолганди
Олтинсочга шу куни.
Олтинсоч — султон қизи,
Мисли юлдуздай эди,
Тиниқ сувда порлаган
Барқут қундуздай эди.
Таъзим айлаб чечаклар
Олтинсочни суярди.
Босган остонасига
Баҳор бошин қўярди.
Онасининг қучоғи
Довулдан тўсган эди,
У Иссиққўл бўйида
Лоладай ўсган эди.
Кўзлар кўзга тушди-ю,
Икки тан ловуллади.
Икки дилда ўша чоқ
Ишқ сели шовуллади.
Гўё Собир қалбидан
Таралиб хушбўй ифор,
Олтинсоч юрагига
Кириб келганди баҳор.
Бу баҳор эмас, асли
Севги оташи эди.
Икки қалбни иситган
Умид қуёши эди.

2

Энди улар бир-бирин
Ўйламасдан яшолмас.
Дил қувончи — севгини
Сўйламасдан яшолмас.
Энди отган тонглардан
Тотли умид кутади.
Ҳайрат ва ҳаяжонга
Тўлиб кунлар ўтади...
Куйлар эди дарада
Собир ёзганча қулоқ,
Шу чоқ келди олдига
Султон қизи Олтинсоч.
Гар қарасанг, нигоҳи
Дилга ўт солар, ажаб.
Кўрганлар ёқа ушлаб,
Ҳайратда қолар, ажаб...
Пастда Иссиққўл суви
Орзуга йўл очарди,
Мовий бешик — тўлқинлар
Севгига қўл очарди.
Ногаҳоний бир оташ
Еритди Собир қалбин.
Уялдими, билмайди
Вир бор қимтиди лабин.
Бир дам айланди боши
Тегирмоннинг тошидай.
Қаршисида турар қиз
Саратон қуёшидай...
«Сенсиз яшай олмаслик
Ҳам қарору ҳам сўзим», —
Дея келган томонга
Қайтиб кетди қиз шу зум.
Олтинсочнинг ортидан
Термулиб қолди Собир.



Кийикдай қизни ўйлаб
Хаёлга толди Собир.
Бахтли эди Собирни
Кўрганидан Олтинсоч:
Бир нафасга олдида
Турганидан Олтинсоч.
Шу боисми, дилида
Нафис ҳислар мавжланди.
Муҳаббатнинг торлари
Тонгги нурдай авжланди.
Қирда сайради тўрғай:
«Йигит ошиқ, биламан!»
Хаёлга толди Собир:
«Энди нима қиламан.
У — шоҳаншоҳнинг қизи,
Мен-чи, ғариб бир чўпон.
Шоҳ иши шоҳлар билан,
Сенга қиз бермас, инон!
Яхшиси тинч юравер,
Тутганча таёғингни.
Ошиқлигинг билса шоҳ.
Синдирар оёғингни».
Кейин англади Собир
Севги бахтдир оламда,
Севгисига етмаса
Бир умр куяр ғамда.

3

Парвоз айлаган қушдай
Енгил сезиб ўзини:
Собир қўтонга келди
Ҳайдаб қўю кўзини.
Еқимли оқшом чўкди
Қадим тоғлар бошига.
Юлдузлар кўчиб келди
Шу тун Собир қошига.
Уйқуга чўмай дея
Уранди чакмонига.
Лек уйқу йўқ, Олтинсоч
Кирган дили-жонига.
Субҳи содиқ маҳали
Кўзи илинган бўлди.
Бир туш кўрди тушида
Ери ялинган бўлди:
«Севги — ўтли қўшиғим,
Севги — тотли ҳаётим.
Севиб қолдим мен сени,
Бўлгин менинг қанотим...»
Чўчиб уйғонган Собир
Атрофга боқди сархуш.
Енида қўй-қўзиси —
Етар қайтариб кавш.

* * *

Ҳой, Олтинсоч, куйдирмай,
Ҳузурига келсанг-чи.
Дилда севги олови
Енганлигин билсанг-чи.
Шафқат айла ошиққа,
Бағринг тош бўлмасин, қиз.
Кейинги пушаймондан
Кўзинг ёш бўлмасин, қиз.

4

Олатов нарёгида
Турсун подшо яшарди.
Ўғли Қилич ёшликнинг
Ғайратидан тошарди.
Отасига Қиличвой
Эрка, арзанда эди.
Қирқ нафар канизак қиз
Қўлида банда эди.
Ширин сўз ва ардоқлар
Унга камолот эди.
Кузнинг совуқ шамоли
Азоб, маломат эди.
Турсун: «Ўлсам
подшолик —
Унга мерос», — дер эди.
Шу боисдан доимо
Ўғил ғамин ер эди.
Бир кун меҳмон бўлганда
Кўрди Султон қизини.
«Қуда бўлайлик», — деди,
Шоҳдан узмай кўзини.
Ахир, дарё бирлашса,
Пайдо бўлгуси уммон.
Турсун совчи юборди,
Иссиққўл — Султон томон.
Муддаони айтишди
Совчилар келган замон.
Қуда-анда бўлишга
Розилик берди Султон.
Бу ҳолни Олтинсочга
Аста айтди онаси.
Шунда ғазабдан қизнинг
Ениб кетди танаси.
Кўз олди хиралашиб
Олтинсоч нола қилди.
Отага ушбу сўзни
Шу чоқ ҳавола қилди:
«Мен Собирни севаман,
Усиз қоронғу дунё.
Фақат Собир қалбимга
Соча олгуси зиё».
Шу он қамчини босди
Султон жаҳл отига:
«Қарши бормагин, қизим,
Боболар одатига.
Файзли, қутли хонага
Қиз бериш — ота иши.
Ер бўлсанг гар Қиличга
Қутлар сени бахт қуши.
Собир — камбағал чўпон
Судраб юрсин таёғин.
Сени эмас, ўйласин
Қўйларининг туёғин...»
Кейин Султон эшитди
Ушбу гапларни қиздан:
«Собирга бермасангиз
Рози эмасман сиздан».
Аммо ота қиз сўзин
Инобатга олмади.
«Шанба куни тўй», — деди,
Уз аҳдидан қолмади:
«Шанбада бошланган тўй
Қирқ кун давом этади,
Қирқ кун ўтгач Қиличвой
Қизни олиб кетади», —
Деди Султон атрофда



Боққан меҳмон, мезбонга.
Олтинсоч қочиб тунда
Кетди дара томонга.
Шу кун дунёни қора
Булут қоплади чунон,
Собирни излаганча
Чопди гўзал ҳар томон.
Қора тунга айланди
Иссиққўлнинг бўйлари.
Тўрт томонга маъраши,
Чопди Собир қўйлари.
Шу куни мусибатга
Тўлган эди бу дунё.
Шундай кунда Олтинсоч
Излагандай бир зиё,
Интиларди тоғ томон
Топай деб Собирини.
Ҳеч кимга айтолмасдан
Тушининг таъбирини.
Ана, кўрди Собирни
Турар қоя ёнида.
Олтинсочнинг севгиси
Жўш урганча қонида.
Собирнинг қўлларидан
Қиз оҳиста ушлади.
Кейин чўққи бошига
Чиқмоққа йўл бошлади.
«Эй, Собир аҳдим шундай,
Бирга яшамасак биз,
Чўққидан Иссиққўлга
Ўзимизни ташлаймиз.
Куйлайди ишқимизни
Бешик-бешик тўлқинлар.
Танамиз балиқ бўлиб
Сувда сочар ёлқинлар!»
Олтинсоч сўзларига
Розилик берди Собир.
Пастда Иссиққўл жўшиб,
Кўтарар эди ғовур.
Икки ошиқ чўққида
Қучганча бир-бирини
Иссиққўл қучоғига
Топширди тақдирини...
Гўё тинчиди дунё,
Гўё чақнади қуёш.
Тўлқинларга қўшилиб
Сузиб кетди икки ёш.
Кўл сувининг шўрлиги,
Олтинсоч кўз ёшидан.
Иссиқлиги — Собирнинг —
Юраги — оташидан.



Иссиққўл бўйларида
Мен ҳам хаёлга толдим.
Икки ёш муҳаббатин
Куйлаб, назмга солдим.
Улар кўлнинг тубида
Балиқ бўлиб юрармиш.
Биз кўрмасмиз уларни,
Улар бизни кўрармиш.
Ишққа бепарволардан
Улар норози эмиш.
Тўлқинларнинг оҳанги
Ишқнинг овози эмиш.

Гулистон

ДЎМБИРА КУЙЛАРИ



Қодир бахши Раҳимов (1937—1986) халқимиз асрлар мобайнида яратган бой маънавий меросни — анъанавий достонлар, термалар, қўшиқлар, афсоналар ва мақолларни бизгача сақлаб олиб қолган, уларни сайқаллаштирган бадиҳагўй бахши, истеъдодли созанда, моҳир ижрочи ва гўзал замонамиз ҳақида бадиий мукаммал достонлар, термалар яратган шоирларнинг бири эди.

Отаси Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлиб, онаси Норхол Турди қизи қарамоғида қолгач, Қодирнинг етти ёшдан дўмбирага ихлос қўйишига ўз даврининг довруғли достончилари — бобоси Турди бахши, тоғаси Ражаб бахши ва машҳур халқ бахшиси Умир шоир Сафаровлар сабаб бўлди.

Барча авлоди бахши ўтган Қодир аввал соз чертишни, соз оҳангига мослаб сўз айтишни машқ қилишдан сўнгги нафасигача бир зум тўхтамади. Ўн саккиз ёшдан бошлаб мустақил достончи бахши сифатида танилган Қодирда кучли хотира, қуймақулоқлик (бир эшитганни ёдда сақлаб қолиш қобилияти), ўта бадиҳагўйлик бор эди. Шу хусусиятларига кўра, у «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зайдиной», «Рустамхон», «Бева Барчин», «Ота дуоси», «Ойчинор», «Гавҳар ойим», «Яман дев», «Ғуппоной», «Париларнинг қочиши», «Махтумқули», «Ошиқ Заргар», «Шоҳсувор», «Авазхон», «Нурали», «Шерали», «Айри тоғ», «Гулисанобар» сингари олтмишга яқин анъанавий достонни ўрганиб олди ва маҳорат билан ижро этди. Бахши қайси халқ достонини куйламасин, унга янгича руҳ беришга, сайқаллаштиришга, халқ ижоди дурдоналарининг бадиийлигини, халқчиллигини оширишга ҳаракат қилди. Фикримизнинг далили сифатида «Келиной» ва «Ези билан Зебо» достонлари фақат Қодир бахши репертуарида, унинг истеъдоди туфайли яхлит композиция ва сюжетга эга тугал асар сифатида шаклланганлигини таъкидлаймиз.

Қодир бахши Раҳимов фақат халқ достонлари ижрочисигина эмас, балки фаровон ҳаётимизни, унинг асосчиси улуғ Ленинни, ғалабаларимиз илҳомчиси Коммунистик партияни, бунёдкор халқимизни, бепоён қудратли Ватанимизни ўз қўшиқларида, терма ва достонларида юксак пафосда куйлаган ижодкордир. У халқимиз бахт-саодати, кураш ва интилишини «Ленинни кўрдим, дўстларим», «Партия фарзанди», «Эшқора билан Дўсқора», «Ойша» достонларида, «Ўзбекистон», «Партия ҳақида қўшиқ», «Лениндай бўлгин, фарзандим», «Москвада бўлдим, дўстларим», «Иигламагин, онажон», «Зиёрат», «Чўпонлар», «Қашқадарё», «Устозлар», «Тошкент таърифи» каби ўнлаб термаларда мадҳ этди. Турмушимизда учраб турадиган салбий ҳодисалар: ўзибўларчилик, шахсиятпарастлик, риёкорлик, юлғичлик, порахўрлик ва ичкиликбозликни «Стиляк», «Қизмидинг ё ўғилмидинг», «Арақман», «Қайнана ва келин», «Ферма мудир», «Тешиб чиқди» сингари асарларида кескин фош қилди.



Қодир бахши ўттиздан ортиқ дўмбира куйларини маҳорат билан чалар, айни вақтда қўбиз, най, рубоб, тор ва ҳатто пианинода ўзбекча куйларни ижро этиш қобилиятига эга эди. Зеро, умрининг охиригача Деҳқонобод районида Бобур номли мактабда ёшларга музика ўқитувчиси бўлиб сабоқ берди.

1981 йилдан СССР Ёзувчилар союзига аъзо бўлган Қодир бахши Раҳимов халқ оғзаки ижоди юзасидан ўтказилган республика, Бутуниттифоқ ва халқаро анжуманларда иштирок этди. Жумладан, республика бахшилар олимпиадасининг 6 марта лауреати ва ғолиби, Москва шаҳрида (1971) ўтказилган халқаро халқ ижодиётининг VII конгресси, Парижда (1974) ўтказилган VIII конгресси лауреати, халқаро олтойшуносслар конференцияси (Тошкент, 1980) иштирокчиси ва Олмаотада ўтказилган (1982) Шарқ халқлари эпос музикаси халқаро конференцияси совриндори бўлди. Булар бахши иқтидорининг тан олиниши, унинг истеъдодига берилган муносиб баҳо эди.

Биз ёзиб олган Қодир бахшининг энг сўнгги термаси «Қайнарбулоқ булбули»да шундай сатрлар бор:

Мангуликка кетди ўзи,
Мангу қолди қўшиғи.
Бу кун руҳи кулиб турар
Дўстга очиқ эшиги.

Гўё бу сатрлар ўзига айтилгандай. Ҳа, Қодир бахши мангуликка кетди-ю, замондошлари қалбида унинг янгроқ овози, шўх сози, ўн бир достони, 200 га яқин термаси қолди. Республикамизда, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистонда йигирма етти шогирди устоздан қолган соз билан эл дардини, олам осойишталигини, юрт ободлигини куйламоқда.

Абдиолим ЭРГАШЕВ

Деҳқонобод



1968 йил. Июнь ойининг охирлари. Тошкент Давлат медицина институтининг кенг ҳовлиси кишилар билан ҳар қачонгидан кўра гавжум. Профессор-ўқитувчилар, студентлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари Ветеранлар хиёбонига тўпланишган. Ўша куни бу ерда институтни битирувчиларнинг Совет врачи қасамёдини қабул қилиш маросими тантанали равишда ўтказилар эди. Битирувчи студентлар навбат билан даврaнинг ўртасига чиқиб, олти йил мабойнида таълим берган мураббий устозлари гувоҳлигида, ўз умрини инсон саломатлигини сақлашдек шарафли ишга бағишлаган, эндиликда марҳум табобат ҳакимларининг муқаддас руҳи олдида қасамёд қиладилар... «Медицина ёрдами кўрсатиш учун доим шай бўлиб туришга, беморни эътибор ва меҳрибонлик билан парвариш қилишга, халқ олдидаги масъулиятни ҳамиша эсда тутишга тантанали равишда қасамёд қиламан!»

Институтни тамомлаб, ҳаётга йўлланма олаётган ўша кунги тенгқур ёшлар орасида китоблик Юсуф Ражабов ҳам бор эди. У ҳам навбат ўзига етганда институт ҳовлиси саҳнини тўлдириб турган қоракўзлар шоҳидлигида ўртага чиқиб, қасамёд қилади: «...беморни эътибор ва меҳрибонлик билан парвариш қилишга, халқ олдидаги масъулиятни ҳамиша эсда тутишга тантанали равишда қасамёд қиламан!..»

Ҳа, муқаддас қасамёдни кўпнинг гувоҳлигида қабул қилган, устига оқ халат кийган врачнинг зиммасига инсон саломатлигини муҳофаза этишдек энг масъулиятли вазифа юклатилади.

Одатда, кўпчилик олдида «бир умр ўз бурчимга, касбимга содиқ қоламан», деб қасамёд этган врачнинг устидаги оқ халати ўзгалар учун қалби поклик рамзи бўлиб туюлади. Халқимизнинг врачни эъзозлаб ва эҳтиром билан «шифокор» деб аташининг боиси ҳам шунда-да.

Мабодо, сиз: «Елкасига оқ халат кийган, Совет врачининг муқаддас қасамёдини қабул қилган врач қотилликка қўл урибди...» деган мудҳиш хабарни эшитсангиз, ҳаётда бундай қабоҳат юз беришига ишонмайсиз. Афсуски, минг, миллион марта надоматлар бўлсинки, «халққа садоқат билан хизмат қиламан», дея онт ичган ўша Юсуф Ражабов қотилликка қўл урди, тўғриғи, пул, дунё учун қотиллик қилди.

Қандай қилиб дейсизми?

Келинг яхшиси, воқеа тафсилотини эшитинг.

Шаҳрисабз шаҳридаги магазинлардан бирида сотувчи бўлиб ишлайдиган 25 яшар Насиба исмли гўзал жувон фавқулодда йўқолиб қолди. У 1985 йил 7 февраль куни опаси Шуҳратойга ва онаси Хуррам опага «Тошкентга, «8 Март» санаторийсига бир дугонамнинг кўмагида бориб даволанмоқчиман», деб Китоб темир йўл вокзалига чиқиб кетган эди. Орадан бир неча кун ўтади. Лекин Насибанинг ўша санаторийга бориб жойлашгани ёки жойлашаолмагани ҳақида ундан ҳеч хабар бўлмайди. Онаси ҳам, опаси ҳам ундан хавотир олабошлайдилар. Шу орада опаси Шуҳратой Ғаффорованинг қўлига почта орқали бир хат келиб тегади. Тагига «Насиба Ражабова» деб имзо чекилган мактубнинг мазмуни шундай эди: «Мен Ринат деган йигит билан Амур областидаги балиқчилик хўжаликларидан бирида ишлаш учун кетдим. Хавотир олманглар...»

Шуҳратой хатни ўқиб ҳайрон қолди: мактуб Насибанинг қўли билан ёзилмаган эди. У ўша заҳоти онасиникига бориб, уни ғайритабиий мактуб мазмуни билан таништиради. Она ва болани баттар ваҳима босади. Яна бир неча кун ўтгач, онанинг адресига Садир Йўлдошев деган нотаниш кишининг номидан: «Насиба менинг пулимни ва кийимларимни ўғирлаб, аллақаёқларгадир қочиб кетибди...» деган мазмунда хат келади. Она ҳам, қизи Шуҳратой ҳам гангиб қоладилар: «Бу ерда бир шубҳали иш борга ўхшайди. Милицияга хабар бериш керак», деган фикрга келадилар улар. Ўзлари яшаб турган Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилишни лозим кўрадилар. Шуҳратой у ердаги А. Норқўзиев исмли ходимга рўпара бўлиб: «Синглим Насиба бир неча кун бўлдики, бедарак йўқолиб қолди. Менга ва ойимларнинг номига келган икки дона пойма-пой хатни эса кимлардир уюштираётганга ўхшайди. Бу ишлар шаҳардаги майда улгуржи магазин директори Шоймардон Тўхтамишев томонидан уюштирилган бўлиши мумкин», деган гапни айтади. Норқўзиев эса: «У кишининг номини орага қўшманг», деб Шуҳратойнинг гапини чўрт кесади.

Насиба ҳақида қариндошларига бошқа ҳеч қандай хат-хабар келмайди. Кунлар ўтган сари она-боланинг ва бошқа жигарларининг ваҳималари кучаяверади. Улар: «Узоқ-яқинга кетган бўлса ҳам ишқилиб, жони омон бўлсин-да», деб ўзларига ўзлари тасалли берар эдилар. Бир куни Шуҳратой синглисининг буюмлари сақланадиган сандиқни: «Мабодо бирор из қолмадимикин», дея титкилаб кўради. У сандиқдаги буюмлар тагидан Насиба «Билдириш хати» деб ёзиб, бекитиб қўйган мактубни топиб олади. Шуҳратой энтика-энтика хат саҳифаларига синчиклаб кўз югуртиради. «Билдириш хати»да Насиба бундан тўрт йил илгари Шоймардон Тўхтамишев Шаҳрисабз шаҳар умумий овқатланиш идорасининг бошлиғи бўлиб ишлаб турган пайтида Насибани ўртоғининг хилват уйига олиб бориб, зўрлаб номусига текканини, «пулдор бойвачча»нинг тажовузи билан ор-номуси поймол этилгач: «Милицияга бориб арз қиламан», деганда Шоймардоннинг: «Бировга оғзингни оча кўрма, акс ҳолда пулнинг кучи билан сени ўлдиртириб юбораман», деб ҳақоратлаганини, қўрқитганини, ундан бўлган ҳомиласини Шоймардон Қарши шаҳридаги туғруқхоналардан бирида ишлайдиган Б. Такабоев фамилияли гинеколог-врач ҳузурига олиб бориб, олдиртириб ташлатганини, кейинроқ Насиба Ў. Ж. исмли йигитга турмушга чиққанини кейин ҳам Ш. Тўхтамишев уни: «Мен билан жинсий алоқада бўласан, хоҳишимга кўнмасанг ўлдиртириб юбораман», деб қўрқитганини, ўшанда Насиба: «Менинг оиламни бузмоқчи бўлаяпти», деб номус ўғрисининг устидан унинг область марказидаги раҳбар «хўжайин»и — Қашқадарё область Давлат таъминоти бошқармасининг бошлиғи Қаҳрамон Шарофиддиновга «Ш. Тўхтамишевни тартибга олинг, оилам бузилиб кетади», деб арз қилганини, ўша зўравоннинг хотини Муккаррам Худоёровага бориб: «Эрингизни тартибга олинг, оилам бузилиб кетмасин», дея илтижо қилганини ва ниҳоят, бир кунмас бир кун ўша Тўхтамишев жонига ҳам қасд қилиши мумкинлигини — ҳамма-ҳаммасини баён этган эди.

Шундан сўнг Шуҳратой синглисининг тириклигига мутлақо шубҳа қилиб, онаси билан йиғлаб-сиқтаб, тегишли милиция идораларининг эшигини қоқабошладилар...

Бир куни тегишли ички ишлар бўлимларига Чимкент областининг Пахтаорол район ички ишлар бўлимидан: райондаги «Новий путь» совхозининг «Новий путь» бўлими территориясидан оқиб ўтадиган каналдан тахминан 25—27 ёшлардаги жувоннинг мурдаси топилганлиги хабар қилинади.

Тегишли қидирув, тергов ва экспертиза идоралари бу мудҳиш воқеа сирларини ошкор этиш учун оператив равишда пухта-пишиқ иш бошлайдилар...

Тегишли суд идораларидан бирининг темир сандиғида сақланаётган 7 томдан иборат жиноий иш ҳужжатларида марҳума Насиба Ражабованинг фожиали ўлдирилиш воқеаси тафсилотлари, қотилликнинг туб моҳияти,

ИНСОН ва ҚОНУН

тажовузкорларнинг асл башаралари фош этилган. Мазкур томлардаги ҳужжатлар билан синчиклаб танишар экансиз, пулга, мол-дунёга ўч бўлган, баднафслик кўчасига кирган кимсаларнинг шу қадар қабиҳликка-ча бориб етганларидан огоҳ бўласиз.

Шаҳрисабз шаҳридаги майда улгуржи магазинининг директори Ш. Тўхтамишев Насиба турмушга чиққандан кейин ҳам зўравонлик билан унинг номусини таҳқирлашга уринади ва оқибатда унинг оиласи бузилиб кетади. Н. Ражабова уяси бузилган мусичадек зорланиб қолаверади. У: «Ота-онамникига энди қайси юз билан кўчиб бораман», деб ўзига уй ахтаради, мулкдор Шоймардоннинг ҳузурига алам билан бориб: «Менинг бахтимни, номусимни поймол қилдингиз. Энди ҳеч бўлмаса, менга бирор бошпана топиб беринг», деб зорланади. Тўхтамишев Насибага уй топиб бериш масаласида ҳам нопок йўл тутади: Шаҳрисабз шаҳридаги гинеколог врач Раиса Вагаповага (гинеколог врачлардан унинг таниши бунчалик кўп бўлмаса) тегишли давлат квартирасини 4 минг сўмга келишиб, Насибани жойлаштиради. Лекин шаҳар ижроия комитети Насибани бу уйдан чиқартириб юборади. Ана ўшанда Ш. Тўхтамишевнинг миясида: «Насибани энди ўлдиртириб қутулмасам...» деган ёвуз ният пайдо бўлади. У энди шунинг чорасини ахтара бошлайди. Бу ҳақда қишлоқдоши, Китоб шаҳар поликлиникасининг травматолог врачи Юсуф Ражабов билан обдон маслаҳат қилади: «Насибани йўқ қилишимиз керак. Сиз докторсиз, одамни қийнамасдан ўлдиришни биласиз. Хизмат ҳаққингизга қанча сўрасангиз майли», дейди Шоймардон келишилган хилват жойда.

— Айтмоқчи, сиздан каминанинг ўн минг сўм қарзи ҳам бор-а, — дея тап тортмай жилмаяди Ражабов.

— Вазифани бажарсангиз, яна боз устига истаганингизча тўлайман, — дейди Шоймардон унинг мудҳиш ишга майли борлигини сезиб.

— Ахир, биз касалхонанинг қассобимиз-ку. Фармойишингизни бажо келтирамиз, оғайни, — дейди Ражабов сархушликдан қизарган юзини кафти билан силаб.

Улар Насибани қандай қилиб ўлдиришни шу тарзда қатъий режалаштириб оладилар.

Юқорида эслатганимиздек, Ш. Тўхтамишев Насибанинг биринчи ҳомиласини олдиртирганидан кейин ожиза бояқиш: «Энди бир умр оналик бахтидан ҳам маҳрум бўлмадимикин? Тошкентга бориб, «8 Март» санаторийсида даволаниб келсам», деган ниятни кўнглига тугади. Бу гапни у ўзининг яқин дугонасига айтиб, ундан маслаҳат сўрайди. Дугонаси эса ўзи ҳам ўша санаторийда даволаниб, фойда кўрганини айтади ва Насибани бирга олиб боришга ваъда беради. Дугоналар маслаҳатидан хабар топган Ш. Тўхтамишев Насибани Тошкентга дугонаси билан эмас, Юсуф Ражабов билан юбормоқчи бўлади ва шу йўл билан қабиҳ, мудҳиш ниятини амалга оширишга ҳаракат қилади. У худди шу мақсадда Шаҳрисабз аэропортига бориб 7 февраль кунига (1985 йил) самолётга иккита билет олади. Шоймардон билетни Насибага кўрсатиб: «Юсуф Ражабов катта доктор, у кўпчиликни танийди. Тошкентга бирга учасизлар, врачлар билан гаплашиб, сизни санаторийга жойлаштириб қўяди», деб уни авайди. Аксига олиб, 7 февраль куни оби-ҳаво бузилиб, самолёт учмайди. Улар билетларини аэрокассага қайтариб топширадилар. Шундан сўнг Насиба Китоб темир йўл вокзалига боради ва Тошкентга кетиш учун поездга билет олади. Ўша кезда унинг ҳар бир қадамини зимдан кузатиб юрган Шоймардон оқ рангли «А 98—00 КФ» номерли «жигули» машинасида темир йўл вокзалига етиб келади ва у ерда Насибани учратиб: «Келинг, сизнинг олдингиздаги гуноҳимни ювай, сизларни Тошкентга, санаторийга машинада олиб бораман. Санаторий врачларини ҳам қуруқ қўймаймиз. У ерда сизни яхшилаб даволайди. Доктор Юсуф акани ҳам бирга олдим», деб уни илондек аврайди. Боши гангиган Насиба ноилож машина ўриндиғига ўтиради. У ўшанда ўзининг «ажал араваси»га ўтирганини билмаган эди.

Қишлоқдош суиқасдчилар тоғдан — Тахтиқарача довонидан ўтаётганларида Насибага билдирмай ҳар бири 10—15 килограмм келадиган учта тошни олишиб, машинанинг юкхонасига жойлайдилар. Бундан ташқари, юкхонада иккита бир метрлик сим, брезент қоп ва битта болға ҳам бор эди. Ҳа, Тўхтамишев билан Ражабов қотиллик учун махсус тайёргарлик кўрган эдилар.

Сутранг «жигули» машинаси асфальт йўлда елдек учиб борарди. Машинанинг орқа ўриндиғида келаётган Насибанинг миясида эса аллақандай совуқ фикрлар чарх урарди: «Ҳали Тошкентгача узоқ, энди чамаси ярим йўлни босдик. Кеч кириб, атроф қоронғилашяпти. Ишқилиб, бу номардлар бир балони бошламаса майли эди-я... Наҳотки, улар мени...»

Кеч соат саккизларда улар Сирдарё кўпригига яқинлашадилар. Қиш кунлари жуда қисқа бўлганидан аллақачон атрофни қоронғулик қоплаган, фақат рўпарадан келаётган машиналарнинг чироқларигина милтиллаб кўзга кўринар эди.

— Машинанинг фараларига лойқа урилиб, хиралашиб қолди, бир тозалаб олсак, — деди рулдаги Шоймардон ёнидаги Юсуф Ражабовга муғамбирона кўз қисиб.

— Маъқул, маъқул. Машинани дарё қирғоғига ҳайдаб фараларни ювиб олиш керак, бўлмаса қоронғида..., — деди Ражабов ўзини жуда ҳожатбарор кўрсатиб.

Шоймардон машинасини дарёнинг чап қирғоғига бурди-да, эллик метрларча юргизиб тўхтатди. Шоймардон:

— Қани тушиб турингизлар, мен фараларни ювай, — дея Ражабовга: «Энди ҳаракатингизни қилинг», дегандек боши билан ишора қилади.

Улар кетма-кет машинадан туша бошлайдилар... Насиба бошини энди машинадан чиқарган эдики, Ражабов болға билан унинг калласига — жон жойини мўлжаллаб икки марта туширади. Ожиза олдинга гандираклаб кетади, лекин йиқилмайди. У ҳушини бир йўқотади-ю, яна ўзига келади. «Аблаҳлар! Ниятларинг мени ўлдириш экан-да...» дея нафрат билан Юсуф Ражабовга тикилади. Юсуф эса оч бўридек Насибага ташланиб, унинг ўнг қўлини орқасига қайиради ва иккинчи қўли билан оғзи-бурнини беркитади... Қотиллар зўрлик билан қизни машинанинг орқа ўриндиғига киритадилар.

— Энди тезроқ орқага, келган йўлимизга ҳайданг, — дейди Шоймардонга Юсуф Ражабов буйруқ оҳангида.

У эса шиддат билан машинани ҳайдаб катта йўлга чиқади. Улар Чимкент областининг Пахтаорол райони бўйлаб юрадилар. Вақт алламаҳал бўлганда, шу районнинг «Новий путь» совхозининг «Новий путь» бўлими территориясидан ўтадиган канал бўйига бориб тўхтайдилар. Иккаласи машина юкхонасидан брезент қопни олиб, Насибанинг жасадини унга жойлайдилар, мурда сувга чуқурроқ чўксин деб, ҳалиги уч дона тошни ҳам қопга соладилар, қоп оғзини сим билан маҳкам боғлагач, иккаласи уни кўтариб баландликдан туриб каналга ирғитадилар...

Улар тунда изларига қайтар эканлар, йўл-йўлакай қотиллик изини йўқотиш чораларини режалаштирадилар. Ахир, улар Шаҳрисабзда бугун-эрта: «Насиба бедарак йўқолибди», деган шов-шув тарақалишини, қизнинг қариндошлари додлаб милиция идораларининг эшикларини қоқишларини билар эдилар-да. Қотиллар бу шовқинларнинг эпкини ўзларига етиб келмаслиги учун яна мунофиқлик йўлини тутадилар. Юсуф Ражабов кабинетига ўзининг жияни Алишер Бековни чақиртиради. Уни хилват хонага олиб кириб, қўлига бир хатни бериб, кўчиртиради. Бу хат марҳуманинг опаси Шуҳратой Ғаффоровага Насиба номидан тўқилган биринчи сохта мактуб эди. Ражабов шу тахлитда марҳуманинг онаси номига ҳам қандайдир Садир Йўлдошев номидан иккинчи туҳмат хатни уюштиради. Хунрез Шоймардон эса: «Синглим йўқолди» дея Шаҳрисабз кўчасида гангиб юрган Шуҳратойни учратиб: «Насибани бирга ахтарамиз», деб уни ўз машинасига ўтиргизиб олади ва у билан бирга ҳатто шаҳар милиция бўлимига ҳам боради.

Пасткашликни, тубанликни қаранг. Ахир, бундан ортиқ ҳам маккорлик, разиллик бўладими?!.

Лекин барибир қотилларнинг найранглари узоққа бормайди. Марҳуманинг чўнтакларидан топилган баъзи далиллар жиноятнинг изи Шаҳрисабз шаҳрига бориб тақалишини кўрсатади. Ҳар иккала қотил — Китоб шаҳар поликлиникасининг врачи Ю. Ражабов ва Шаҳрисабз шаҳар майда улгуржи магазини директори Ш. Тўхтамишев қидирув ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

Шу ўринда журматли журналхонларимизда: «Улар қўлга тушгач, ўз қилмишлари учун пушаймон бўлгандирлар», деган мулоҳаза туғилиши мумкин.

Йўқ, бундай бўлмади. Қотиллар Пахтаорол район ички ишлар бўлимининг дастлабки қамоқ камерасида сақланаётган пайтларида ҳам пулнинг кучи билан ўз жазоларини енгиллаштиришга астойдил уринадилар. Жиноий ишга оид том-том ҳужжатлар орасида сақланаётган Ю. Ражабов ва Ш. Тўхтамишевнинг ўзаро пинҳона ёзишмаларининг мазмунига эътибор беринг-а. Ражабовнинг Тўхтамишевга ёзган мақфий хатидан: «Терговчи, прокурорга, судга моддий томоннинг бир қисмини мен кўтаришимни айтинг. Уларнинг ҳар бирига ўн сўмдан (ўн минг сўмдан демоқчи) берсак, жазо муддати 5—6 йилдан ошмаса керак. Умуман, ишни зимдан битираверинг». Ш. Тўхтамишевнинг жавобидан: «Қайноғам ёки поччамга тайинладим. Улар 40 сўмни (яъни 40 минг сўм) етказиб келадилар. Лекин, Юсуф ака, «Н.ни мен ўлдирганман», деб қотилликни ўз бўйинингизга олсангиз, ишимиз бир томонлама бўлиб, енгиллашиб кетарди. Мен эса сизни яна қуруқ қўймасдим, 40—50 минг дегандай... Ҳозир ҳам кеч эмас, ўйлаб кўринг».

Мана уларнинг фалсафаси! Демак, уларча, пулнинг кучи билан ҳамма ишни, ҳатто бировни ўлдиртириб, иккинчи бир ўлган кишини тирилтириш ҳам мумкин экан!..

Ҳойнаҳой, мазкур сатрларни ўқиган журналхонда: «Муқаддас қасамёд қабул қилган врачни қотилликка ёлланишга нима мажбур этди?» деган савол туғилиши мумкин.

Биз қуйида судлов ҳужжатларини изчил таҳлил қилиш асосида мазкур саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ш. Тўхтамишевнинг шахсияти ҳақида. Олий маълумотли, оилали, уч фарзанди бор. Қотилликка қўл уришига қадар чўнтагида партия билети ҳам бўлган. Кейинги йилларда аввал Шаҳрисабз шаҳар умумий овқатланиш идорасининг, кейинчалик эса шаҳардаги майда улгуржи магазинининг директори бўлиб ишлаган. «Пул билан ҳар қандай ишни, ҳатто энг мушкул муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин», деган ақида унинг қонига сингиб кетган. Мўмай пул, текин маблағ унинг қўлида оғир жиноятларни бажаришда асосий восита бўлиб хизмат қилган. Пулдорлиги туфайли баъзи бошлиқлар олдида эътибор қозонган, Б. Такабоев, Раиса Вагапова сингари гинеколог-врачлар билан кўпдан бери «ошна» тутинган.

Лекин қотиллик билан қўлга тушганларида ҳам бир эмас, уларнинг ҳар бири ҳақида учта расмий ташкилотдан ижобий характеристика тақдим этилишини қандай изоҳлаш керак?!

Ўша характеристикаларнинг мазмунига бир эътибор беринг-а: Қашқадарё область Давлат таъминот бошқармасининг бошлиғи Е. А. Бутко, бошқарма партия ташкилоти секретари Т. Х. Ҳайитов, Касаба союз комитети раиси С. Иброҳимов имзолари

чекилиб ва юмалоқ муҳр босилган партиявий-ишлаб чиқариш характеристикасида: «Ш. Тўхтамишев ишлаган даврида яхши мутахассис сифатида ўзини кўрсатди, коллектив ўртасида эътиборли эди...» деб таъриф-тавсиф қилинади. Ваҳоланки, Тўхтамишев бошқарма партия ташкилоти ҳисобида ҳам турмаган. Характеристикага жимжимадор қилиб имзо чеккан тўрт мутасадди раҳбар эса партия уставининг элементар қоидасига ҳам риоя қилмайдилар. Шаҳрисабз шаҳар матлубот жамияти раиси Б. Тоштемиров, бошланғич партия ташкилотининг секретари Н. Нарзиева, касаба союз комитети раиси Р. Саломов томонидан расмий тасдиқланган Ш. Тўхтамишев ҳақидаги иккинчи характеристикани ҳам ўзига хос мақтов қоғози дейсиз: «у фаол коммунист: партиявий топшириқларни ўз вақтида бажарган. Ўз ишини билади, коллективнинг ижтимоий ҳаётида актив қатнашган...»

Энди қотил Ю. Ражабов номига берилган характеристикаларга кўз югуртирайлик: «Ишдаги яхши кўрсаткичлари учун район марказий касалхонаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан бир неча марта ташаккурномалар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган...» Мазкур ҳужжатга бош врач Н. Нуриддинов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Ш. Зарипов, касаба союз комитети раиси А. Сайдалиев имзо чекканлар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати М. Эргашева томонидан Ю. Ражабов ҳақида берилган кафолатномани ўқиб баттар таажжубланасиз: «Ю. Ражабов яхши хизматлари учун енгил машина билан мукофотланган. Минглаб кишилар унинг хизматидан миннатдор. Бизлар ҳеч қачон Юсуфнинг киши жонига қасд қилиб, шу ишга қўл урганига ишонмаймиз».

М. Эргашева ўзининг депутатлик ваколатига масъулиятсизлик билан қараган. У Ю. Ражабов яқинларининг «бу унга туҳмат, врач киши ҳеч қачон қотилликка қўл урмайди», деб аврашларига ишонган, масаланинг моҳиятини суриштирмаган. М. Эргашева Юсуфга мукофотга берилган деган «ВАЗ—21013» маркали ва «Б 88—28 КФ» номерли «жигули» машинаси ҳам аслида Китоб шаҳридаги «Гўзал» универмаги томонидан «Ю. Ражабов 30 минг 30 дона тухум топширгани учун № 430-кирим ордери билан сотилди», деб сохта ҳужжат асосида расмийлаштирилган.

Нима, Китоб шаҳрида яшаётган врачнинг ўттиз минглаб тухум етиштириладиган паррандачилик фабрикаси ҳам бормиди?! Ҳаммаси ёлғон, сохта гаплар, рақамлар!

Ю. Ражабов қотиллик хизмати учун Ш. Тўхтамишевдан олган 10 минг сўмга эса қариндоши Муродулла Неъматов номига яна «ВАЗ—21061» маркали машина сотиб олади. У қўш машинасининг бирини пулдорроқ бирор кишига ошириб пуллаш ниятида эди.

Ҳа, масаланинг туб моҳияти мана шундай. Врач Ю. Ражабов ва «дўкондор бойвачча» Ш. Тўхтамишев ўзларининг кейинги йилларда фаолияти давомида бир эмас, бир неча марта ғайриқонуний ишларга қўл урганлар. Шоймардоннинг япон магнитофони ўрнатилган «ВАЗ—21081» маркали «А 98—00 КФ» машинаси ҳам Холида Қурбонова исмли қариндоши номига сохта ҳужжатлаштирилган.

Суд ҳужжатлари орасида 1983 йил май ойида, яъни район марказий касалхонасининг травматология бўлимига мудирлик пайтида Ю. Ражабов оёғи синиб касалхонага тушган Маҳбуба Йўлдошева исмли беморни ғаразли мақсадда нотўғри манипуляция қилиб, унинг ўлимига сабаб бўлганлиги ҳақида Китоб районининг ўша вақтдаги прокурори А. Ҳайитбоев томонидан тайёрланган айблов материаллари ҳам бор. У ўша айби учун марказий касалхонанинг травматология бўлими мудирлиги вазифасидан бўшатилган ва шаҳар поликлиникасига оддий врач қилиб ишга ўтказилган.

Очиғи, ўшанда ҳам баъзи мутасадди ўртоқлар Ражабовнинг ишини ўртоқлик судига ўтказиб, уни «асраб» қолганлар.

Ҳа, эгри қадам ташлаган сари атрофдаги ҳомийлари, баъзи ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари уларни бало-қазолардан муҳофаза қилдилар. Шунинг учун ҳам бу кимсалар охир-оқибатда одам боласи учун энг мудҳиш бўлган қотилликка қўл уришга журъат этдилар. Шу ўринда Ю. Ражабов ва Ш. Тўхтамишевларни қўй оғзидан чўп олмаган беозор кишилар қилиб кўрсатишга уринган Н. Нуриддинов, Б. Тоштемиров, Ш. Зарипов, Е. А. Бутко сингари баъзи масъулиятсиз раҳбар ходимларга битта саволимиз бор: «Мабодо, Насибанинг фожиали қисмати синглингизнинг бошига тушганда, ўша тажовузкор қотилга нисбатан қандай муносабатда бўлар эдингизлар?

Наҳотки, қўли қонга ботган ўша қотиллардан ҳазар қилмайсизлар?!»

Энди қотилларнинг жиноий ишлари кўрилган Жиззах область судининг ҳукми хусусида. Шу ўринда тергов ва экспертиза ишлари билан шуғулланган Жиззах область прокуратурасининг прокурор-криминалисти А. Аъзамов қотиллик сирларини фош қилиш учун қилни қирқ ёриб, пишиқ-пухта иш кўрганини алоҳида таъкидлаш керак. Лекин Жиззах область судининг аъзоси Б. Абдурасулов (суд маслаҳатчилари Гайсин, Муҳиддинов иштирокида) ҳукм чиқаришда жиноий ишнинг фақат енгиллаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиб, қотилларнинг ҳар бирига 11 йилдан жазо муддати белгилаганига ҳайрон қоласиз! Биз ҳукм мазмуни билан танишганимизда «...суд жиноятчиларнинг аввал судланмаганликларини, иш жойларидан ижобий характеристикалар берилганлигини инобатга олиб ҳукм қилади...» деган таажжубли ибораларга дуч келдик. 7 томдан иборат тергов ва экспертиза ҳужжатларида Ю. Ражабов ва Ш. Тўхтамишевнинг қотилликни онгли равишда, қасддан қилганликларини, тажовузкорлик ва зўравонлик асосига қурилган бу ўлимни улар олдиндан режалаштирганликларини тасдиқловчи далиллар етарли эди-ку! Ваҳоланки, Жиззах область суди ҳукм чиқаришда қора курсида ўтирган қотилларга ён босиш ўрнига, аксинча ижобий характеристикалар берган мутасадди раҳбарлар устидан хусусий ажримлар чиқариб, бу ажримларни юқори идораларга юбориши лозим эди. Ана ўшанда Ю. Ражабов ва Ш. Тўхтамишевнинг қотиллик «фаолиятлари» улар ишлаган коллективларда ва яшаган маҳаллаларида ошкора муҳокама қилиниб, тўғри баҳоланар ва бу эса тегишли мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари учун аччиқ сабоқ бўлар эди.

«Халққа, беморларга садоқат билан хизмат қиламан» деб қасамёд қабул қилган, чўнтагида партия билети бўлатуриб пул учун қотилликка ёлланган Ю. Ражабовнинг машъум қилмиши Китоб район медицина бирлашмаси учун, қолаверса, Қашқадарё область соғлиқни сақлаш бўлими ва ҳатто республика Соғлиқни сақлаш министрлиги учун жиддий муҳокама объекти бўлиши керак эди. Бунда масала қотилни врачлик дипломидан маҳрум этишгача бориб тақалиши лозим эди.

Ўйлаб кўринг. Орадан йиллар ўтади. Ю. Ражабов жазо муддатини ўтаб, юртига қайтади. Табиийки, у яна устига оқ халат кийиб, район касалхоналаридан бирида иш бошлайди. Кеча ёвуз қотилликка қўл уриб, бармоғини қонга ботирган ўша Ражабовнинг қўлига касалхона каравотида жон талашиб ётган бемордарнинг тақдирини ишониб бўладими?!

Шу ўринда Ўзбекистон ССР Олий судининг олий суд аъзолари У. Шораҳимов (раислигида) Ю. Турсунбоев ва А. Раҳмонов иштирокида бўлиб ўтган судлов коллегияси ҳам Жиззах область судининг ҳукмини кучида қолдириб, мазкур ишни кўришда юзаки иш тутганлигига бефарқ қараб бўлмайди.

Ўйлаймизки, республика Олий суди мазкур жиноий ишга махсус қайтади.

Дарҳақиқат, ошкоралик ҳаётимиз мезонига айланган ҳозирги шароитда адлия идоралари ҳам ҳар бир ишга бугунги кун талаблари асосида ёндошишлари керак. Ҳар бир нарса ўз номи билан аталиши, ҳар бир ҳолат эса (хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин) ҳаққоний, холисона баҳоланиши, ҳар бир масала таҳлил қилинганда қайта қуриш талабларига қатъий амал қилиниши зарур. Ўз моҳияти билан революция деб аталаётган ҳозирги покланиш жараёнининг масъулияти ана шуни тақозо этади.


Шомурод СИДДИҚОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири

ХАР ТУГРИДА БИР ШИНГИЛ

Қор маймунлар

Қор одамнинг бор ёки йўқлиги, бу — баҳсли масала, лекин қор маймунининг мавжудлиги, бу — ҳақиқат. Уни Япония макаки деб аташади. Кўриниб турибдики, бу ҳайвон Японияда яшайди. Унинг оғирлиги 11—18 килограмм бўлиб, ҳамма ёғи юнг билан қопланган. Бунга ажабланмасангиз ҳам бўлади, чунки Хоккайдода январда ўртача температура — 3°дан — 11 даражагача бўлади. Бу ерда иссиқ минерал сувларнинг жуда кўплиги сабабли маймунлар чўмилишни яхши кўришади. Улар яхши сузади ва ҳатто шўнғишади. Албатта, совуқ қиш кунлари иссиқ сувда ўтириш қандай роҳат. Оролнинг курорт зоналарида маймунларнинг одамлар билан бирга чўмилаётганини ҳам кўриш мумкин. Бу ерда маймунлар учун алоҳида ҳовуз бор.

Хоккайдода ўрмонлар жуда кўп, шунинг учун маймунлар совуқ пайтларда



ҳам егуликни осонликча топадилар. Еш дарахтларнинг пўстлоғи, шохлар, ўсимликларнинг илдизлари емиш бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда Хоккайдода 30 мингдан ортиқ қор маймун ҳисобга олинган.

Фожиа сабаби... грипп

Ўтган йили декабрь ойида Массачусетс штатидаги Кейп-Код ярим-ороли ўзларини қуруқликка отиб ҳалок бўлган бир неча ўнлаб наҳангларнинг ўзига хос қабристонига айланди. Жонига қасд қилган бу жониворларни текшириб ўрганган америкалик олимларнинг фикрларига кўра, наҳангларнинг аксарияти грипп билан касалланган экан. Бу касалликнинг вируслари наҳангларда илгари ҳам, гарчи, жуда кам бўлса-да, учраган. Эндиликда эса, бу баҳайбат денгиз ҳайвонларининг деярли ҳаммасида грипп вируслари топилди. Демак, Американинг шарқий қирғоқларидаги фожиа кенг тарқалган эпидемия характерида экан.

Кейп-Код қирғоқларида юз берган ташвишли ҳодисаларга алоқадор бўлган кўпгина саволларга олимлар энди жавоб беришлари лозим. Аммо наҳангларнинг кўплаб ўзини ўлдиришига олиб келган сабаблар, ҳар қалай, грипп билан боғлиқ бўлса керак. Фожиани ўрганган олимларнинг мулоҳазалари шундай.

ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАММИСИЗ?

(ЖУРНАЛИСТ ЕН ДАФТАРИДАН)

МУНОЖОТ

Район этагида жойлашган «Пахтакор» колхозида бўлганингда ўзингни бир неча йиллар орқага кетиб қолгандай сезасан киши. Қаёққа қарама тупроғи кўпчиб ётувчи ўйдим-чуқур йўллар, пала-партиш қурилган бостирмалар, ўтин ғарамлари соясида қолиб кетган пахса уйлар, ярмидан қулаган деворлар. Қай бир хонадонда радио карнайидан «Муножот» янграйди...

— Ариқларимиздан оқаётган сув юқумли касалликларнинг манбаи бўлиб қолмоқда, — ўйчан гап бошлайди колхоз амбулаторияси врачи Абдурасул Ботиров. — Айниқса, Қодирис қишлоғи дейилса, одамларимизни қўрқув босади. Бу қишлоқда терлама, қорин тифи юз берди. Ўтган йили колхозда беш киши ана шу касалликнинг оғир формасига чалиниб, касалхонага ётқизилди. Касалликнинг олдини олишга ёрдам беришларини сўраб, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигигача мурожаат қилдик. Аҳволни келиб кўришди. Аммо, мана ҳали бирор чора-тадбир белгиланганича йўқ.

Сариқ касали ҳам одамларимизнинг тинкасини қуритаяпти. Айниқса, пахта йиғимтерими пайтида район касалхонаси коридорлари у ёқда турсин, ҳатто амбулаториямиздаги мана бу стуллар ҳам беморлар билан тўлади. Қишлоқ Совети, район ижроия комитети раҳбарларига аҳолига ичимлик сувни тозалаб беришлари лозимлигини таъкидлаб келамиз, аммо фойдаси бўлмаяпти.

— Менинг ўн уч ёшли қизим сариқ касалига чалиниб, яқинда оламдан ўтди,— алам билан сўзлайди колхознинг 9-бригадасида яшовчи Отамурод Эшонқулов.— Бу нарса яшаш шароитимизнинг антисанитария ҳолатида эканлигидан, ичимлик сувнинг йўқлиги туфайли шундай бўлди, деб ўйлайман. Ариқдан жилдираб оқаётган лойқа сувни ҳовузларда узоқ сақлаб, тинитиб ичяпмиз.

Ўн беш йиллардан буён қишлоқ Совети раиси вазифасида ишлаб келаётган Мўмин Сафаровдан меҳнаткашларнинг турмушига нега бундай лоқайдлик билан қаралаётганининг сабабини сўраганимизда:

— Ким айтди сизга бундай деб? — овозини бир парда баланд олди Мўмин ака. — Одамларимиз колхоздан даромад қилмаётган бўлса ҳам ҳар бирининг томорқаси, парниги бор. Ҳаммаси бой-бадавлат ҳаёт кечиришаяпти. Сув масаласига келсак, кўпгина хонадонларга, жумладан 9-бригадага ҳам водопровод туширилган. Аммо область ижроия комитетидагилар водопровод минорамизга сувни очишга рухсат беришмади. Август, сентябрь ойларида колхозда умуман сув тугайди. «Оқар сувнинг ўзи бўлмагач, водопроводга қаердан топиб берасиз сувни?», деб шундай қилиб келишмоқда. Аслида дарё сувини аҳолига тозалаб беришнинг иложини қилса бўлади...

— Сизлар бу масалани тегишли ташкилотлар олдига жиддий қилиб қўйдингизларми? Уларга ҳақиқий аҳволни маълум қилдингизларми?

Шу дамда хаёлимга қадимги юнон файласуфи Арастунинг инсонни ҳолдан тойдиришда ва уни емиришда ҳаракатсизликка тенг келадигани йўқ, деб айтган сўзлари тушди. Колхоз раиси Тошпўлат Давроновни учратишнинг иложи бўлмади.

Қачондан буён меҳнаткашнинг турмуши эътибордан четда қола бошлади? Қачондан буён колхоздан даромад қилолмаган колхозчи «бир танобга ерадиган келадиган фойда билан «бой» бўлиб қола қолди? Колхоздаги бу аҳволни одамлар, районнинг собиқ раҳбарлари давридан буён давом этиб келаяпти, деб изоҳлайдилар.

Колхозчиларнинг сўзларига кўра, бир пайтлар Зулайҳо Норқулова райком секретари бўлиб сайлангандан кейиноқ раҳбарлик услубида қуюшқондан чиқаверди. Ҳеч ким билан ҳисоблашмаслик касали ҳуруж қилди. Айниқса бюрократизм авж олди. Бригадирлар ҳисобдан ташқари ўз майдонига қўшимча ер қўшиб, чигит экаверди. Сувнинг камчиллиги билан ҳисоблашилмади. Чорва майдонлари ҳайдаттирилиб, пахта эктирилди. Давлат ҳамёни билан кўзбўямачилар ҳамёнининг фарқи қолмади. Райком секретарининг «арзанда»лари номига ҳар бири қирқ минг сўмлик бешта турар-жой биносига пойдевор ташланди ва ҳоказо...

Бу ёқда уйсиз-жойсиз қолган колхозчилар, меҳнат, уруш ветеранлари ёзаётган илтимосномалар ими-жимида йиртиб ташланди. Юқорироққа мурожаат қилганлар ёзган шикоятлари почтада ушлаб қолиниб, райком секретарининг пинжида, унинг жиноятларини ҳимоя қилиб келаётганлар томонидан турли йўллар билан сиқувга олинди. Бу ерда «йўқ қилиб юбораман» дағдағаси тез-тез такрорланиб турди. «Руҳий касал» тамғасини босиш одатдаги ҳол бўлиб қолаверди. Меҳнаткашларнинг турмуш шароити эса ёмонлашгандан ёмонлаша бошлади. Аҳоли саломатлиги, маънавий тарбияси раҳбарларни ташвишлантирмади. Колхозчиларнинг қатъий талаби билан Зулайҳо раҳбарликда йўл қўйган жиддий хатолари учун ишдан олинди. Лекин қонун олдида жавоб бериш ўрнига ҳамтовоқлари ёрдамида Навоий районининг чекка хўжаликларидан бирига, масъул вазифага ишга ўтди-кетди. У ердан «Нарпай» совхозига, у ерда ҳам ишни эплолмагач, тавба-тазарру билан ишга олишларини сўраб биз сўз юритаётган «Пахтакор» колхозига келди. Қишлоқ Советининг раиси Мўмин Сафаровнинг ҳотамтойлиги тутиб, уни ўзига муовин этиб тайинлади. Эндиликда у қишлоқ Совети раисининг соясида. Қишлоқда эса аҳвол юқорида таъкидлаганимиздек...

БАЙРАМ, ТЎЙХОНА

Узоқ-узоқлардан ёш лирик хонанда Насиба Абдуллаеванинг кўкламдай оромбахш қўшиғи қулоққа чалинади. Гулдастадай чиройли, файзли хонадонлар кўзга ташланади. Бу — «Пахтакор» билан ери ерига, уйи уйига туташ Карл Маркс номидаги колхоз қишлоқлари. Бош план асосида қурилган замонавий уйлар, мўъжаз ҳовлилар безатилган тўйхона каби таассурот қолдиради. Колхозчиларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, ўз хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан бақувват, обрўси баланд эканини, колхозда ҳар бир бинонинг илк ғиштини қўйишда раис бошида турганини ифтихор билан сўзлайдилар.

Ажабланарлиси шундаки, мазкур хўжаликнинг умумий ер майдони қўшни колхозникидан икки баравар кам. Оилалар сони эса нисбатан 190 тага кўп. Шунга қарамай, Карл Маркс номидаги колхоз қўшни колхоздан қарийб икки баравар кўп даромад олиб келади. Ўтган йили областда қурғоқчилик бўлиб, райондаги деярли ҳамма хўжаликлар ўз зиммаларига олган план-мажбуриятларини бажара олмадилар. Аммо Карл Маркс номидаги колхоз аъзолари эса йиллик план-мажбуриятларини бажаришди. Колхоз 7 миллион 10 минг сўм даромад қилди. Ҳар бир колхозчининг иш ҳақи 154 сўмни, тракторчи-механизаторларники эса 178 сўмни ташкил этди. Айниқса, 8-, 15-, 18-бригадаларда ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳасан Мўминов бошчилик қилаётган 15-бригадада ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олинди. Йиллик «отчет»да колхозчининг бир сўм иш ҳақига 3 сўм қўшимча ҳақ тўланди. Қаҳҳор Ҳайитов оиласи 9 минг сўм, Турсун Шомуродов оиласи 8 минг сўм, Норбўта Камолов 5591 сўм ёки 1-бригада аъзоси Жўрақул Нўшбоқов 4533 сўмдан қўшимча мукофот олдилар.

Колхозда чуқа мактаб биноси, 5 та доимий ишлайдиган ясли, 3 та клуб, 8 та фельдшерлик пункти, кутубхона, амбулатория, савдо маркази, ресторан, аҳолиги маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйи, колхоз музейи бинолари худди кеча ишга туширилгандай саранжом-сариштa.

1972 йили район хўжаликларига ўз маблағлари ҳисобига хонадонларни газлаштиришга рухсат этилди. Аммо кўпчилик хўжаликлар бу ишни ҳали-қамон орқага суриб келадилар. Мазкур хўжаликда эса ўша йиллариёқ 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ давлат банкида сақланаётганди. Ана шунинг ҳисобига колхозчиларнинг хонадонларини газлаштириш бошлаб юборилди. Ҳозир эса колхознинг 6 миллион сўм маблағи банкда сақланмоқда. Унга правление аъзолари бошчилик қилишади. Бўлаётган сарф-харажатлар ҳақида колхознинг умумий йиғилишида колхозчиларга ҳисоб бериб борилади.

Колхозда масъул вазифаларга кадрларни тайёрлаб борилади. Колхознинг собиқ раиси Шомурод Қаҳҳоров ўзининг 25 йиллик меҳнат фаолияти давомида колхозчиларнинг маданий турмушини яхшилашга диққатни қаратиш билан бирга, ажойиб шогирдлар ҳам тарбиялади. Шулардан бири Абдураҳим Қаландаров эди. Хўжалик аъзолари унинг бош агроном вазифасида ишлаб, колхоз экономикасининг юксалишига катта ҳисса қўшганини билишарди. Шунинг учун ҳам собиқ раис кексайиб қолгани муносабати билан ўрнига унинг номзодини кўрсатганида меҳнаткашлар бир овоздан маъқуллашди. Эндиликда у ҳам правление аъзолари билан биргаликда колхозда орттирилган бой таж-

рибалар асосида иш олиб бормоқда. Бригада бошлиқлари, истеъдодли ёшларнинг Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти ҳамда қишлоқ хўжалик техникумларига кириб ўқишларига шароит яратиб берилмоқда.

Колхозда ҳисоб-китоб ишлари бухгалтериянинг журнал-ордер системаси асосида олиб борилади. Бу системанинг афзаллиги шундаки, қилинган сарф ва келган даромаднинг ҳисоби ой сайин маълум бўлиб боради. Юқори ташкилотларга, колхоз аъзоларига ҳисоб бериш осонлашади.

Колхозда бригадалар, қишлоқларни кўздан кечириш мароқли. Водопроводларда зилол сув, томорқаларда ҳандалак, бодринг, помидор. Олма, ўрик, гилослар қизариб пишган боғлар. Баланд қилиб кўтарилган ишкомлар.

Колхозда ерости қудуқларидан секундига саккиз литр сув олиб узатадиган учта насос ишлаб, хўжаликни обиҳаёт билан тўла таъминлаб келмоқда.

Хўжалик аъзолари ўтган йили барча соҳалар бўйича коллектив пудратига ўтиш ташаббусига қўшилдилар. Кўпгина оилалар ҳозир ана шу пудрат асосида ишлашмоқда. Мана, шундай қилиб, колхоз ўз олдига қўйган мақсадига ҳамиша эришиб келмоқда.

Кўз олдимдан яна «Пахтакор» колхози ўтади. Буларнинг ҳаммаси уларда ҳам бўлиши мумкин эди, ахир, агар хўжалик раҳбарлари Карл Маркс номидаги колхоз правлениеси аъзолари каби ҳалол меҳнат қилганларида.

ЕНҒИН

Районда ёнма-ён, аммо маданий қурилишлари жиҳатидан бири иккинчисининг тамом акси бўлган хўжаликлардан яна «Коммунизм» ва Свердлов номидаги колхозлардир.

Свердлов номидаги колхоз правлениеси идорасининг ўзиёқ бу ерда хўжалик юритиш ишлари пала-партиш олиб борилаётганлигини ойнадай акс эттириб туради. Деразалар синган, пол, сувоқлар кўчган, бинонинг иккинчи қаватига чиқаверишда кўзга ташланғувчи ғордай тешик одамни «ютаман» дейди.

Бундан ўн беш йил муқаддам мазкур хўжалик идорасида бўлган одам худди шу манзаранинг гувоҳи бўларди. Фақат унда колхоз идораси ҳозирги ўрнидан ярим чақирим нарида жойлашганди. Бино янги, колхозчиларнинг пешона тери билан топилган маблағга қурилганига қарамай, колхоз раисидан тортиб электромонтёргача бугун келгану эртага кўчиб кетадигандай қўл учида ишлашар, хўжалик учун жон куйдиришмасди. Фожиа куппа-кундузи рўй берди. Электр симидан ўт чиқиб, хоналардаги жиҳозлар, ҳужжатлар, идора билан туташ муҳташам клуб ёнди-кетди! Колхозга етказилган бу зарар учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмади, ёнғин сабаблари синчиклаб ўрганилмади. 1975 йили колхоз маблағидан янги клуб қурилиши учун 500 минг сўм маблағ ажратилди. 640 ўринли клубга пойдевор ташланди. Аммо ўша йили колхоз пахта тайёрлаш план-мажбуриятларини бажара олмади. Клуб биноси қурилиши 275 минг сўмлик иш бажарилди, деб расмийлаштирилганича тўхтади-қолди. Бир амаллаб клуб ёнидаги ҳаммом қуриб битказилди, холос. Унга ҳам канализация ўтказилмаган. Ўн икки йил давомида мазкур хўжаликда бўлган ўсиш-ўзгариш, маданий қурилиш мана шу бўлди! Ҳар қандай машинани ҳам ишдан чиқариб келаётган колхознинг 400 метрлик ўйдим-чуқур йўлини асфальтлаш ҳақида аҳолидан тушган ариза ва шикоятлар, мактабларда ошна-оғайнигарчилик томир ёйиб кетаётгани, ўқувчилар саводсиз бўлиб қолаётгани ҳақидаги мактублар правление йиғилишларида муҳокама қилинмади.

Колхозга ким райкомнинг биринчи секретарига «ёқса», ўша раис бўлиб келди. Нега бундай бўлмоқда, нега колхозчиларнинг ҳуқуқлари поймол қилинмоқда, суриштиришга колхозчиларнинг юраги дов бермасди.

Фожиа мана шунда эди. Райком томонидан қўйилган раис колхозчиларнинг яшаш шароити, кадрлар масаласи, боғча, мактаблар қуриш билан қизиқмади. Бор иморатни ҳам буздирди. Пахтадан бошқа соҳага қарамади.

Ана шундай раислардан бири Норберди Ҳидоятов эди. У 1982 йилда райком томонидан колхозга раис бўлиб келди. 1986 йили колхозда тафтиш ўтказилганда раис, бош бухгалтер ва кассир колхознинг бир миллион сўм маблағини ўмарганликлари маълум бўлди!

Шундан сўнг район агросаноат бирлашмасининг чорвачилик бўйича раис ўринбосари бўлиб ишлаб келган Шамсиддин Нурмуродов колхозга раис қилиб юборилди. Аммо у чорва мутахассиси бўлганидан, колхозда дарҳол ўзгариш қила олмади. Ишда йўл қўйган жиддий хато ва камчиликлари учун вазифасидан олинган район ижроия комитетининг собиқ раиси яна райкомнинг буйруғи билан раис бўлиб келди!

* * *

— Колхоз бераётган ёрдамни сўрайсиз, унинг ўрнига солаётган солиқларини сўранг, — дейди 5-бригада аъзоси, Қаҳрамон она Ойбаланд опа Эргашева. — Бурноғи йили: «Қўйинг колхознинг тутини ебди», деб туҳмат қилишиб, 230 сўм жарима солишди. Кузда эса... — томоғига нимадир тиқилгандай гапиролмайди Ойбаланд опа.

— Ке, қўй, онаси, нима қиласан шуни айтиб, — уни овутмоқчи бўлади умр йўлдоши Берди ака. Кейин қистовимиз билан маъюс тушунтиради:

— Бошлиқлар кузда бўшаган ерларга кечки помидор экмоқчи бўлишди. Мени қўярда-қўймай звено бошлиғи қилиб тайинлашди. Аммо аёз эрта бошланиб, ҳосилни совуқ урди. Улар эса ана шу ердан олиниши керак бўлган бир тонна помидорнинг пулини жарима сифатида менинг номимга ҳужжатлаштиришган.

Болаларимни ўн-ўн бешта олма, шафтоли ўтқазилган кичиккина боғимиз боқиб келаётганди. Аммо мана, кўраяпсиз, ўнта фарзандим борлигини ўйламай, трактор билан келиб, ёш мевали дарахтларни йиқитишаяпти.

— Йигирма беш йилдан буён ипак қурти боқиб келаман, — дейди Қаҳрамон она Мастура Бобомуродова уларнинг сўзини тасдиқлаб. — Пилла мавсумида бир ғалтакқина кўмир ташлаб кетишади. Иш долзарб пайтда ҳатто пулимизга газ баллонларини вақтида етказиб беришмайди. Саҳардан туриб ўчоққа олов ёқамиз, чой қайнатиб, овқатни ўчоқда пиширамиз. Ҳар йили уч-тўрт баравар баланд нархда кўмир сотиб оламиз. Бир парчагина томорқага сигиримизга ўт экамиз. Эшигимизнинг тагигача пахта экилаяпти. Сарҳисоб пайтида ёз бўйи қилган меҳнатларимиз эвазига 163 сўм устама ҳақ олдик. Ана шу маблағга ўғил уйлантирамизми, қиз чиқарамизми, болаларимизга кийим-бош олиб берамизми? Бу ҳам етмагандай, ҳар нарсани баҳона қилиб чор-атрофга, ҳар хил дорилар сепишади. Ҳамма бало мана шу калтафаҳмликда. Кенг далада қисилиб кетади киши. Мол-ҳол боқадиган ўтлоқ йўқ.

— Мактабимиз биносининг қурилганига қирқ йилдан ошди, — дейди Мастура опанинг умр йўлдоши, 30-мактаб тарих ўқитувчиси Абдусалом Бобомуродов. — Илгари саккиз йиллик эди, ҳозир ўн йиллик бўлган, ўқувчилар сони уч-тўрт баравар ошганига қарамай, колхоз бирорта ҳам синф хонаси қуриб бермай келмоқда. Енгинамиздаги «Коммунизм» колхози қураётган мактабларга қараб кўзларинг қамашади.

— Қўшни колхоз қурилишлар билан, биз эса раисларни алмаштириш билан бандмиз, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари ўринбосари Мардон Мухторов. — Колхозчиларнинг яшаш шароити ёмон эмас. Улар тушкунликка тушишгани йўқ. 1895 гектар пахта майдонимиз бор. Хўжалигимизда ўтган йили 5 миллион 900 минг сўм даромад қилиниб, 1 миллион 622 минг сўм соф фойда олинди.

Кишини ўйлантирадиган жойи шундаки, «Коммунизм» колхозининг ҳам Свердлов номидаги колхозникидан сал кўп — 2486 гектар ер майдони бўлиб, бу колхоз ҳар йили 5 миллион 322 минг сўм даромад қилади. Олинадиган соф фойда ҳатто қўшни колхозникидан кам — 1 миллион 253 минг сўм атрофида. Иқтисодий жиҳатдан иккала хўжалик ана шундай бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Аммо...

* * *

Свердловлиқлар байрам, сайил кунлари дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун «Коммунизм» колхоз марказига — «Хумор» посёлкасига келадилар. Уларни ўзига чорлаб турган нарса «Хумор»нинг беш гектар майдонни эгаллаган маданият ва истироҳат боғидир. 700 туп чинор, 600 туп арча, 400 туп мажнунтол ўз тилида қўшиқ айтади. Соясалқин, оромбахш манзаралар... Шарқ меъморлик анъаналарига амал қилиб безатилган меҳмонхонада дам олиш, клубда шахмат-шашка суриш, боғ тўрида жойлашган фаввора атрофида, чойхонада ўтириб, «Наво» театри саҳнасида «Хумор» бадиий ҳаваскорлик ансамблининг чиқишларини томоша қилиш мумкин.

Истироҳат боғидан чиқаверишда, қарама-қарши томонда жойлашган «Бахт уйи» тантаналари ўзига чорлайди. Колхоз ёшларининг никоҳ тўйларини ана шу гўзал қасрда нишонлаш одат бўлиб қолган.

Истироҳат боғининг ёнида эса Владимир Жонибеков номидаги болалар ва ўсмирлар боғи, беш минг ўринли стадион, улкан спорт комплекси.

Посёлкада муҳташам пионерлар саройи, болалар музика мактаби мавжуд. Мактаб ёнида ярим чақирим майдонни эгаллаган қишки ҳавза.

Узоқдан мовий гумбазли бино кўзга ташланади. 50 ўринли чиройли ҳаммом биноси, жарроҳлик, гинекология, стоматология ва болалар бўлимларидан иборат амбулатория, шунингдек юз ўринли профилактарий аҳоли хизматида.

Ҳали республикамизнинг бирор хўжалигида учрамайдиган гўзал бинолар бунёд этган бундай колхоз дунёнинг қайсидир бурчида эмас, ҳатто ўзига биргина кутубхона ҳам тиклаб ололмаган Свердлов номидаги колхознинг ёнгинасида, манаман, деб туради.

«Коммунизм» колхозига 33 йилдан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров раислик қилиб келади. У шу колхозда туғилиб-ўсган. Бир неча йиллар мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. 1958 йили ҳамкишлоқлари уни ўзларига раис қилиб сайлашди. Колхоз экономикасини яхши йўлга қўйиш билан бирга, келажак авлодларга ҳам хизмат қила оладиган муҳташам бинолар қурилишига қизиқиб кетди. Самарқандда яшовчи меъморлар билан учрашиб, уларни колхозга таклиф этди. Биргаликда колхоз марказида тикланажак посёлканинг лойиҳа-сметасини ишлаб чиқдилар. 200 хўжаликка мўлжалланган икки қаватли замонавий турар-жой, ресторан, озиқ-овқат магазини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйи, хуллас, ҳар бир қурилажак бинонинг ар-

Босилган материалларимиз изидан

* * *

Журналнинг 2-сонидаги «Бувисоранинг иккинчи умри» сарлавҳали мақолани ўқиётганимда, мени ҳам ажал чангалидан сақлаб қолган шифокор Шоҳсанам Камолованинг нурли қиёфаси кўз олдимда турарди. Шу меҳрибон шифокорнинг жонкуярлиги, унинг ҳамкасабалари Хайруллаева, Акромов, Ҳикматова, Қодировларнинг яқиндан берган кўмаги туфайли операциядан муваффақиятли чиқдим. Ҳозир соғман, ширин фарзандларим бағримда.

Беморлар соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиб, уларни оғир дардлардан халос этишда чинакам фидойилик кўрсатаётган ургутлик Мукаддас Қодирова, ромитанлик Шоҳсанам Камолова сингари шифокорлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Гулистон ҚОДИРОВА

Ромитан


* * *

«Гулистон» журналининг 3-сонида «Шиддатли йиллар сабоғи» сарлавҳада босилган мақолани севинасевина ўқиб чиқдим. Негаки, 1927 йили республикамизда «Ҳужум» ҳаракати энди бошланган кезларда паранжи-чачвонни улоқтириб, ўз эрки ва озодлиги учун курашган хотин-қизлар сафида менинг онам Ҳожалби Абдуллаева ҳам бўлганлиги мамнуният билан таъкидланган эди. Ҳа, онам ҳам ўша вақтда шариатнинг хотин-қизларнинг эркини бўғишга қаратилган жабр-зулмини ёшлигидан «тотиб» кўрган. Уни 13 ёшда мажбуран ўзидан анча ёш катта кишига турмушга берганлар. Онам ўз хоҳишига қарши қилинган бу жабрдан қутулиш мақсадида пайт топиб ўша уйдан қочиб кетади. Кейин танишиб, дадамга турмушга чиқади. 1927 йилнинг март ойида биринчилар қаторида ўз паранжисини ташлаб, озодликка эришади. Янгилик сари ташлаган дадил бу қадами учун эскилик ботқоғига ботган акаси Мирфат уни ўлдирмоқчи бўлади. Шунда дадам Шорустам Шоғаффоров онамни Чуст шаҳридан Қорақўрғон қишлоғига олиб бориб, бекитади. Янги ҳаёт ўзанига туша бошлагач, ойим билан дадам ҳам Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол қатнаша бошладилар. Ойим 1929 йилда партия сафига киради. 1937 йилда эса Тошкентдаги партия мактабида ўқийди. Ўқишни тамомлагач, район партия комитетида хотин-қизлар бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Худди шу масъул вазифада туриб, маҳаллий хотин-қизларни социализм қуришдек масъул ишга жалб этишда фаоллик кўрсатади.

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, шиддатли йиллардаги янги ҳаёт курашчиларининг ҳар бири ҳақида достон битса арзийди.

Шакархон ШОРУСТАМОВА

Чуст шаҳри



«Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси Мунаввар Боситхонова.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ)

хитектураси безаклари қандай бўлиши кераклигини у ўзи айтар, меъморлар бу таклиф-мулоҳазалар асосида бинога зеб берар эдилар.

Свердлов номидаги колхоз правлениеси аъзолари эса бу қурилишлар олдидан ўзларини ҳеч нарса кўрмаганга олиб ўтишарди. Колхозчилар улар қураётган мактаблар, болалар боғчалари ҳақида эслатишганда, «қўшни колхознинг қурилиш қиламан деб қарзга ботганини» икки гапнинг бирида қистириб ўтишар, бу билан колхозчиларга хўжаликни тўғри юргизаётганликларини «исботламоқчи» бўлишарди. Бир куни райком бюросида Свердлов номидаги колхоз раиси қўшни колхознинг обрўсини тушириш мақсадида шундай деди:

— Коммунизмликларнинг давлатдан миллион сўмдан ортиқ қарзи бор. Дабдабали қилиб қурган иморатлари ҳозирча колхозга бирор фойда келтираётгани, кетган харажатларни қоплаётгани йўқ. Колхознинг номи улуғ, супраси қуп-қуруқ. Шундай бўлгач, бу колхоз бизга қандай қилиб ибрат бўла олсин?

— Тўғри, биз колхозда катта қурилишларга зўр бердик, давлатдан катта қарз олганимиз ҳам рост, — деди ўрнидан туриб Шамси Назаров. — Аммо биз арқонни узун ташладик. Аввал колхоз марказини узоқ яшаб қоладиган бинолар билан безайлик, кейин қолган посёлкаларни ҳам аста-секин тиклайверамиз, дедик-да. Ахир тома-тома кўл бўлур деган гап бор. Биз ҳозир пахтадан ташқари, колхоз лимонзори, теплица хўжалиги, чорва, паррандачиликдан ҳам катта даромад олаяпмиз. Бу бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришувимизга ёрдам беради. Мана шуларнинг ҳаммаси сизларда ҳам бўлиши мумкин эди, агар ўз манфаатингизни колхоз манфаатидан устун қўймаганингизда, тунларни колхоз экономикасини, маданий қурилишларини ўйлаб беҳаловат ўтказганингизда...

Шу воқеадан кейин ҳеч вақт ўтмай Свердлов номидаги колхоз раиси, бош бухгалтери ва кассири устидан жиноий иш қўзғатилганлиги овоза бўлди.

— Бир йилда колхозни оёққа тургизмасам, отимни бошқа қўяман, — деди янги келган раис колхозчиларнинг умумий йиғилишида ўзини уддабурон кўрсатиб.

Колхозчилар мийиғида кулиб қўяқолишди унинг бу сўзларига. Негаки, колхозда ўн йиллаб юз берган барча номаъқулчиликларга район ижроия комитетининг раиси сифатида унинг ўзи бош бўлиб келганини колхозчилар яхши билишарди. Биргина Карл Маркс номидаги колхозни ҳисобламаганда, райондаги барча хўжаликларда аҳвол уларникидан яхши эмаслиги, бу ерда юз берган ҳангомалар уларда ҳам содир бўлганига айнан район раҳбарларининг ўзи сабабчи бўлишганини билишарди.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Январь пленумидан кейин мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида қайта қуриш, янгиланиш руҳи қизғин тус олди. Энди юзма-юз, дадил ва ҳалол гаплашишнинг вақти келди.

Ўз вазифаларига ҳали ҳамон лоқайд муносабатда бўлаётганлар, қайта қуришни фақат оғизда амалга ошираётганлар, колхоз экономикасини кўтаришга қурби етмайдиганлар, мансаб курсисига маҳкам ёпишиб олганларнинг устидан ҳукм чиқаришга колхозчининг ҳаққи бор.

Назира ИЎЛДОШЕВА

Пахтачи

Шеркон ҚОДИРИЙ

КЎНГИЛ

Ҳикоя

Маъруф ака кийик кўзларини эринибгина очиб, атрофга қаради. Хона сув қуйгандек жимжит. Унинг қаршисидаги каравот яна бўш эди: «Комил уйига кетибди-да», дея хаёлдан кечирди Маъруф ака: «Намунча уйига чопади?.. Ҳар кеч шу аҳвол. Даволангани келдингми, оёқни узатиб ётсанг-чи, эй, инсон... Тавба, болаларини кўрмаса туролмасмиш...»

Маъруф ака бошини силади. Яқинда устара билан қирдирган сочлари қайта ўсибди. Томирлари бўртиб чиққан қўлларига ботди.

— Бугун ҳам ўтди, — деб шивирлади у. — Келишмади... — У бир қанча вақт шифтга қадалиб ётди. Товуш чиқариб эснади. «Туриш керак. Етсанг оғирлашаверасан», деган ўй хаёлига келди.

У туртиб чиққан елкаларини ёстиқдан аста кўтарди. Кафтларини каравотга тираб яна эснади. Сўнг чордона қуриб ўтириб олди. Деразадан кўзига ташланиб турган, ҳайбатли тераклар ортига яширинаётган қуёшнинг қирмизи нурларига термулганча пичирлади: «...Ешлигимдан мана шу пайтни хуш кўрмайман. Гўё, умрингда бир кунини, ҳов ўша қуёш нурлари ўзи билан ер қаърига эргаштириб кетаётгандек...

Уфф... Бу ҳолатни ёшинг бир жойга борганда кўпроқ ҳис этаркансан. Болаликда эса...»

Беихтиёр кўз олдида беғубор болалик дамлари жонланди.

...Маъруфжон ва тўртта укаси тоқиси қорайиб кетган каталакдек уйда улғайишди. Оҳ, нақадар тотли дамлар эди. Уларнинг ҳовлиси жар ёқасида бўлиб, ҳовли этагида садақайрағоч ўсар, жар остида катта сой гувиллаб оқиб ётар эди. Бутун ёзни сувда чўмилиб, балиқ тутиб ўтказишарди... Кун ботар пайтида жар ёқасини қоронғулик босиб, дарахтлар ораси ваҳимали туюларди. Сувнинг шилдираши, турли ҳашоратларнинг товуши қўрқув соларди. Гўё жарлик одамни ўз тубига чорлаётгандек...

Маъруф аканинг елка пайлари қотиб увишди. Тиззалари толди. У оёқларини ёзиб юборди. Елкасини деворга суяб, тиззаларининг кўзини узоқ вақт уқалаб ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Бироз вақт ўтгач, оғриғи кучайиб қайтиб кирди. Ўрнига чўкди ва яна хаёлга чўмди. «Нега келишмади-а? Бугун якшанба, уларнинг дам олиш куни-ку?»

Маъруф аканинг куюнганича бор эди. Унинг касалхонада ётганига бир ҳафтадан ошди. Аммо ўғилларининг ҳеч бири ҳолидан хабар олишмади.

У ўрнидан турди. Мадорсиз оёқларини аста босиб, очиқ дераза томонга ўтди.

— Балки менинг бу ерда эканлигимни билишмас?..

У дарвоза томонга назар ташлади. Йўлакда келувчилар камайганди. Дераза олдида узоқ туриб қолди. Эшик очилиб хонага Мастура хола кирганини ҳам сезмади. Хотинининг берган саломидан чўчиб орқасига ўгирилди.

— Кел, — деди Маъруф ака унга паришон боқаркан.

— Уфф... Келдим. Тузукмисиз? — деди Мастура хола энтикиб.

— Ҳа-а, ётибман... Бу ёққа ўтақол! — деди у курсини суриб.

Мастура хола қўлидаги тугунини тумбочка устига қўйиб, курсига ўтирди.

Бетон деворлар кундузги иссиқдан қизиган, хона ҳавоси дим, нафасни бўғарди.

— Яхши ўтирибсизми? Тузукмисиз? — сўради Мастура хола енги билан елпинаркан.

— ...

— Дўхтирлар нима деяпти?

— Ҳеч нима.

Орага сукунат чўмди. Чол, кампирнинг хаёлида, кичрайиб қолгандек туюлди.

— Бугун ҳам келишмадими? — сўради Мастура хола нафасини ичига ютиб. Маъруф ака индамай юзини тескари бурди.

— Ҳаҳ... Буларга ҳам боласидан қайтар, — ингрягандек бўлди кампир. — Ахир, халқда: «Экканингни ўрасан!» деган гап бор-ку...

«Экканингни ўрасан!» — кўнглидан ўтказди чол. — Мен отамнинг кўнглига тегадиган бирор иш қилмагандим-ку?..»

— Ҳаммасига ергина юткур келинларим сабабчи, — жаврай кетди она. — Ўғилларимни амал қилдириб биздан бездиришди... Болларингиз ҳам ўқиганини оламан деб, танлай-танлай тозисига учрашди...

«Барчасига ўзинг сабабчисан, — деди ота ичида. — Келинларингнинг бирини ўпоқ, бирини сўпоқ дединг. Охири кетиб сендан қутулишди».

У бу гапларни ҳеч қачон ташида айтмаганди, айта олмасди ҳам. Чунки, кишининг бетига тик қараб гапириш унинг қонида йўқ эди. Ўғилларининг бўш-баёв бўлиб ўсишларига шу хислати сабаб бўлганмиди? Буни ҳалигача ўзи ҳам тўла тушунмайди...

— Ота-она болам деркан, — бўғила бошлади кампир. — Бола-чи? Бола? Ўз билганидан қолмас экан... Бизнинг даврда ота-онанинг ҳам, бола-чақанинг ҳам кўнглини олгувчилар бор эди...

— Гап даврдами? Одамларнинг ўзида эмасми? — пичирлади чол. — Балки оилададир?... Шошма! Балки, менинг шу кўйга тушувимга ўзим сабабчидирман? Ахир, енгил-елпи пул топдим, ҳаром-харишни ажратмадим... Бунинг оиламга касофати урмадимикан?..

— Кеча бозорга тушувдим, — кўзига ёш олди хотини. — Анави «офат»ни кўрдим. Неварамни етаклаб юрибди. Кўксида шода марварид. Бўйнинг узилгур мени кўрди-ю, тескари бурилиб кетди. Жоним ҳалқумимга тиқилганча, мўлтираб орқасидан қараб қолдим. Болада нима гуноҳ? Нега этни тирноқдан ажратади?..

Маъруф ака хотинига термулди. Хотини ҳам унинг назарида чўкиб қолгандек эди. Юраги ачишди.

— Уйда тинчликми? — сўради хотинининг фикрини чалғитиш мақсадида.

— Тинчлик.

— Кечаси қўрқмаяпсанми?

— Қўрққанда нима қилардим, — деди у бурнини тортиб. — Меҳринисонинг қизи тунагани чиқаяпти. Қизи тушмагурнинг меҳри бизга жуда бўлакча-да. Кенжангизга шуни олсак ҳам бўларкан, анави «фитна»ни олмай...

— Қўй энди, шундай гапларни! — деди Маъруф ака пешонаси тиришиб. — Кейин, келинлар ҳам бировнинг азиз боласи. Бизга қолса фарзандларинг қаерда бўлса ҳам, тинч яшашса бас-да.

— Биз-чи?

— Бизни бўри ермиди? Эл-юрт омон бўлса...

— Сиз шундай дейсиз. Аммо, нега энди биз бошқалардек яшамаслигимиз керак?..

Маъруф ака ўйга чўмди.

«Онаси тўғри гапиради. Нега бизнинг оиланинг омади кетди? Кенжамни уйлантирдиму бошим ташвишдан чиқмай қолди. Аслишу келиннинг оёғи хосиятсиз чиқди-ёв. Айтишади-ку, «қўйчининг таёғидан, келиннинг оёғидан», деб...»


Маъруф аканинг йўтали тутди. У ўқчий-ўқчий охири тинчиб, ўрнига чўзилди. Бўйин томирлари бўртиб чиқди. Томоғи қақраб кетди. Мастура хола аввалига бироз гангиб қолди. Сўнг дарров чой тутди. Маъруф ака чойдан ҳўплаб, бироз ўзига келгандек бўлди.

— Сен боракол, — деди лабини ялаб. — Кечикасан.

— Майли, — дея Мастура хола кетишга чоғланди. Олиб келган егуликларини тумбочка устига қўйди. Маъруф ака эътибор ҳам бермади. Хотини ортиқча идиш-товоқларни тугунига жойлаб эшикка юзланди.

— Яхши бор, — деди Маъруф ака хотинини эшиккача кузатиб. Мастура хола зинадан тушиб кетгач, эшикни ёпиб орқасига қайтди. Хонани бир-икки айланиб, яна ўрнига чўкди.

«Бояқишга ҳам қийин, — ўйга чўмди у. — Ичи куйганидан



Х. Лутфуллаев чизган расм.

дилидагини тилига чиқаради. Дардини мендан бўлак кимга айтсин? Тағин ҳам фил экан. Ахир, шуларни бир парча этлигидан оқ ювиб, оқ тараб улғайтирди. Энди оғзим ошга етди деганда, ёлғизланиб қолди... Ўғилларимиз яхши бўлиб, биз ёмонга чиқдик. Наҳотки, улар ҳам эрта-бириси кун бизнинг ҳолимизга тушишлари мумкинлигини ўйлашмаса?.. Ҳа, майли. Етса, кўрар»,— деди ғижиниб. У энди ўзини бироз босиб олганди, бироқ бари бир хўрсинар, хаёли паришон эди...

Чол кексайгач, ўғлига: «Менга шифти тоқилик, полсиз, бўйра солиб ўтирадиган уй қуриб берсанг, болам» деганда, Маъруф ака отасининг илинжини бажарганди...

Отаси дармонсизланиб ҳожатга чиқолмай қолганда, суяб олиб чиққан кунлари ҳам бўлганди...

Айни қиш чилласида отасига янги бодринг топиб келганди...

«Ахир, менга уларнинг олиб келадиган овқатлари керакмаску, — дея пичирлади у. — Фақатгина бирров келиб кўнгил сўрашса, ёлғизлигимни ҳис этмасам...»

Чол асабийлашиб ўрнидан туриб кетди. Нима қилишини ва қаерга боришини билмай, хона ўртасида узоқ туриб қолди. Сўнг юзидаги ва бўйнидаги терларини каравотда осиғлиқ турган сочиққа артиб чиқони ёқди. Аммо, чивин талаши эсига тушиб, дарҳол ўчирди. Қўлини орқасига қўйиб, аста юриб дераза томонга ўтди.

Борлиқни мутлақо зулмат қоплаганди. Чироқлар бодроқдек товланарди. Унинг пастга тушгиси, тунги салқин ҳавода масза қилиб нафас олгиси келарди. Бироқ лифтнинг кечқурун ишламаслиги, пиёда тушса, қайтиб чиқишда қийналишини ўйлаб, ноилож дераза токчасига тирсакланди. Ташқарида ҳеч ким кўринмасди. Маъруф ака бир дақиқа ҳеч нимани ўйламасликка тиришди. Аммо, миясига қуйилиб келаётган фикрлар унга тинчлик бермасди...

У ҳозир эсини танигандан то шу кунгача бошидан кечирган яхши-ёмон кунларини ёдига олди. У ҳеч қачон бугунчалик изтиробга тушмаганди. Ҳаётида илк бор юрагига қаради. Қариганда ёлғизланиб қолганини ҳис этди. Шундай аҳволга тушиш сабабларини англай бошлади...

— Ҳаммасига ўзим сабабчиман! — деди у ҳазин овозда. — Болаларимга ҳалолдан топиб едира олмадим. Мен... мен отамнинг: «Кўпчиликнинг ҳақи юқмайди!» деган ўгитига амал қилмадим. Мана оқибати. Эҳ... Агар шу ердан тузалиб чиқсам...

Шу пайт тўсатдан эшик очилиб, хонага жажжигина қизча кириб келди. Йўлакдан тушаётган ёруглик таъсирида, чол қизчани танигандек бўлди. Юраги ҳапқириб чиқони ёқди. Кўзларига ишонмай, қизчага тикилиброқ қаради. Қизалоқ эса, бувасини касалхона кийимида биринчи марта кўраётганлигидан довдираб турарди...

БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТ ЭМАС

АДАБИЙ ТАНҚИДДА ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

Кимнидир қайси бир хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларига кўра яхши, кимнидир ёмон деб таърифлаймиз ва бу таъриф гоҳида тўғри, гоҳида ҳақиқатга зид бўлиб чиқади. Зеро, кимнинг кимлигини бирданига билиб олиш мумкин эмас-ку! Чунончи, бугун кимдир ўз эзгу ишлари билан бизни хушнуд этса, эртага айнаб қолиб, нафратимизни қўзғайди, аксинча, қеча салбий бўлган кимса бугун ижобий томонга ўзгариб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, инсон доимо ўсиш-ўзгариш жараёнида яшайди, унинг ҳаётидаги ҳар хил ижобий-салбий хусусиятлар бир-бирига қоришиб кетади, натижада ҳақиқатни аниқлаш анча қийинлашади. Ваҳоланки, биз аксари ҳолларда кишиларнинг бир-икки аломатига асосланиб бировини «оқ», бировини «қора» деймиз, бироқ бу баҳо кўпинча ҳақиқатга мос тушавермайди. Ахир, таърифлаш, баҳолашда ҳамма вақт ҳаёт мураккабликлари, зиддиятлари акс этавермайди-ку! Хуллас, асл моҳиятни англаш осон эмас. Бу бадиий ижодга, адабий танқидга бевосита тааллуқлидир. Чунки сўз санъати инсоннинг ижтимоий-маънавий изланишларини, интим дунёсини тадқиқ этса, адабий танқид мана шу ишнинг қандай бажарилганини текширади, яъни ёзувчилар қаҳрамонларнинг ҳаққоний, оригинал, баркамол образларини яратгани ёки яратолмаганини, ўқувчилар оммасига завқ-шавқ бахш этиб, унутилмас сабоқ бергани ёки беролмаганини илмий-эстетик таҳлилдан ўтказиб, замон, давр талабига мувофиқ талқин этади. Ахир, таҳлилу талқин адабий танқидчиликнинг «жонию тани», уриб турган «юраги», деб бежиз айтмаймиз-ку!

Ҳамма гап мана шу таҳлилу талқинда. Таҳлил қанчалик чуқур, салмоқли, оригинал мазмун касб этиб, ҳаётий ва бадиий ҳақиқатни тўғри ёритса, тилга олинган ёзувчи қиёфаси, истеъдодини кўз ўнгимизда аниқ гавдалантирса, муайян асар қадр-қимматини бехато кўрсатса, давр, замон руҳини ўзида ифодаласа, ўқувчига шунчалик зўр, унутилмас сабоқ беради, ижодий жараёнга таъсир қилади, янги зафарлар қучишга илҳомлантиради. Бундай таҳлилу талқинни юзага чиқариб, уни ўқувчиларга етказиш, уларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш, бойитиш, юракларини «жизиллатиш» учун бениҳоя ноёб ва нодир истеъдод зарурдирки, масаланинг шу жиҳати оғизда эътироф этилади-ю, бироқ амалда намоён қилинмайди. Ахир, ҳақиқий истеъдод меваси бўлиб туғилган ҳар бир тақриз, ҳар бир мақола ва тадқиқот такрорланмас мазмун касб этиб, ўз шаклу салобатига, ўз «таъмию» мазмунига эга бўлиши керак-да! Ваҳоланки, кўпгина адабий-танқидий мақолалар эгизаклардек бир-бирларига ўхшайди, уларда ўзига хос такрорланмас илмий-эстетик мазмунни кўрмаймиз, ёзувчи қудрати, истеъдоди, асарлари моҳиятини ёритадиган жонли фикрлар, оҳори тўкилмаган кузатишлар, ақлу юракни ҳайратда қолдирадиган ҳукм-хулосаларни учратмаймиз. Лекин асарларни яхши, ўртача ёки ёмон деб баҳолашдан, ижодкорлар шаънига айтилган ижобий ёки салбий мулоҳазалар мавжуд. Бунга, умуман айтганда, эътироз билдириш қийин. Негаки, истайсизми-истамайсизми, асарни ўқиганингиздан кейин баҳолашга мажбурсиз. Тўғри, баҳолаш билан баҳолашнинг фарқи бор. Масалан, оддий китобхон менга бу асар ёқди, униси ёқмади, деб хоҳлаган фикрини айтиши мумкин, улардан чуқур илмий-эстетик таҳлил талаб этилмайди. Бироқ мутахассис танқидчи бадиий ижодга оид қайси бир ҳодиса тўғрисида қандай сўз айтмасин, нимани маъқуллаб, нимани инкор этмасин, барчасини тўғри талқин этиб, баркамол таҳлилдан ўтказишга мажбурдир.

Табиийки, танқидчи ҳам ўқувчи сифатида нимanидир ёқтириши, нимanидир рад этиши мумкин, аммо унинг китобхон тарзида юритган мулоҳазалари мутахассис олимнинг ўйлари, кузатишлари, ҳукм-хулосаларига қўшилиб кетиб, шундай салмоқли илмий-эстетик ҳақиқатни юзага келтириши керакки, бу ҳақиқатдан ёзувчилар ҳам, кенг китобхонлар оммаси ҳам баҳраманд бўлсин, унутилмас сабоқ олсин! Бинобарин, мунаққид бадиий ижодни шунчаки шарҳлаб, умумий тарзда фақат баҳолайдиган қаламкаш эмас, балки ёзувчи фаолиятини, асарларини, адабий ҳаётни мавжуд зиддиятлари билан реал воқеликка, ижтимоий тараққиётга таққослаб ёритадиган, пировардида ўзига хос янги илмий-эстетик фикрлар, ҳукм-хулосалар кашф этадиган яратувчидир. Танқидчи олимдирки, у ўзида айни бир замонда санъаткору файласуф, публицисту психологнинг бир қанча хусусиятларини ўзлаштириб, ҳам адабий-бадиий дунёда, ҳам ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни илмий-эстетик таҳлилу талқин орқали гавдалантиради.

М. Қўшжоновнинг «Иброҳим Раҳимга очиқ хат», «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа», О. Шарафиддиновнинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Характер — бадиийлик мезони», У. Норматовнинг «Изланишлар қандай кечаётир ва баҳоланаётир» мақолаларида ўзига хос илмий-эстетик оламни яратишга интилган олимни кўрамиз. Умуман олганда, мана шу уч мунаққид ва уларнинг анъаналарини ривожлантираётган айрим истеъдодли танқидчилар бақувват мақолаларидагина эмас, балки бир қанча ўртамиёна, заиф чиқишларида ҳам ибратли фикрларни, қизиқарли кузатишларни, баҳсли ҳукм-хулосаларни учратамиз, уларнинг яхши жиҳатларини маъқуллаб, айрим пишиб етилмаган томонларини танқид қиламиз. Хуллас, уларни ўзига хос истеъдодли мунаққид сифатида эътироф этиб, эришган муваффақиятларидан хурсанд бўламиз, айрим камчиликларини кўриб эзиламиз, яъни қувончларига ҳам, ғам-аламларига ҳам шерикмиз.

Адабий танқидчиликда қайта қуриш, туб бурилиш, жадаллаштириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, илмий-эстетик ижоднинг мана шундай заҳматкашлари фаолиятини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказишимиз, ютуқларини оммалаштириш, камчиликларига қарши курашиб, уларни барҳам топтиришга киришмоғимиз зарур. Яна бир муҳим вазифа шундан иборатки, адабий-бадиий тараққиётга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган, танқидчилик равнақига зарар етказадиган жуда кўп заиф, саёз мақолалар, тақризлар, тадқиқотлар моҳияти рўйи рост очиб ташланмаса, шунга ўхшаш қусурларга қақшатгич зарба берилмаса, олға шаҳдам қадамлар билан илгарилаб кетишимиз амримаҳолдир. Бу шундай камчиликларки, уларга партиямиз XXVII съезди, Марказий Комитетининг Январь (1987) пленуми қарорларидан кейинги ҳозирги покланиш, янгиланиш даврида асло тоқат қилиб

бўлмайди. Аниқроғи, ҳаддан ташқари кенг тарқалган умумий йўсинда баҳолаш, исботсиз мақташ, далилсиз танқид қилиш иллатларига қарши курашни кучайтириш ҳақида сўзлаётирмиз.

Даъвомизга аниқлик киритиш мақсадида дастлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1987 йил, 27 март) газетасида босилиб чиққан Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳамза ва Мирзо Турсунзода» мақоласига мурожаат этамиз. Кўриниб турибдики, қаламга олинган мавзу ниҳоятда долзарб ва муҳим. Ахир, икки қардош халқлар адабиётларининг забардаст вакиллари ўртасидаги ижодий муносабатларни ёритиб, дўстлик, интернационаллик каби муқаддас ғояларнинг сўз санъатидаги ифодасини кўрсатиш бугунги кунниг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири-ку! Мақолада Мирзо Турсунзоданинг «Ешлик чоғларимда ўртоқларим каби революция ҳақидаги янги қўшиқларни кўпроқ эшитишга интилар, тезроқ ўрганиб олиб, бошқа ўртоқларим билан биргаликда йиғилишларда, намойишларда мароқ билан айтардим. Рус, тожик революцион қўшиқлари қаторида ўзбек қўшиқларини, жумладан Ҳамза Ҳакимзода қаламн билан ижод этилган «Ишчилар, уйғон!», «Ҳой-ҳой, отамиз» ва бошқа шу каби жанговар қўшиқларни жону дилимиз билан куйлар эдик», деган эътирофу эҳтироми келтирилади, тожик совет адабиётининг йирик намояндаси ўзбек совет адабиётининг асосчисидан кўп нарсаларни ўргангани тўғрисида ҳаққоний мулоҳазалар ўртага ташланади, бу мулоҳазаларнинг далили сифатида қуйидаги мисраларга диққатимиз жалб этилади:

Ҳаммамиз бир ватандошмиз,
қардошмиз,
Кўнглимиз бир, сўзимиз бир,
йўлдошмиз.
Шу туфайли ортди шуҳрат-шонимиз,
Бирга-бирга яшаймиз шод, музаффар,
Бизга даҳшат сололмайди
хавф-хатар.

Мана шу шеърий банд қуйидагича изоҳланади: «Бу мисралар улуғ ўзбек шоирининг революцион поэзиясининг оҳанги билан ҳамоҳангдай сезилади».

Майли, шундай бўлсин, дейлик. Бироқ ҳамоҳанглик мавжудлиги Ҳамзанинг қудратини билдирадими? Еки Мирзо Турсунзоданинг улуғворлигини кўрсатадими? Аслида чинакам ижодкорлар, баркамол асарлар ўртасида муайян муштараклик бўлади, уларнинг нималаридир ўзларининг ҳамоҳанглиги билан бир-бирларига ўхшаб кетади, лекин бунинг ўзигина ижодий ҳамкорлик, ижодий ўрганиш, таъсирланишни белгиламайди. Умуман, мазкур мақолада илмий-эстетик жиҳатдан ўқувчиларни бойитадиган салмоқли ғояни тополмайсиз, унда адабий-бадиий ҳодисаларнинг ҳозирги замон талабларидан келиб чиқадиган янгича таҳлилни учратмайсиз, ҳаммага маълуму машҳур мулоҳазалар умумий йўсинда баён этилади, бу баённома бир зумда ўқилади-ю, бир зумда хотирдан кўтарилади.

Балки бу тасодифий ҳолдир, бошқа мақолаларида юрагимизни «жиз» эттирадиган, унутилмас, сабоқ бўладиган мулоҳазалар бордир, деб муаллифнинг яна бир мақоласини кўздан кечирамиз. Бу «Театр пьесадан бошланади» («Совет Ўзбекистони», 1986 йил 31 декабрь) мақоласидир. Эътироф этиш керакки, яхши ном. Аммо мазмуни номига мувосибми?

Мақолада «театрларнинг ижодий қиёфаси ва ҳаётини, оммага таъсир кучини аниқлайдиган, режиссёр ва актёрларнинг истеъдодини намоён қиладиган, умуман, саҳна санъатимизни истиқболга йўллайдиган асосий омиллардан бири, муҳими — драматургиядир», деган нуқтаи назарда бир қанча тўғри гаплар айтилади, сон жиҳатидан олганда, ҳеч қандай нуқсон йўқлиги, аммо сифат бобида қолоқлик борлиги таъкидланади. Сўнгра бир қанча яхши драматик асарлар ёзилганлиги уқтирилиб, шундай дейилади: «Курорт» (У. Умарбеков), «Ойна» (У. Назаров), «Қабул куни» (Т. Тўла), «Бир миллион можароси» (Ҳ. Ғулом) пьесалари асосий ғоявий ниятни — ижобийликни тасдиқлашга, салбий ҳодисаларни маҳв этишга қаратилган. Бу асарларнинг ижобий томонлари шундаки, улар адабиётга ўзларига хос услубда **янгиликлар** олиб кирдилар, уни **оригинал характерлар** билан бойитдилар» (Таъкид бизники — **Н. Х.**).

Қаранг-а, драматургларимиз адабиётимизни бойитадиган янгиликлар олиб келибди, оригинал характерлар кашф этибди, бундан оғзимиз қулоғимизга етгунча қувонмоғимиз даркор-ку, деб бу мақтов моҳиятини англашга шошиламиз, аммо мақолада тилга олинган саҳна асарларининг қайси бирида қандай янгилик, қандай оригинал характерлар яратилгани ҳаққоний таҳлил орқали кўрсатилмайди, образлар талқини билан исботланмайди. Оқибатда истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам «мен шу асарларни яхши деб юксак баҳоладимми, шундай бўлиши керак», деган қатъий ҳукм келиб чиқади, лекин бу ҳукм баъзи тўғри мулоҳазаларга асосланганига қарамасдан ишончимизни қозонолмайди. Ахир, далилсиз ҳукмнинг бошқача таъсир кўрсатиши мумкин эмас-ку!

«Театр пьесадан бошланади» мақоласидаги танқидий мулоҳазаларда масаланинг шу жиҳатлари эътиборга олингандир, деб қуйидагиларни кўздан кечирамиз: «Жуда кўп пьесалар заиф, енгил-елпи ёзилган. Зарур масалаларнинг, воқеаларнинг туб моҳиятини, уларнинг аҳамиятини келтириб чиқарган илдизларини чуқурроқ очиб бериш, ҳар бир факт, ҳодисанинг фалсафасини ёритиш, кенг социал умумлашмалар қилиш, бой руҳий оламга эга, меҳнатда фаол, курашда муросасиз бўлган қаҳрамонларнинг образларини яратиш ҳоллари **ҳозирги драматургиямизда камдан-кам учрайди»** (Таъкид бизники — Н. Х.).

Майли, ўшандай образлар ҳозирги драматургиямизда камдан-кам учрайди, дейлик, бироқ нима учун мақолада бир неча пьесалар юксак баҳоланиб, кўкларга кўтарилди? Афсуски, бунга тушуниб бўлмайди. Нуқсонларнинг мазмуни тўғри таърифланиб, моҳияти чуқур ёритилмас экан, адолат тўғрисида сўзлашга ҳожат йўқ. «Шукруллонинг томошабин диққатига сазовор бўлган «Ўғрини қароқчи урди», «Жанжал» комедияларида ўринли топилган комик ситуацияларни мамнуният билан қайд қилган ҳолда порахўрлик ва текинхўрликнинг **социал зарралари** (?) юзакироқ очилганлигини таъкидлаймиз», дейилади мақолада.

Бунга ҳам эътироз билдирмайлик, аммо қандай комик ситуациялар назарда тутилаяпти? Уларни нима учун ижобий баҳолаш керак? «Порахўрлик ва текинхўрликнинг социал зарралари юзакироқ очилган» деган фикрни қандай тушунайлик? Бу фикр қайси образлар, характерларда намоён бўлади?

Саволлар кетидан саволлар туғилаверади, бироқ уларга илмий-эстетик таҳлилдан келиб чиқадиган ишонарли жавоб қайтарилмайди. С. Аҳмаднинг янги комедияси ҳақида билдирилган эътирозлари тўғрисида ҳам шундай дейишга мажбурмиз: «Куёв» комедиясида майда-чуйда маиший икир-чикирлар каттароқ ўрин эгаллаб, масаланинг моҳиятини тўла очишга бироз халақит берган».

«Майда-чуйда маиший икир-чикирлар», деган ибора нимани англатади? Қандай масаланинг моҳиятини ёритиш хусусида сўз кетаяпти?

Саволлар яна жумбоқлигича қолаверади. «Куёв»нинг нима учун танқид қилинаётганини тушунолмаймиз. Энди яна бир пьеса талқинига назар ташлайлик: «Тўра Мирзо «Саратонда изғирин» асарида ижодий ниятига етарли эриша олмаган. Унда ўғрилик, порахўрлик, очкўзликнинг ярамас оқибатлари деярли кўринмайди».

Хўш, драматург нима учун ижодий ниятига етарли эриша олмабди? Қаламга олинган иллатларнинг оқибатлари қандай ҳолда қандай қилиб кўриниши шарт экан?

Афсуски, жумбоқлар яна ечилмасдан қолади. Ахир «Саратонда изғирин» пьесаси Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ конкурсида (1986) биринчи мукофотга сазовор бўлди. Демак, унда шунга яраша қандайдир муҳим фазилатлар мавжуд, аммо мақолада эса, асарнинг ижобий хусусиятлари ҳам, мавжуд камчиликлари ҳам очилмайди. Айни чоқда Э. Солиҳов ва Ш. Калонхоновнинг «Эрингман-ку, Садоқат», И. Отақуловнинг «Қамашган кўзлар», Э. Самандаров ва А. Отажоновнинг «Жавоҳир» пьесалари тилга олиниб, «уларда драматурглар мустаҳкам ҳаётий позициядан туриб, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қила олмаганлар», «қаҳрамонларнинг ҳар бирига аниқ характеристика бера олмай адашиб кетганлар», деган танқидий фикр илгари сурилади, лекин бу фикр ҳам асарларнинг ўзларидан келтирилган ҳаққоний дастак-далиллар билан исботланмайди.

Диққат қилинг: ўнлаб драматик асарлар ижодий муваффақиятсизлик тарзида баҳоланади, бироқ улардан бирортаси таҳлил қилинмайди, умумий тарзда тавсифланади, холос.

Табиийки, бир мақолада бир неча асарни атрофлича кўриб чиқиш, уларнинг моҳиятини бутун икир-чикирларигача очиб бериш мумкин эмас, буни ҳеч ким талаб ҳам қилмайди. Гап бириккита ижобий ҳамда салбий фактларни олиб, «театр пьесадан бошланишини» кўрсатиш зарурлиги ҳақида кетаётир. Мақолада мана шу вазифа удданамаган.

Икки мақолани қузатиш орқали бундай хулоса чиқариш балки адолатдан бўлмас, дея учинчи мақолага мурожаат этамиз. Учинчи мисолимиз «Беруний саҳнада» деб аталади. Кўриниб турибдики, гап ўзбек халқининг буюк фарзанди, даҳо олимига бағишланган пьеса ва спектакль тўғрисида боради. Мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: «Атоқли санъаткор Уйғун ва санъат маконининг ажойиб коллективи Ўрта Осиёнинг буюк олими ҳаёти ва курашини, ўша давр тарихини кўз олдимизга яққол келтириш билан бирга бизни узоқ ўтмиш воқеаларини ичига олиб кириб кетади ва улардан зарур, шу билан бирга замонавий масалаларни топади. Булардан бири ва муҳими — абадий проблема бўлиб келган жаҳолат ва фан ўртасидаги зиддият. Ҳа, бу курашда Беруний ниг қиёфаси, салобати тўла намоён бўлади».

Энди олим ҳаётини гавдалантирадиган қандай курашлар, қандай зиддиятлар қаламга олингани, уларнинг драмада, саҳнада қандай талқин этилгани, қандай замонавий масалалар ёритилгани тўғрисида сўз юритилар. Беруний қиёфаси, характерининг қайси жиҳатлари, хусусиятлари кашф этилганига диққатимиз жалб этилар экан, деб кутамиз. Афсуски, кутилган натижамиз рўёбга чиқмайди. Тағин асар ҳақидаги умумий мулоҳазалар ўртага ташланади: «Автор ва театр коллективининг ютуғи шундаки, бу абадий проблемадан ўзига хос конкретликни, бошқа асарлардан ажралиб турадиган жиҳатларни топиб, ўшаларга урғу қилдилар, оқибатда мангу теманинг янги-янги қирраларини очиб бердилар».

Майли, шундай бўлсин, дейлик. Бироқ қани ўша мавзунинг янги-янги қирралари? Қани ўша мақталган ўзига хос конкретлилик? Нималарга урғу берилиб, нималар шунчаки қайд этилган? «Абадий проблема», «мангу тема», дейилганда нимани тушуниш керак?..

Беруний ҳаёти, фаолияти, у яшаб, ижод этган давр, тарихий муҳит қандай қилиб, нималар билан бадиий тадқиқ этилгани, қандай образлар орқали тасвир-

лангани таҳлилдан ўтказилмайди. Таҳлилу талқин ўрнини мана шундай мулоҳазалар эгаллаган: «Берунийнинг нияти илмнинг янги сирларини очиб, халққа тақдим этиш, унинг онгини чароғон қилиш, хурофот балоларидан халос этиш. Бу нарсани саҳнада олимнинг биринчи баҳсларидан бошлаб, фанга кафан бичадиган золим Маҳмуд Ғазнавий билан бўлган тўқнашувгача бўлган (услубга эътибор беринг: бир жумлада «бўлган» сўзи икки карра ишлатилган — Н. Х.) воқеа-ҳодисалардан сезиб борамиз... Спектаклда Беруний ихтироларининг бадиийлигини очадиган муҳим воситалар тўғри топилган...»

«Тўғри топилган», яхши очиб берилади, ҳаққоний ёритилган, ишонарли гавдалантирилади...

Мулоҳазалар шу йўсинда давом эттирилади, бироқ нималарни тўғри топилиб, нималарнинг яхши очиб берилгани, қандай образларнинг ҳаққоний ёритилиб, қайси қаҳрамонларнинг ишонарли гавдалантирилгани мақолада кўрсатилмайди. Мақталаётган асарнинг бевосита ўзи, қаламга олинган ҳодиса-воқеалар, қаҳрамонларнинг, яъни тарихий шахслар билан фактларнинг ёзувчи томонидан бадиий тадқиқ этилган жиҳатлари эмас, балки уларнинг реал ҳаётдаги хусусиятлари таърифлаб-тавсифлаб берилади.

Юқорида кўриб ўтилган уч мақола шу йўсинда ёзилган. Уларнинг бир-бирига ўхшаб кетиши бежиз эмас-ку, ахир! Лекин бу ўхшашлик кишини қувонтирмайди, аксинча, ташвишга солади. Негаки, ҳар уч мақолада салмоқли илмий-эстетик мазмун йўқ, фақат умумий йўсинда айтилган айрим тўғри фикрлар мавҳум, ноаниқ, асоссиз мулоҳазаларга қўшилган ҳолда баён этилади ва мақолаларда мақталаётган ижодкорларга меҳру муҳаббатимизни уйғотмайди. Наҳотки, шундай бўлса? Ахир, Ҳамза, Мирзо Турсунзода сингари ўзбек ва тожик адабиётларининг буюк намояндалари, Уйғун, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров каби ҳар хил савиядаги ғоятда тажрибали ижодкорларимиз фаолияти, айрим асарлари тўғрисида сўз юритилган эди-ку? Бунга ким айбдор? Табиийки, Ҳамза ё Мирзо Турсунзода, Уйғун ёки Ўлмас Умарбековнинг айби йўқ. Шундай экан, нима учун бунга эътиборингизни жалб этаётирмиз?

Гап шундаки, Ҳамзага бағишланган тадқиқотларни танқид қилсак, нега энди ўзбек совет адабиётининг асосчисини камситаяпсиз, Уйғун ёки Яшин асарлари моҳиятини ёритадиган айрим мақолалар, тақризларнинг хомлигини кўрсатишга интилсак, баъзи танқидчилар дарров ёқамиздан олгандай қилиб, нега энди оқсоқол адибларимизга беҳурматлик кўрсатаяпсиз, уларга ўринсиз тош отаяпсиз, деб айюҳаннос солишадики, бу демагогия, ғирромликнинг ўзгинасидир.

Қаранг-а, оддий ҳақиқатни ҳам «ҳижжалаб» тушунтиришга мажбурмиз. Негаки, уни оғизда, тилда тан олишади-ю, бироқ амалда кўпинча юзага чиқаришмайди. Таҳлилу талқинга ҳам худди шундай муносабатда бўлишади. Ҳолбуки, у адабий танқиднинг ибтидоси. Ҳар қандай мақола, тақриз, тадқиқот таҳлилу талқиндан бошланади, давом эттирилади, ниҳоясига етказилади, бизда эса, аксари ҳолларда таъриф тавсифлар, баённчилик, умумий мулоҳазалар ҳукмронлик қилади. Гап атиги учта адабий-танқидий материал тўғрисидагина кетаётгани йўқ. Афсуски, адабий танқид намуналари деб тақдим этилаётган ўнлаб, ҳатто юзлаб мақолаларда, тақризларда, кўламли тадқиқотларда таърифу тавсифчилик, баённчилик, юзакилик каби иллатлар аниқ, ёрқин, таъсирчан илмий-эстетик ҳақиқатнинг юзага чиқишига монелик кўрсатаяпти, ижод жараёни, ёзувчилар фаолияти, сўз санъати тараққиёти тўғрисида ниҳоятда саёз, бир ёқлама, ҳатто бутунлай нотўғри тасаввур туғдираяпти. Буни ҳозиргина тилга олинган уч мақола муаллифи фаолиятида яққол кўрамиз.

Маълумки, у жуда сермаҳсул, фаол ишловчи, анча тажриба тўплаган адабиётшунос. Яхши ният билан қўлга қалам олади, қаламга олинадиган объектни, муайян ёзувчи, асар хусусиятларини ўрганади, бадиий ижод, илмий-эстетик тафаккур равнақи учун курашаётганини айтади, айрим тўғри мулоҳазалар, яхши ҳукм-хулосаларни ўртага ташлайди. Ахир, у Ҳамзанинг ўзбек совет адабиётига асос солганини, Мирзо Турсунзода тожик адабиётининг йирик саркардаларидан бири эканлигини таъкидлаб, ҳозирги ўзбек драматургиясида айрим ютуқларга эришилиб, жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганини уқтирганда бизда эътироз туғилмайди-ку! Аммо бу гапларни ўрта мактаб талабалари ҳам билади! Ҳақиқий олим эса, мана шу кўпчиликка маълуму машҳур ҳақиқатларнинг яшириниб ётган номаълум, ноаниқ жиҳатлари, хусусиятларини ёритиб, фақат ўзига хос бўлган илмий-эстетик белгиларни кашф этиши, ўз услуби, эътиқодини намоён қилиб, кўпчилик учун унутилмас сабоқ берадиган манба яратиши лозим. Ҳафиз Абдусаматовда шу хусусият етишмайди. Буни унинг бир қанча мақолаларидагина эмас, балки Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Яшин ҳақидаги кўламли китобларида ҳам кўрамиз. Бу китоблар, айниқса, Уйғун ва Яшинга бағишланган тадқиқотлар асосан чиройли, ялтироқ таърифу тавсифлардан, мақтов руҳида битилган баённомалардан ташкил топган.

Унинг автори эса қайси танқидчи Яшин ёки Уйғун ижодини, асарларини мавжуд мураккабликлари, фазилатлари, етишмовчиликлари билан ёритишга жазм этса, ўшанга таҳдид қилиб, гўё камситилган санъаткорлар ҳимоясига отланади. Чунончи, Баҳодир Ғуломов ўзининг бир мақоласида «Ҳамза» пьесаси ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Асарда конфликт кескинлигини таъминлашда баъзи ҳодисаларда ҳаётийлик етишмайди. Масалан, Ҳамза жаҳолат, бидъат, хурофот ҳукмрон бир шароитда, диндорлар уяси ва қуршовида уларнинг пирини чигирткадай текинхўр, ҳайвондан баттар каби сифатларда лаънатлайди. Бу ҳол Ҳамзадай юксак ақлу идрокли, фаҳму фаросатли ва доно бир шахснинг иши бўлганлигига ишониш қийин».

Қаранг-а, асардаги баъзи воқеаларда ҳаётийлик етишмаяпти, дейилмоқда, яъни драматург фазилатлари, у эришган ижобий натижалар эътироф этилаяпти, фақат жиндак танқид қилинаяпти. Бунга жавобан Ҳ. Абдусаматов «Бош мезон — ҳаёт» мақоласида шундай дейди: «Бу гапдан кўринадики, танқидчи улуғ атеистни балки либерал деб тушунса керак. Пьеса муаллифлари Ҳамзанинг бутун ижоди ва фаолиятидан келиб чиқиб, асарда унинг ҳаққоний қиёфасини яратганлар-ку!»

Яна бир мисол. Санъатшунос Тоҳир Исломов ўзининг «Замон ва шахслар талқини кўнгилдагидекми?» («Совет Ўзбекистони санъати» журнали, 1985, 2-сон) мақоласида Уйғуннинг «Зебуннисо» драмасидаги мавжуд фазилатларни қайд этиб, қуйидагича эътироз билдиради: «...пьесада тарихий шахс масаласида тарих ҳақиқати, факти, ҳужжатлари эмас, балки авторнинг кўнглига хуш ёқиб қолган фикр, сохта тасаввур устун келган». Бошқача айтганда, Зебуннисо ўта ижобийлаштирилиб, гўё ҳозирги замоннинг курашчан қаҳрамонларидек ўз отасининг халқни эзаётганини, ашаддий эксплуататор эканлигини дадил фош эта бошлайди, мана шу ўринларда тарихий ҳақиқат, давр руҳи етарли даражада ҳаётийлиги билан гавдалантирилмаганки, санъатшунос шуни назарда тутиб, «Зебуннисо»даги айрим нуқсонларни кўрсатаяпти, холос. Ҳ. Абдусаматов бунга унамайди, у Уйғун ва Яшин қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти мобайнида бирорта нуқсонга йўл қўймаган, жиддий муваффақиятсизликка учрамаган, деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, Лев Толстой, Федор Достоевский сингари бутун дунёни ҳайратда қолдириб, оламшумул шуҳрат қозонган даҳолар ҳам баъзан бироз бўшроқ асарлар ёзганини жуда кўп тадқиқотлардан ўқиганмизку! Мана шундай буюк ижодкорларнинг айрим етишмовчиликлари хусусида мулоҳаза юритилиши уларнинг шон-шуҳратига ҳеч қандай путур етказаётгани йўқ.

Ҳ. Абдусаматовни бундан бехабар деб бўлмайди. Унинг Абдулла Қаҳҳорга бағишланган тадқиқотида буни яққол кўрамиз. Муаллиф атоқли адибимизнинг ҳикоялари, қиссалари, романлари, драмалари тўғрисида бир қанча тўғри фикрлар айтади, ёзувчининг «кичик проза»да Бутуниттифоқ миқёсидаги юксакликни забт этганини алоҳида таъкидлайди, бироқ мазкур таъкидлар, мулоҳазалар асарлар таҳлилидан келтириб чиқарилмайди. Мунаққид кўпинча асарлар мазмунини қисқача баён қилади, қаҳрамонларини умумий тарзда таърифлаб тавсифлайди. Аммо қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, ижтимоий ва оилавий дунёси қандай ёритилганлигини, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга қандай айлантирилганлигини илмий-эстетик таҳлилдан ўтказмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «Сароб» қаҳрамони тўғрисидаги қуйидаги мулоҳазаларга бир нигоҳ ташланг: «Саидий — шуҳрат, бойлик излаб, муҳаббат қидириб, душманларнинг тўрига илинган кимса. У бир-икки асари босилиб чиқишидан, миллатчи адабиётчилар ичида «обрў»га эриша бошлашидан хурсанд. Шунга ва Мунисхоннинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, совет давлатининг душманига айланиб қолади».

Мунаққид берган бу таъриф «Сароб» қаҳрамонининг моҳиятини бутун мураккабликлари билан ҳаққоний ёритишга ожиздир. Айниқса, бадиий ижод қонунларига мос тушмайдиган таъналар танбеҳлар ёмон натижаларга олиб келишини алоҳида таъкидлаб, фикримизни мисоллар орқали исботлашга интиламиз: «А. Қаҳҳорнинг сатирик қиёфаларида кулгили персонажлар пухта чизилган, улар асосли равишда танқид қилинадилар. Аммо уларга қарши қўйилган, ўзларида кулгининг тасдиқловчилик функциясини гавдалантириши лозим бўлган ижобий қаҳрамонлар бўшроқ чиққан».

Худди шунга ўхшаш айб «Сароб» романига ҳам қўйилган: «Аммо шунга қарамай, коммунистик идеални ташувчи ижобий қаҳрамонлар образи тўлақонли бўлиб чиқмаган. Уларнинг барчаси ҳам... бадиий томондан бўш, эпизодик персонажлар бўлиб қолган».

Энди «Оғриқ тишлар»даги нуқсонга диққат қилинг: «Лекин умуман олганда, ижобий персонажлар салбий типларга нисбатан бадиий томондан анча бўш ишланган».

Нега энди адабиётшунос бир неча асардан бир хил нуқсонни топиб, уни рўкач қилаяпти? Айтайлик, «Сароб»нинг марказида Саидий образи — ҳаётдан адашган, яшаш, кураш, меҳнат қилишда аниқ дунёқарашга эга бўлмаган, гоҳ яхшиликлар, гоҳ ёмонликлар орасида юрган, оқибатда ўзлигини тополмасдан, жамиятни, муҳитни тушунолмасдан фожиага юз тутган одам туради. Борди-ю, шу образ муваффақиятли чиққан бўлса, ёзувчини ижодий ютуққа эришган, деб ҳисоблаш керакмаси?

Буни Ҳ. Абдусаматов билади, шунинг учун «коммунистик идеал салбий типларни фош қилишга қаратилган. Бу идеал руҳида ғаламисларнинг фаолияти таҳлил қилинган», дейди. Бинобарин, «Сароб»да ажойиб ижобий қаҳрамон бор. Бу қаҳрамон — Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи. Йўқ, у асар воқеалари ичида қатнашмайди, «қатнашиши» мумкин эмас. Рўй бераётган ҳодисаларни «четдан» туриб кузатади, уларни ҳаёт ҳақиқати, коммунистик эътиқод нуқтаи назаридан ёритади, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларида ўзининг руҳи билан иштирок этади.

Салбий ҳодисаларни диққат марказига чиқариб, иллатларни фош қилиш мақсадида ёзилган барча асарларда ёзувчи мана шундай ижобий қаҳрамон сифатида майдонга чиқади, қаҳрамонларнинг тўқнашувлари, хатти-ҳаракатлари, кечинмалари тасвирини ўз нигоҳидан ўтказиб

турадиган фаол, курашчан ижобий қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Буни ҳам мунаққид яхши тушунади, шекилли, у сатирик асарда «кўпроқ ўринни сатирик образлар олиши, улар авторнинг диққатига кўпроқ сазовор бўлиши лозим», деб ёзади ва иллатларни фош этувчи барча асарларда ижобий қаҳрамонларнинг ҳаракат қилиши шарт эмас, деган фикрни инкор этмайди. Шунга қарамасдан, мунаққид А. Қаҳҳор асарларида нуқул салбий типларни маҳорат билан чизган-у, ижобий қаҳрамонларнинг тўлақонли чиқишига эришмаган, деган фикрга ҳадеб урғу бераверади. Ўзининг фикрига шу даражада маҳлиё бўлиб кетадики, оқибатда нотўғри, бир ёқлама хулосаларга келади. Жумладан, 30-йиллардаги ҳикоячилиги ҳақида сўз юритиб, шундай даъвони ўртага ташлайди: «Лекин бу даврда А. Қаҳҳорнинг ижобий қаҳрамонлар образини яратишдаги маҳорати етарли даражада камол топмаган эди».

Бу даъвонинг асоссиз эканлигини кўрсатиш учун «Анор», «Бемор», «Ўғри» каби ўзбек ҳикоячилигининг нодир намуналарини эслатишнинг ўзи кифоядир. Аммо нима учун мунаққид нуқул Абдулла Қаҳҳор эскилик сарқитларини, маразларни моҳирона фош этади-ю, тараққиётни юзага чиқарувчи ижобий кучларни етарли даражада акс эттиролмайди, деган айбномага мурожаат этаверади?

Бу саволга тўла, бехато жавоб қайтариш қийин. Лекин шуниси аёнки, мунаққид ўзини совет адабиётининг ғоявий софлиги учун фаол курашчи деб ҳисоблайди ва А. Қаҳҳор 30—60-йилларда ҳаётни бузиб кўрсатувчи, социалистик жамиятимиздаги етакчи ижобий тенденцияларни яхши идрок этолмовчи, ютуқларимизни камситиб, нуқсонларимизни бўрттириб гавдалантирувчи, қисқаси, ғоявий жиҳатдан шубҳали, ленинча партиявийлик принципларига етарли даражада риоя қилмовчи ижодкордир, деган фикрни қоғ бевосита, қоғ бавосита тасдиқлайди.

Мана, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1984 йилда бўлиб ўтган тарихий XVI Пленумида дабдабабозлик, кўзбўямачилик, лаганбардорлик, порахўрлик каби иллатлар фош этилгандан кейин Абдулла Қаҳҳор чинакам халқ ёзувчиси сифатида иш кўриб, ижтимоий-маънавий, маданий, адабий-бадиий тараққиётга тўсқинлик қилган салбий ҳодисаларни тўғри тадқиқ этиб, коммунистик партиявийлик принципларини бадиий ижодда оғишмай амалга оширганлиги ошкора эътироф этилди. Ҳ. Абдусаматовнинг атоқли адибимизга бағишланган тадқиқоти 1959 йилда ёзилган. Демак, у ўша йилларда авж олган нохуш кайфиятлар — сўз санъатини бузиб, вульгарлаштириб, бирёқлама талқин этиш таъсирида дунёга келган. Аммо нима учун худди ўша тадқиқот ҳеч қандай ўзгаришларсиз, жиддий таҳрирсиз мунаққиднинг 1985 йилда чоп этилган «Сайланма»сига киритилганки, буни англаш амримаҳолдир. Балки мунаққид ҳамон А. Қаҳҳор асарларидаги «ғоявий нуқсон»ларни тўғри топиб кўрсатганман, деб ҳисоблар?! Иўқса, нима учун Яшин, Уйғун ижодига бағишланган қўламли китобларнинг, ўнлаб мақолаларининг бироргасида «ғоявий нуқсон» ҳақида сўз очилмайди, жиддий камчиликлар эътибордан четда қолади?

Тўғри, ҳар иккала забардаст ёзувчимиз ҳақиқатан ҳам ғоявий нуқсонларга йўл қўймаган. Бироқ Абдулла Қаҳҳор-чи? Ахир, у ҳам ҳеч қачон «сиёсий нотайин» ижодкор бўлган эмас-ку!

Гап, йўқ ердан чанг чиқариб, адабий асарларни, ижодкорлар фаолиятини бузиб, вульгарлаштириб талқин этиш орқали «сиёсий нуқсонлар» кашф этишнинг марксча-ленинча эстетикага ёт эканлиги хусусида бораётир. Афсуски, мунаққид буни ҳали етарли даражада тушуниб етмаган кўринади. Бу унинг «Замон ва талаб» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 4 май) мақоласида ҳам намоёндир. Мақолада А. Алиевнинг «Адабий мерос ва замонавийлик» китоби танқид қилиниб, «ғоявий нуқсон»га йўл қўйилгани тўғрисида мулоҳаза юритилади. Қандай камчилик назарда тутилади? Маълум бўлишича, А. Алиев Чўлпон ва Фитратнинг фазилатларини бўрттириб кўрсатармиш, ғоявий нуқсонларини эса хаспўшлаб ўтганмиш. Аслида шундайми? Мунаққид ўз айбномасини адабиётшунос асари таҳлилидан келтириб чиқармайди. Афсуски, у «Адабий мерос ва замонавийлик» китобида совет адабиётининг ғоявий софлигига доғ туширади, деб А. Алиевни далилсиз қоралайди. Бу билан пировард-натижада Чўлпон ва Фитрат фазилатларини камситиб, уларнинг нуқсонларини бўрттириб кўрсатишга олиб келади. Ваҳоланки, Ҳ. Абдусаматовнинг ўзи уларни тан олиб дейди: «Чўлпон қобилиятли таржимон, шоир ва драматург бўлганлиги, классиклар асарларини ўзбек китобхонларига юксак бадиий шаклда етказиб берганлиги, умрининг охирларида социалистик позицияга ўтиб, янги даврнинг ютуқлари ва ундагы улкан ўзгаришларни мадҳ этганлиги ҳаммамизга маълум. Фитрат ҳам Чўлпонга ўхшаш йўл тутган. У ҳам гарчи секинлик билан, лекин катта ҳаёт ҳақиқатини тушуниб етган».

Аввало шуки, Чўлпон умрининг охирларида эмас, балки 1919 йилда ёзилган «Қизил байроқ», 1921 йилда битилган «Халқ», шунингдек, «Октябрь» (1930), «Чиммат қўшиғи» (1927), «Қўшиқ» (1933), «Ун йил Ленинсиз» (1939) каби шеърлари билан Октябрь инқилобининг бошларидан то ўлимигача социалистик тузумни, Ленин ғояларини таранним этган, айни чоқда ғоявий жиҳатдан мавҳум, мужмал, бир ёқлама асарлар ҳам яратган. Кўринаяптики, ижодкорнинг фаолияти, босиб ўтган йўли анча мураккаб ва унинг фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам оширб-тоширмасдан рўйрост ёритиш зарурки, бу мулоҳазаларимиз Фитратга ҳам тааллуқлидир.

Мақола муаллифи ҳар иккала йирик ижодкорнинг шакллани-ши, ўсиб улғайишидаги мураккабликлар, зиддиятларни тўғри кўрсатолмаган ёки тўғри кўрсатишни хоҳламаган. Шунга қарамасдан Чўлпон ва Фитрат янги тузумга, социалистик жамиятга хизмат қилганини эътироф этгани муҳимдир. Чунки, гап Чўлпон, Фитратнинг баркамол асарларини нашр этиш, уларнинг энг яхши хусусиятларини кўрсатиш, айни чоқда айрим жиддий нуқсонларини очиб ташлаб, тегишли хулосалар чиқариш, сабоқ олиш тўғрисида кетаяпти. Зеро, мақола муаллифи ҳар иккала ижодкорнинг хизматларини номигагина қайд этади-ю, уларни ҳар хил йўллар билан қоралашга муккасидан кетади. Шунинг учун Чўлпоннинг «Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди, Кўнгилларга ҳам ҳаволардек кўклам ҳиди берсайди, Дилларга ҳам ҳаволардек кўклам руҳи кирсайди», деган мисраларини келтириб, улардан шоирнинг «йўлсизлигини» топади, «тушкунлигини» аниқлайди. Қизиқ, юртимизга кўкариш келиб, диллар, кўнгилларга кўклам руҳи, ҳиди кирса, яхши бўларди, деб орзу қилишда қандай қилиб «тушкунлик»ни, «йўлсизлик»ни кўриш мумкин экан?!.

Мана сизга ижодкорлар, бадиий асарларни шунчаки «яхши» ёки «ёмон» деб баҳолаш, таърифлаш-тавсифлаш билан чекланиб, уларнинг моҳиятини ҳаққоний, чуқур илмий-эстетик таҳлилдан ўтказмасдан, сўз санъатининг ўзига хос қонунларига мувофиқ талқин этмасдан умумий йўсинда мулоҳаза юритишнинг оқибатлари!

Агар фақат Ҳ. Абдусаматовда шундай нуқсонлар учраётган бўлса, бу ҳақда куйиниб алоҳида сўзлашга унчалик зарурат туғилмасди. Афсуски, ҳаққоний таҳлилсиз иш кўриб, адабий-бадиий ҳодисаларни нотўғри, бирёқлама, юзаки талқин этиш ҳоллари кўпгина таниқли мунаққидларда, тажрибали олимларда, айрим ёш мунаққидларда ҳам баъзан рўй бериб туради. Мисол тариқасида О. Шарафиддиновнинг «Адабий танқид замон хизматида» (1982 й.) мақоласидан қуйидаги кўчирмани келтираман: «Ҳозирга қадар В. Зоҳидов, И. Султонов, М. Қўшжонов, Г. Владимиров, Л. Қаюмов, М. Юнусов, С. Мамажанов, У. Норматов, Ҳ. Абдусаматов, Ғ. Каримов каби адабиётшунос ва танқидчиларнинг икки-уч ёхуд бир жилдлик асарлари босмадан чиқди. Бу факт ўзбек танқидчилигининг равнақидан далолат беради». Шу ерда яна бир кўчирмани кўздан кечирайлик: «И. Султонов, М. Қўшжонов, Л. Қаюмов, О. Шарафиддинов, Н. Худойберганов, С. Мамажонов, И. Ғафуровнинг талай китоб ва мақолалари бугунги ўзбек танқидчиларининг ютуғи сифатида эътироф этилган». Бу фикр У. Норматовга тегишли бўлиб, у мунаққиднинг («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1986 йил 25 июль) «Танқидчи шаъни» мақоласида баён этилган. Қаранг-а, И. Султонов, Л. Қаюмов, Г. Владимиров, Ҳ. Абдусаматов каби адабиётшунослар ҳақида айтилган мақтов сўзлар деярли жиддий ўзгаришларсиз қарийб беш йилдан кейин такрорланаяпти. Йўқ, беш йил эмас, кейинги ўн беш-йигирма йилдан буён ўша танқидчилар ўзбек адабиёти тараққиёти тенденцияларини аниқловчи дарғалар, карвонбошилар тарзида мақталиб келинмоқда. Уларнинг фаолиятини илмий-эстетик ҳақиқат нуқтаи назаридан ёритиш, баҳолаш норасмий равишда кимлар томонидандир «ман» этилганди. Тўғри, Л. Қаюмов вақтли матбуотга интервьюлари, суҳбатлари билан иштирок этади, Ҳ. Абдусаматовнинг айрим ижодкорларга, ҳозирги драматургиямизга оид мақолаларини ўқиб турамиз, бироқ унисн ҳам, буниси ҳам адабиётимизда, илмий-эстетик ижодда катта воқеа бўладиган, ўқувчиларни, ёзувчиларни ҳайратда қолдирадиган бирорта оригинал мақола, зўр тадқиқот яратмадилар. Ваҳоланки, талқин-таҳлилдан ўтказилмаётган ўнлаб, юзлаб ҳар хил поэтик, драматик асарлар, романлар, қиссалар мавжуд, бадиий ижоднинг ечимини кутаётган қанчадан-қанча долзарб, муҳим муаммолар бор.

Табиийки, ўзбек танқидчилиги бир қанча ижобий ўзгаришларни бошидан кечираётир, муайян ютуқларни қўлга киритаётир, аммо ўз илмий-эстетик мустақиллигини намоён қилиб, ижодий жараёнга сезиларли таъсир ўтказолмаяпти, кенг қулоч ёзмаяпти. Шунга мувофиқ чинакам таҳлилу талқин маҳоратини эгаллаб, адабий-бадиий танқидчиликда кескин ижобий бурилиш ясашимиз, сўз санъатининг назарий ҳамда амалий муаммоларини чуқур ёритишимиз даркорки, буни бугунги кун талаблари тақозо қилмоқда.

Наҳангларнинг олтинчи сезгиси

Олти ойқулоқли наҳанглар жуда ҳам чуқурликда яшашгани учун кам ўрганилган. Яқинда Бермуд оролида америкалик биологлар томонидан олти ойқулоқли наҳанглар ҳаётини ўрганиш мақсадида 600 метр чуқурликка сезгир видео ва фототехника аппаратлари туширилди. Иодли лампа сув остини ёритиб турди. Шу билан бирга уларни чўчитиб юбормасликка ҳаракат қилинди. Махсус аппаратлар ёрдамида денгиз остига тушган мутахассислар денгиз жониворларини диққат билан кузатиб, муҳим маълумотларни қўлга киритдилар.

Наҳангларнинг кўриш ва эшитишлари уларнинг озуқа излашлари учун муҳим роль ўйнамас, балки бу вазифа уларнинг бошқа сезги аъзолари ёрдамида бажарилар экан.

Ҳақир-тиканак

ҚЎЛ КЕЛДИ

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

(Киракашлик кооперативига номига аъзо
бўлиб олиб, ҳамён тўлдириш дардига чалинган
Эрматвой ҳақида)

Кооператив тузилиши қўл келиб Эрматвойга
«Жигули»син ғизиллатиб қўяди пулга пойга.
Кўп тўлайман, десанг борми, ҳайдайди ҳатто ойга —
Бирни икки этиб шилар, элтганда ҳар бир жойга.

Тузоғига илинганлар қутилай, дер ғурбатдан, —
Яламурнинг худди ўзи кўриниш, турқ-турбати.
Текширганга рўкач қилар у аъзолик ҳужжатин,
Рост кўчамас, паст кўчада оширар иш суръатин.

Алдамчилик борасида у ўзини тоблаган,
Ғирромликни коса-коса шароб билан ҳўплаган.
Ор-номусдан заррача йўқ, —бетга чарм қоплаган,
Инсоф деган саховатни аллақачон соплаган.

Чорбозорчи учраб қолса доим олчи ошиғи,
«Ҳар бир қопга ўн сўм, — дейди, — шудир гапнинг очиғи!»
Кеч бўлганда пул санайди — елкасида сочиғи,
Оғзин йиртган чўмичдайин охир нобоп қошиғи.

Унга гўё сариқ чақа қўни-қўшни, дўсту ёр,
Энди ишдан бўшаб олиб, кира қилар у беор.
Кундан кунга ўпқон нафси бўлаяпти тубсиз ғор,
Кўпнинг дилин оғритиб у ўз жонига қургай дор.

ТАРКИ ОДАТ...



— Мумкинми, ўғлим?
— Навбат билан киринг!
— Одам йўқ-ку?
— Бари бир!

Ш. Абдуллаев чизган расмлар.

ЎҒЛИМНИНГ ҚЎШИҒИ

МИТТИ ҲАЖВИЯ

— Дада, бугун опамиз бизга зўр-р қўшиқ ўргатдилар. Айтиб берайми? — деб қолди ўғилчам боғчадан қайтар экан.

— Қани, қани. Эшитайлик-чи?

Ўғилчам бийрон тилда куйлай кетди:

Ақлу хаёлим олдинг,
Юрагимга ўт солдинг.
Сени севдим, гўзал ёр,
Лолу ҳайрон айладинг.

— Қойил, офарин!

— Яна биттаси бор. Униям айтаймми?

— Айт.

Акмал яна қўшиқ айта бошлади.

Эй гўзал ёр,
Этма мени зор.
Ҳажринг ўтида, жонгинам,
Тунларим бедор.

Сўнгра изоҳ берди:

— Олдингисининг артисти эсимдан чиқиб қолди. Буниси Бобомурод Ҳамдамовнинг қўшиғи экан.

«Қалай, қойилмисиз?» дегандай қараб турган ўғилчамга боқиб, кулишимни ҳам, кулмаслигини ҳам билмай қолдим. Яшавор, боғча опаси!

Ўғлимнинг айтишича, боғча опалари эртага «Кўзинг қароси» деган қўшиқни ўргатар эканлар.

Ўткир САИДОВ

ЛАТИФАЛАР

* * *

Афанди водопровод суви билан резинка ичакда енгил машинасини ювaётган қўшнисига мурожаат қилди:

— Газеталарда нима гап, Эгамқул?

— Орол денгизининг суви қуриб бораётган эмиш, — деб жавоб берди Эгамқул.

— Машинангизга сарф бўлаётган сувни Оролга қуйсангиз, шундай бўлмасди, — деб заҳарханда қилди Афанди.

* * *

— Томдан йиқилиб тушдим! — деб мақтанди Афанди.

— Бирор еринги лат емабди-ку!? — ажабланди ҳамроҳи.

— Горчистка машинаси ойлаб келмагани учун супринди бўғотга етиб қолган эди-да, — деб кулди Афанди.

А. ИСОМИДДИНОВ

* * *

«Икки киши шерикчиликда сценарий ёзган эдик, мутасаддилардан бири: «Соавторлик — икки бошли одамга ўхшайди, қўлингиздан келса бир ўзингиз ёзинг», деб насиҳат қилди».

(Кинорежиссёрнинг шикояти)


«Мактаб ошхонасининг ошпази Олғирбой болаларнинг нонини туя қилаяпти. «Ойлигим 105 сўм», деб нолийсиз, заводга ишга кирсангиз, 250—300 сўм оласиз, десам, у: «Болаларни яхши кўраман», деб важ қилди».

(Қариялар суҳбатидан)



— Ҳозирги ёшларга ҳайронман: ўзидан катталарга жой берай демайди-я?!

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА



Қадрли дўстлар!

1988 йил учун «Гулистон» журналига обуна бўлиш мавриди келди. Келгуси йилда севимли журналингиз саҳифаларида қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни, фан-техника тараққиёти тезлашган, ижтимоий адолат турмушимизда ўз қонуний ўрнини эгаллаётган даврнинг долзарб масалаларига, табиатни муҳофаза қилиш, Орол денгизини қутқариб қолиш вазифаларига бағишланган публицистик ҳамда бадиий асарлар ёритилади, адабиёт, санъат янгиликларига алоҳида эътибор берилади. Дидингизга ёқадиган фотосуратлар эълон қилинади. Обуна чекланмаган миқдорда қабул этилади.

Журналнинг йиллик обуна баҳоси — 4 сўм 20 тийин.

5-СОНДА БОСИЛГАН «СПОРТ» — ТОПШИРИҚЛИ ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Ўлмасова (Светлана). 2. Альпинизм. 3. Мерганлик. 4. Кубок. 5. Кураш. 6. Шашка. 7. Аҳмедова (Озода). 8. Акробат. 9 Тўп. 10. «Пахтакор». 11. Разряд. 12. «Динамо». 13. Отчопар. 14. Рискиев. 15. Ватерпол. 16. Лагутин (Борис). 17. Нокаут. 18. Теннис. 19. Самбо. 20 Омельянчик (Оксана). 21. Кросс. 22. Спартакиада. 23. Аъзамов (Георгий).

Шакл марказида: Спорт — соғлик таянчи.

Шакл атрофида соат мили бўйича тартиб билан: Атлетика. Шахмат. Футбол. Қўл тўпи. Эшкак эшиш. Волейбол. Чим устида хоккей. Бокс.


МУҚОВАДА

Биринчи бет: Қардош Тожикистоннинг машҳур санъаткорлари, СССР халқ артистлари — раққоса Малика ҚАЛАНДАРОВА ва хонанда Жўрабек МУРОДОВ.

В. Мосин фотоси

КРОССВОРД

1. Ўзбек классик шоири. 2. Бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, музикали драмалар муаллифи. 3. Ўзбекистонда Усто Мўмин тахаллуси билан ижод қилган рус рассоми, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 4. Кинорежиссёр 3. Собитов фильми. 5. Ўзбек совет рассоми, «Абу Райҳон Беруний» портрети муаллифи. 6. Таниқли озарбойжон хонандаси ва опера солисти, СССР халқ артисти. 7. Таниқли ёғоч ўймакори, Ўзбекистон ССР халқ рассоми. 8. Аския учун танлаб олинган маълум мавзу. 9. Р. Тагор романи асосида саҳналаштирилган «Ганг дарёсининг қизи» драмаси қаҳрамони. 10. Металлга ўйиб безак ишловчи ҳунарманд. 11. Илк ўзбек театри режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 12. Биринчи ўзбек балети. 13. «Сен етим эмассан» фильми қаҳрамони. 14. Бино ва иншоотлар лойиҳачиси, СССР халқ архитектори. 15. Ўзбек классик мақомлари мажмуи. 16. «Шашмақом»да куйнинг бир қисми. 17. Озарбойжон совет композитори, СССР халқ артисти, Социалистик



Меҳнат Қаҳрамони. 18. Таниқли ғижжакчи ва бастакор, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 19. Ўзбекистонда рақс санъатининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган раққоса ва балетмейстер, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 20. Мойбўёқчи рассом, Ўзбекистон ССР халқ рассоми. 21. Касбни ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. 22. Ўзбек балети актрисаси, хореограф, «Фарғона халқ рақслари» қўлланмаси муаллифи. 23. Атоқли рус совет археологи ва ҳайкалтароши. 24. «Мирзо Улуғбек» тарихий драмаси персонажи. 25. Ўзбек халқ рақси. 26. Шеър сатри. 27. Торли музика асбобини чалиш мосламаси. 28. Билим манбаи. 29. Кулги, табассум. 30. Таниқли ҳинд кинорежиссёри ва актёри.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

Бош редактор: МИРМУҲСИН
Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 19.04.87 й. Босишга рухсат этилди 19.06.87 й. Р-10839. Қоғоз 70×108/8 Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171879. Буюртма № 945. Нашр Б—115

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ҳамда «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

ШАҲРИСАБЗ ГИЛАМДЎЗЛАРИ ҲУЗУРИДА.

М. Пенсон фотоси

Фарғона область, Киров районидаги «Искра» колхози. Устазода наққош Баҳриддин Аҳмедов (чапдан иккинчи), Аҳад Нишонов, Муҳаммадумар Аҳмедов.

В. Жирнов фотолари

Нақшлар тилга кирганда...







ГУЛЛАР.
М. Пелсон фотоси

МАНЗАРА.
С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.